

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"Метрология, стандартлаштириш  
ва сертификатция"  
фанидан**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

2018-2019 ўқув йили учун

Урганч – 2018

## **1-март. «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фанининг мақсади ва метрология бўйича асосий атамалар**

**Режа:**

**1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.**

**2. Метрология бўйича асосий атама ва тушунчалар.**

**1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.** "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" фанини ўрганишдан мақсад: талабаларда Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган метрологик таъминот, соҳага ИСО 9000:2000 стандартлари асосида сифат менежменти тизимини жорий қилиш, стандартлаштириш ишлари ва сертификатлаштириш муолажалари бўйича масалалар билан шуғулланиш, ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар ва соҳа стандартлари билан ишлаш борасида етарли билим ва малакаларни ҳосил қилишдир. Асосий вазифаси эса талабаларга узлуксиз таълим тизимида "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" асослари бўйича мукамал билим беришдир.

Ушбу фан намунавий ўқув режасининг умумқасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, бакалавриятнинг барча таълим йўналишлари бўйича таълим олувчи талабалар учун мўлжалланган. Фанни ўрганиш натижасида талабалар метрология бўйича асосий қоидаларни, талаблар ва меъёрларни, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни билиши ва мавжуд билимларини, тажрибаларини амалий фаолиятда қўллаш билиши лозим ҳисобланади. Бу ҳозирги кунда, айниқса, халқаро стандартларнинг талабларига мос келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг рақобатбардошлилигини таъминлашда долзарб масалалардан бири саналади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича асосий мақсад маҳсулотлар ва хизматлар сифатини таъминлашдир.

**2. Метрология бўйича асосий атама ва тушунчалар.**

Метрологик меъёрлар ва қоидаларнинг халқаро ва тармоқлараро аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ўзаро тушуниш ва ҳаракатларни келишишда метрологик атамаларнинг бирлиги ва қабул қилинган тушунчаларга аниқ риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида" Қонунида, Ўз ЎДТ нинг асос бўлувчи ҳужжатлари O'z DSt 8.010:2002, O'z DSt 8.010.2:2003, O'z DSt 8.010.3:2004, O'z DSt 8.010.4:2002 да ва алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фойдаланиладиган "Tst 45.025.2000. Метрологик таъминот. Атамалар." тармоқ стандартида метрология бўйича қуйидаги асосий атама ва тушунчалар келтирилган:

**Метрология** – Ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш методлари ва воситалари ва талаб этилган аниқликка эришиш усуллари тўғрисидаги фан.

**Ўлчашлар бирлиги** – Ўлчашларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланган ва ўлчашларнинг хатоликлари берилган эҳтимоллик билан маълум бўлган ҳолат.

**Ўлчаш** – махсус техник воситалар ёрдамида физик катталиклар қийматларини тажриба йўли билан топиш.

**Ўлчаш воситаси** нормалаштирилган метрологик тавсифга эга бўлган ўлчаш асбобидир. Ўлчаш воситаси, ўз навбатида, ўлчов, ўлчаш ўзгартиргичлари, ўлчов асбоблари, ўлчаш ахборот тизими ва ўлчаш қурилмалари каби туркумларга бўлинади.

**Ўлчаш асбоби (прибор)** деб, кузатувчи идрок қилиши учун қулай шаклдаги ўлчов информацияси сигналинини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган ўлчаш воситасига айтилади.

**Ўлчов** деб, берилган ўлчамли физик катталикларни қайта тиклаш учун мўлжалланган ўлчаш воситасига айтилади. Ўлчовлар бир қийматли, кўп қийматли ва ўлчовлар тўпламидан иборат бўлади. Бир қийматли ўлчовлар бир хил ўлчамли физик катталиқни қайта ўлчайди. Масалан: ўзгармас сигимли конденсаторлар, қадоқ тошлар. Бир қийматли ўлчовлардан тўпламлар ва магазинлар ташкил топади. Кўп қийматли ўлчовларга бўлинмалли чизғичлар, индуктивлик вариометри ва ўзгарувчан сигимли конденсатор мисол бўлади. Ўлчовлар тўплами

деб, махсус танланган, фақат алоҳидагина эмас, балки турли бирикмаларда турли ўлчамли қатор бир номли катталикларни қайта ўлчаш мақсадида қўлланиладиган ўлчовлар мажмуига айтилади.

**Бирлик эталони** – Физик катталикнинг ўлчамини бошқа ўлчаш воситасига бериш мақсадида физик катталик бирлигининг ўлчамини қайта тиклаш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчашлар воситаси.

**Давлат эталони** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида катталик бирлигининг ўлчамини ўрнатиш учун миллий идора вакилининг қарори билан бошланғич эталон сифатида тан олинган эталон.

**Ўлчаш ўзгарткичи** - ўлчашга доир ахборотни узатиш, ўзгартириш, ишлов бериш ва сақлаш учун қулай бўлган, аммо кузатувчи бевосита идрок қилиши мумкин бўлмайдиган шаклдаги сигнални ишлаб чиқиш учун хизмат қиладиган ўлчаш воситасидир.

**Намуна ўлчаш воситалари** ишчи ўлчаш асбобларини текшириш ва уларни ўзлари бўйича даражалашга хизмат қилади.

**Эталонлар** деб, фан ва техниканинг энг юксак савиясида аниқлик билан ишланган намунавий ўлчовларга айтилади.

**Ўлчов бирлиги** ўлчаш натижаси кўрсатилган бирликда ифодаланган ва ўлчаш хатолиги берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчаш ҳолатидир.

**Ўлчаш аниқлиги** – бу ўлчаш натижаларини ва ўлчанаётган катталик ҳақиқий қийматининг мос келиш даражасидир.

**Ўлчаш хатолиги** ўлчаш натижасининг ўлчанаётган катталикнинг асл қийматидан фарқланишидир.

**Физикавий катталикнинг асл қиймати** хатоликлардан холи бўлган қийматдир.

**Ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати** йўл қўйилган хатоликлар таъсирида олинган натижалар қийматидир.

**Ўлчаш объекти** у ёки бу физик катталикдир.

**Қонунлаштирувчи метрология** – бу метрологиянинг бир қисми бўлиб метрология бўйича миллий орган томонидан амалга ошириладиган фаолиятга тааллуқли ва бирликлар, ўлчаш воситалари, ўлчаш лабораторияларига доир давлат талабларига эга.

**Метрология хизмати** – Давлат идоралари ва юридик шахсларнинг метрологик хизматлари тармоқлари ҳамда уларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти.

**Ўлчаш воситаларининг қиёсланишни олиб бориш учун метрологик хизматни аккредитлаш** – бу қиёслашишларини бажаришга давлат томонидан, давлатнинг ишончли вакили томонидан расмий тан олиниши.

**Ўлчаш воситасини қиёслаш усули** – бу қиёслаш схемаси бўйича юқоридаги ўлчаш воситаларидан қуйидаги ўлчаш воситаларига бирликнинг ўлчамини узатиш усули.

**Ўлчаш воситаларининг қиёслаш натижаларини расмийлаштириш** - бу ўлчаш воситаларини қиёслаш натижалари бўйича расмий ҳужжатни тузиш ва ўлчаш воситасини яроқлилигини кўрсатиш.

**Ўлчаш воситаларини таққослаш** – бу систематик хатоликларни аниқлаш учун ўлчаш воситасини эталон ёки ўша турдаги намуна ўлчаш воситасига солиштириш, яъни ўлчовни ўлчов билан, приборни прибор билан.

**Базавий (асос) метрология хизмати** – бу алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизмат бўлиб, бириктирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик таъминот масалалари бўйича иш фаолиятини мувофиқлаштирувчи хизмат.

**Давлат метрология назорати** – бу ўлчаш воситаларининг тури ва қиёсланиши, сотилиши ва уларнинг прокатини лицензиялаш бўйича давлат метрология хизмати органи томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

**Давлат метрология текшируви** - бу давлат метрология хизмати органи томонидан амалга ошириладиган метрология қоидаларига риоя қилиниши текшириш мақсадидаги фаолиятдир.

**Ўлчанадиган катталик** - ўлчашга тортиладиган катталик.

**Ўлчаш воситасини калибрлаш** - бу калибрлаш лабораторияси томонидан ўлчаш воситасининг метрологик характеристикаси ҳақиқий қийматларини ва қўлланилишга яроқлилигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадидаги муолажалар мажмуидир.

**Ўлчаш воситаларини қиёслаш** – Ўлчаш воситаларининг ўрнатилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрологик хизмат идоралари (бошқа ваколатланган идоралар, ташкилотлар) бажарадиган амаллар мажмуи.

**Ўлчаш воситаларини тайёрлаш** (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) **га лицензия** – Кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳуқуқини тасдиқловчи, юридик ва жисмоний шахсларга давлат метрологик хизмат идоралари томонидан бериладиган хужжат.

**Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш** – доналаб ишлаб чиқарилган (ёки Ўзбекистон ҳудудига доналаб келтирилган) ўлчаш воситаларининг, уларнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида, қўлланишга ҳуқуқли эканлигини метрологик хизмат томонидан тан олиш.

**Метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларни аккредитлаш** – метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларнинг ўрнатилган аккредитлаш доирасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни ўтказишга ҳуқуқлигини расмий тан олиш.

**Юридик шахсларнинг метрологик хизматларини ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳуқуқига аккредитлаш** – юридик шахслар метрологик хизматларининг ўрнатилган доирада ўлчаш воситаларини калибрлашни ўтказиш ҳуқуқини расмий тан олиш.

**Ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш** – Ўлчашларни бажариш методикасининг унга қўйилган метрологик талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот.

**Ўлчашларни бажариш методикаси** – Ўлчашлар натижаларига аввалдан маълум бўлган хатолик билан эришишни таъминлайдиган ишлар ва қоидалар мажмуи.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” фанининг мақсади.
2. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” фанининг вазифалари.
3. Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг асос бўлувчи хужжатларини санаб ўтинг.
4. Ўлчашлар бирлиги нима?
5. Эталонлар деганда нима тушунилади?
6. Ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлаш ва аттестатлаш нима?
7. Метрология хизмати нима?

## АДАБИЁТЛАР

1. Сергеев А.С., Латышев М.В., Терегеря В.В. Метрология, Стандартизация и сертификация. Учебное пособие. М. Логос. 2003.-536 с.
2. Сигов А.С., Белик Ю.Д., Вербя В.С. и др. Метрология и электрорадио измерения в телекоммуникационных системах. М.Высшая школа. 2005.
3. Tst 45.025:2000 Метрологик таъминлаш. Атамалар ва таърифлар.

## **2-майруза. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрология хизмати ва метрология бўйича халқаро ташкилотлар**

**Режа:**

- 1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрология хизмати.**
- 2. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрологик таъминот.**
- 3. Метрология бўйича халқаро ташкилотлар.**

### **1. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрология хизмати.**

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни (11-модда) томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик хизматлари ўлчаш бирлигини таъминлаш ва метрологик назоратни амалга ошириш бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳолларда ташкил этилиши белгилаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимида ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлаш, таъмирлаш ва метрологик шаҳодатлаш ҳуқуқига эга бўлган учта аккредитланган метрология хизматлари мавжуд: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизмати, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳамда «Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалидаги метрология хизматлари.

UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизматининг қиёслаш ва таъмирлаш лабораторияси соҳавий ҳисобланади ва у соҳадаги барча хўжалик юритувчи субъектлар учун таъмирлаш ва қиёслаш ишларини ўтказиш ҳуқуқига эга. Охири иккита хизмат аккредитлаш соҳасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ички эҳтиёжлари учун зарур бўлган ўлчаш воситаларини таъмирлаш ва қиёслаш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу метрологик хизматлари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун намунавий ўлчаш воситалари, ёрдамчи ускуналар ва норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланганлар.

Ҳозирги вақтда, метрология хизматлари йўқ бўлган (ўлчаш воситаларининг тўплами кам бўлганлиги сабабли), алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг хўжалик юритувчи субъектларида ўлчаш воситалари ҳолати, тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифа ва мажбуриятлари учун жавобгарлар тайинланган.

Барча метрологик хизматларга ва ўлчаш воситалари ҳолати учун жавобгар шахсларга асосий талаблар - бу ўлчаш воситаларини, қиёслаш ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик хизматларига қиёслаш лабораториялари билан бир қаторда давлат метрология назорати ва текширувига тегишли бўлган соҳадан ташқаридаги ўлчов воситалари учун калибрлаш лабораторияларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчаш воситаларини калибрлашнинг ташкилий ва техник асосларини жорий қилиш ўлчаш воситалари ҳолатини назорат қилишни осонлаштиришга имкон беради.

«Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАК, уяли алоқа компаниялари, Интернетнинг йирик оператор ва провайдерларининг қайта ташкил қилиниши сабабли уларнинг таркибий бўлинмалари ва филиалларини метрологик таъминлашда муаммолар туғилди.

Табиийки, аккредитлашнинг қисқа соҳаси билан чегараланган мавжуд учта метрологик хизматларнинг фаолияти янги тузилган таркиблар ва бўлинмаларни таъмирлаш ва қиёслаш ишлари билан тўлиқ таъминлай олмайди.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ва намунавий ўлчаш воситаларини таъмирлаш ва қиёслаш лабораторияларини юқори технология ускуналари билан жиҳозлаш йўли билан мавжуд метрология хизматларининг аккредитлаш соҳасини изчиллик билан кенгайтириш ва мутахассисларни янги техника ҳамда технологиялар билан ишлашнинг замонавий услублари ва ишлаш малакаларини ошириш учун мунтазам равишда ўқитиш зарур.

UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизмати алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик хизматлари ишларини

мувофиқлаштиради.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг метрология хизматлари ўлчашлар бирлиги ва талаб этилган аниқлигини (ўлчашларни бажариш услубларини ишлаб чиқиш ва аттестатлаш, норматив ҳужжатлар лойиҳаларининг метрологик экспертизаси, лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ҳужжатлаштириш ҳамда бошқа турдаги ишлар бўйича) таъминлаш соҳасида муайян фаолиятни амалга оширишда техник ваколатлилигини тан олишга, ихтиёрий равишда аккредитациядан ўтиши мумкин.

## **2. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрологик таъминот.**

Метрологик таъминотнинг таркибига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизмати, Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги стандартлаштириш бўйича Техника қўмитаси, Давлат алоқа инспекцияси, метрологик хизматлар ва хўжалик юритувчи субъектлари ўлчаш воситаларининг ҳолати учун масъул шахслар киради.

Метрологик таъминот тизими Ўзбекистон Республикаси Давлат ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими билан, Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш Давлат тизими, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳа тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Тизимнинг бошқа давлатларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимлари ва халқаро органлар билан ўзаро ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг норматив ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Давлат метрологик назорати ва текшируви соҳасида қўлланилаётган ўлчаш воситаларининг Давлат Реестрини, метрологик таъминот бўйича стандартлар Давлат Реестрини, аккредитланган метрологик хизматлар ва метрологик лабораториялар Давлат Реестрини юритиш, Тизим бўйича ташкилий-услубий ҳужжатларнинг келишуви, бошқа давлатларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш Давлат тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, синовлар натижаларини ўзаро тан олиш, тур тасдиқланишининг сертификатлари ва метрологик шаҳодатлаш масалалари бўйича, шунингдек ўлчаш воситаларини қиёслаш услубларини, ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик назорати ва текширувини амалга ошириш вазифалари «Ўзстандарт» агентлиги зиммасига юклатилган.

Метрологик хизматларни кўрсатиш бўйича республика Маркази:

- ўлчаш воситалари турини тасдиқлаш бўйича синовларни ўтказиш;
- ўлчаш воситаларини метрологик шаҳодатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш;
- метрологик хизматлари, марказлари, лабораториялари ўлчаш воситаларининг синовлари ва қиёслашларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи аккредитлашни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўлчашларни бажариш услублари ва метрологик фаолиятнинг бошқа муайян турларининг давлат метрологик назоратини амалга оширади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти белгиланган ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш (қайта тайёрлаш)ни таъминлайди ва қонунлаштирувчи метрология бўйича ишлаб чиқиладиган соҳа норматив ҳужжатларининг келишувида қатнашади, метрологик хизматлари ва синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича ҳужжатлар экспертизасини ўтказиши.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрологик таъминот масалалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тартибга солинади ва мувофиқлаштирилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Метрология қонун ҳужжатлари, ўлчов воситалари турининг аттестацияси ва тан олиниши масалалари бўйича «Ўзстандарт» агентлиги билан ўзаро ҳамкорлик, Тизим таркибини шакллантириш ва унинг қатнашчиларининг фаолиятини координатлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

- Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ва бошқа халқаро ташкилотлар билан Тизимнинг қоида ва меъёрларини ривожлантириш ҳамда уйғунлаштириш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- умумсоҳа характеридаги масалаларни ҳал этиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчашлар бирлигини таъминлашда техник сиёсатни ишлаб чиқиш;

- соҳа метрологик таъминотининг қонун ҳужжатлари базасини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил қилиш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги қошидаги стандартлаштириш бўйича Техник қўмита қуйидагиларни ишлаб чиқади:

- метрология қонун ҳужжатлари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси хўжалик юритувчи субъектларининг метрологик таъминоти борасидаги стратегияни;

- халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бекор қилиш, чет эл стандартларидан Тизимни такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш бўйича тавсияларни тайёрлайди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрологик хизматларнинг ташкилий схемасини такомиллаштириш ва шакллантириш бўйича тавсияларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги (ҳозирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги)нинг 1997 йил 11 июлдаги 225-сон буйруғига асосан UNICON.UZ маркази қошида Асос метрология хизмати ташкил қилинди.

Асос метрология хизмати алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг хўжалик юритувчи субъектларини метрологик таъминоти вазифаларини амалга ошириш бўйича ишларга илмий-техник ва ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади. Асос метрология хизмати низомга мувофиқ ўлчаш воситаларининг соҳа реестрини юритади, «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўллаш учун тавсия қилинган ўлчаш воситалари каталоги»ни ҳар йили янгилайди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази қошида, «Ўзбектелеком» АКнинг «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалида метрология хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Қонун ҳужжатлари ва норматив актлар, давлат ва соҳа стандартлари талабларини бажариш ва уларга риоя қилиш, лицензия шартлари ва алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тақдим этилаётган хизматлар сифатини таъминлаш бўйича Давлат назорат органи бўлиб Давлат алоқа инспекцияси ҳисобланади.

Тизим иштирокчиларининг асосий вазифалари улар тўғрисидаги белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган низомларга мувофиқ аниқланади.

### **3. Метрология бўйича халқаро ташкилотлар.**

1881 йилда электротехника соҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик бошланган. Шу йили электр бўйича биринчи халқаро конгресс бўлиб ўтган. 1906 йил эса Лондонда 13 та мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган конференцияда халқаро электротехника комиссиясини тузиш ҳақида бир қарорга келинди.

МЭК электротехника, электроника, радиоалоқа, телевидение, телекоммуникация, приборлар яратиш соҳалари бўйича шуғулланади.

1975 йилдан бошлаб МЭК тавсиялари халқаро стандартлар статусини олди. МЭК стандартлари электротехник жиҳозлар ва электрон қурилмаларни экспорт қилишда қўлланилади. Ҳозирда 41 та миллий комитетлар МЭК нинг аъзолари ҳисобланади. Бу мамлакатларда ер куррасининг 80 % аҳолиси яшаб, дунёдаги ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг 95 % нинг истеъмолчилари ҳисобланади. МЭК нинг олий раҳбар идораси МЭК кенгаши ҳисобланади. Унда энг юқори лавозимида МЭК президенти туради ва у ҳар 3 йилда сайланади. МЭКнинг ишчи тили бўлиб, рус, инглиз ва француз тиллари ҳисобланади.

Қонунлаштирувчи метрология бўйича халқаро ташкилот (МОЗМ) 1956 йилдан бери мавжуд ва ҳозирда 50 дан ортиқ қонунлаштирувчи метрология бўйича Халқаро ҳамкорликни таъминлаш мамлакатларни ўз ичига олади. Унинг асосий вазифаси халқаро масштабда ўлчашлар бирлигини таъминлаш, ўлчаш хатоликларни баҳолаш, ўлчаш усуллари, терминология ва шартли белгилашлар бўйича тавсия ишлаб чиқишдир. Унинг олий органи - Халқаро конференциядир. Бу конференция Халқаро микёсда ўлчашлар бирлигини таъминлаш амалиёти бўйича МБМВ - ўлчов ва тарози бўйича халқаро бюро ҳисобланади. МОЗМ органлари қуйидагилар:

1. Қонунлаштирувчи метрологиянинг халқаро конференцияси
2. Қонунлаштирувчи метрологиянинг халқаро комитети
3. Қонунлаштирувчи метрологиянинг халқаро бюроси

Бундан ташқари МОЗМ таркибида ишчи-техник гуруҳлар ҳам фаолият кўрсатади.

Қонунлаштирувчи метрологиянинг халқаро конференцияси ҳар йили бир марта чақирилади. Қонунлаштирувчи метрологиянинг Халқаро комитети МОЗМ нинг раҳбар органи ҳисобланади.

МОЗМ нинг штаб-квартираси Париж шаҳрида Женевада эса ИСО ва МЭК ташкилотларнинг секретариатлари жойлашган.

МКЗМ-президенти ва икки вице-президенти олти йил мудатга сайланади. МКЗМ-мажлиси ҳар икки йилда чақирилади. МОЗМ нинг ижро органи бўлиб МБЗМ (қонунлаштирувчи метрология халқаро бюроси) ҳисобланади. Бюро штати МОЗМ га аъзо давлатлар аъзолик бадали ҳисобига сақланиб туради. Бюро МОЗМ нинг секретариати вазифасини бажаради, марказ ҳисобланади ҳамда МКЗМ мажлиси ва конференцияларини тайёрлайди. Секретариат-маърузачилардан ташқари “Ишчи гуруҳи” деб номланган гуруҳ ҳар бир мавзу бўйича тавсиялар лойиҳасини ишлаб чиқади ва гуруҳ аъзолари билан келишилади.

Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 - йилда МДХ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК) тузилди.

МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 13 март 1992-йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Битимга имзо чекди.

Бу Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъерий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДХ да қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъерий база - давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъерий ҳужжатларни қўлланиш ва ривожлантириш;
- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;
- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ТҚ (техник кўмита) томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг Кенгаши, шунингдек стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТҚ доимий ишламоқда. Ҳозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича Бюродан иборат. Кенгашни ротация асосида ДАК аъзо-мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қатор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар киради:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида Битим (13.06.1992, Москва);



- Вақт ва частотани ўлчаш бирхиллигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (09.10.1992, Бишкек);
- Қиёслаш ва метрологик аттестатлаш мақсадида чегарадан олиб ўтиладиган меъёрий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва стандарт намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида Битим (10.02.1995, Алмати);
- Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат муҳофазаси бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва риоя қилиш тартиби тўғрисида Битим (12.04.1996, Москва);
- Эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича Битим (20.06.2000, Москва);
- МДХ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Концепция.

МДХ мамлакатларида амалдаги техник қонунларни уйғунлаштириш мақсадида ДАК да модел қонунлар ишлаб чиқилган:

- "Стандартлаштириш тўғрисида" (Парламентлараро ассамблеянинг (ПАА) 10-ялпи мажлисида қабул қилинган);
- "Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тўғрисида" (МДХ ПАА нинг 11-ялпи мажлисида қабул қилинган).

ДАК доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

- Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида (04.06.1992, Краснодар);
- Давлат синовлари ва хилини тасдиқлаш, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини, шунингдек синовларни, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);
- Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш ва қўлланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);
- Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Душанбе);
- ДАК стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ИСО, МЭК) ва Европа Иттифоқи (СЕН) стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган ва унга ИСО ва МЭК да қабул қилинган қоидаларга мувофиқ "Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евро-Осиё ташкилоти (EASC) номи берилган. Юқоридаги номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий ҳужжатлар билан алмашилиш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тўғрисида узоқ муддатли келишувлар имзоланган.

EASC имзоланган келишув (битимлар) га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASC нинг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш ҳуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай ҳуқуқдан EASC нинг аъзо-давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан қатъи назар, фойдаланади.

Ҳозирги вақтда МДХ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 - йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДХ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизматининг қиёслаш ва таъмирлаш лабораториясининг вазифалари.
2. Соҳада қўлланиладиган ўлчаш воситаларининг метрологик таъминоти.
3. UNICON.UZ маркази қошидаги Асос метрология хизмати.
4. Халқаро электротехник комиссия фаолияти.
5. Қонунлаштирувчи метрология бўйича халқаро ташкилот.
6. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро Кенгаш.

## АДАБИЁТЛАР

1. К 014:2003. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимини ривожлантириш концепцияси.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
3. К 014:2003. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимини ривожлантириш концепцияси.
4. “Метрология тўғрисида”ги (ЎзР 28.12.1993 й. 1004-ХП-сон; ЎзР 26.05.2000 й. 82-П-сон, ЎзР 25.04.2003 й. 482-П-сон) Қонун.

### **3-маъруза. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими ва метрологик фаолиятнинг қонуний асослари**

**Режа:**

- 1. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси “Метрология тўғрисида”ги қонуни шарҳлари.**
- 3. Метрологик текширув ва назорат.**

#### **1. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими.**

Ўлчашлар бирлигига эришиш маҳсулотлар, хизматлар, технологияларнинг сифатини, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича бажарадиган ишларнинг асосидир. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш дунёдаги ҳар бир мамлакат учун давлат аҳамиятидаги масаладир. Маълумки, ўлчашлар бирлиги Ўзбекистонда ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими асосида амалга оширилади.

Ўлчашлар бирлиги ҳозирги замон метрология фаолиятидаги асосий тушунчаси бўлиб ҳисобланади ва ўлчашнинг шундай ҳолатини тавсифлайдики, унда ўлчаш натижалари катталикларни қонунлаштирилган birlikларида ифодаланган уларнинг хатоликлари эса берилган эҳтимоллик билан ўрнатилган чегарада бўлади.

Ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг илмий асоси бўлиб ўлчашлар тўғрисидаги “Метрология” фани ҳисобланади. Ҳозирги замон метрология 3 бўлимдан иборат:

- назарий метрология;
- қонуний метрология;
- амалий метрология;

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг техникавий асослари бўлиб ҳисобланади:

- Миллий эталонлар комплекси бўлиб улар катталик birlikларини такрорлаш ва сақлаш учун мўлжалланган.
- Ўлчаш воситалари ва ўлчашларни бажариш усулларининг қонунийлигини ўрнатиш тизими.
- Бирликлар ўлчамлигини эталонлардан улар билан ўзаро бўйсунишда бўлган ўлчаш воситаларига узатиш тизими.

Тизимнинг ташкилий асоси бўлиб, Ўзбекистон метрология хизмати ҳисобланади. Ушбу хизмат давлат метрология хизмати ва юридик шахсларнинг метрология хизматидан ташкил топган.

Тизимнинг қонуний асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”даги қонуни ҳисобланади.

Метрология хизматининг раҳбарий ва етакчи маркази бўлиб метрология бўйича миллий орган Ўзстандарт ҳисобланади. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт агентлиги”)нинг ташкилий тузилиши 1-расмда, “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-расмда кетирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-иловасида “Ўзстандарт” агентлиги тўғрисида низом келтирилган.

“Ўзстандарт” агентлиги тузилиши қуйидагилар киради:

- Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (3-расм);
- Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда унинг худудий синов ва сертификатлаштириш марказлари;
- Метрология хизматлари кўрсатиш маркази;
- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (4-расм);
- Миллий эталонлар маркази (5-расм);
- Штрихли кодлаштириш маркази ;
- Ахборот-маълумотлар маркази ;


Юридик шахсларнинг метрология хизмати Давлат бошқарув органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан зарурий ҳолларда “Бош метрология хизмати” ёки “Асос метрология хизмати” шаклида очилиши мумкин.

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистонда ўлчовлар бирлигини таъминлаш Давлат системасининг ҳужжатлар комплекси ҳисобланади.


Бу комплекс таркибига халқаро, давлатлараро ва миллий меъёрий ва услубий ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатлар ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича қанча, меъёрий ва ишларни бажариш тартибини аниқлайди, бу эса Давлатнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий интеграциясига ва савдодаги тўсиқларни бартараф қилинишга имкон беради.




**1-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги)нинг ташкилий тузилмаси.**




**2-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) марказий аппаратининг тузилмаси.**



**3-расм. Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ)нинг намунавий тузилмаси.**



**4-расм. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси.**



Ходимларнинг чекланган жами сони - 8 киши,  
шу жумладан: бошқарув ходимлари - 6 киши,  
хизмат кўрсатувчи ходимлар - 1 киши,  
техник ходимлар - 1 киши.

**5-расм. Ўзбекистон Республикаси миллий эталонлар марказининг тузилмаси.**

## 2. Ўзбекистон Республикаси “Метрология тўғрисида”ги қонуни шарҳлари.

Ўзбекистон республикасининг “Метрология тўғрисида”ги қонуни 28.12.1993 й. қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎЗР 26.05.2000 й. 82-П-сон Қонуни, ЎЗР 25.04.2003 й. 482-П-сон Қонуни.

Қонун 5 та бўлим ва 21 та моддадан ташкил топган бўлиб, 1-бўлим умумий қоидаларга бағишланган. 1-моддада метрологиянинг асосий тушунчалари келтирилган. 2-моддада метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг ўзга қонун ҳужжатларидан иборатлиги ва Қорақалпоғистон Республикасида метрология соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиниши белгиланган. 3-моддада халқаро шартномада ёки битимда Ўзбекистон Республикасининг метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланиши таъкидланган. Қонуннинг 4-моддасида метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган - “Ўзстандарт” агентлиги амалга ошириши ва “Ўзстандарт” ваколатига:

- метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;
- миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштириш шини таъминлаш қоидаларини белгилаш;
- ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;
- давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;
- метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида катнашиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириши кўрсатилган.

Қонуннинг 4-1-моддасида ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни “Ўзстандарт” агентлиги амалга ошириши, Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, ташкилотлари, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар бирлашмалари метрология соҳасидаги давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доирадан ташқаридаги нормалар ва қоидаларни белгиладиган, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларни аниқлаштирадиган ва уларга зид бўлмаган норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқишлари ҳамда тасдиқлашлари мумкинлиги келтирилган.

Қонуннинг 2-бўлимидаги 5-, 6-, 7-, 8-моддаларда физик ўлчам бирликлари, уларнинг эталонлари, ўлчов воситалари ва ўлчовларни бажариш услубиёлари ҳақида сўз юритилган. 5-моддада Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилиши, физик ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари “Ўзстандарт”нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Халқаро ўлчамлар тизимига киритилмаган ўлчамларни қўллашга рухсат бериши мумкинлиги, ҳамда ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида контракт шартларига мувофиқ физик ўлчамларнинг ўзга бирликлари ҳам ишлатилиши



мумкинлиги баён этилган. Қонуннинг 6-моддасида физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланиши ва қайта тайёрланиши, эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини "Ўзстандарт" белгилаши айтиб ўтилган. Фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозимлиги ва техника воситаларини ўлчов воситаларига мансуб деб топиш мезонини "Ўзстандарт" белгилаши 7-моддада асосланган. Ўлчовларни бажариш услубиётлари ўлчов натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчов ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши лозимлиги, ўлчовлар белгиланган тартибда аттестация қилинган ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозимлиги, ўлчовларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестация қилиш тартибини "Ўзстандарт" белгилаши 8-моддада ўрнатилган.

Қонуннинг 3-бўлимида Ўзбекистон Республикаси метрология хизматларига доир (9- 10- 11-моддалар) маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топиши 9-моддада, "Ўзстандарт" бошчилик қиладиган давлат метрология хизматига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари кириши, давлат метрология хизмати органлари давлат метрология текшируви ва назоратини, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши 10-моддада таъкидланган. Юридик шахсларнинг метрология хизматлари (11-модда) зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилиши, юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва бурчлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар билан белгиланиши кўрсатилган.

Қонуннинг 4-бўлимида давлат метрология текшируви ва назоратига доир талаблар ўрнатилган бўлиб, бу бўлим 12-19-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу моддалар қуйидагиларга бағишланган:

12 - модда. Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби.

13 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари.

14 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати тадбиқ этиладиган доиралар.

15 - модда. Давлат метрология текшируви ва назорати турлари.

16 - модда. Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш.

17 - модда. Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш.

18 - модда. Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига лицензия бериш.

18-1 - модда. Метрология ишлари ва хизматларини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш.

19 - модда. Метрология нормалари ва қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

Қонуннинг 5-бўлими метрология ишларини молиявий таъминлашга бағишланган бўлиб, 20-модда давлат томонидан албатта молиявий таъминлаш ва 21-модда метрологик ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш масалаларини қамраб олган. 20-моддада давлат томонидан қуйидагилар:

- метрологияни ривожлантириш истикболларини ишлаб чиқиш;
- метрология соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;
- метрология бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг ишида қатнашиш ва метрология бўйича чет эл миллий хизматлари билан ишлар бажариш;
- метрология бўйича халқаро, минтақавий нормалар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишга қатнашиш;
- метрология соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- метрология бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни ўтказиш;
- ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлашга доир "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- физик ўлчам бирликларининг этолонларини ва ўта аниқ намунавий ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, яшаш, сақлаш, қўллаш, сотиб олиш ва асраш, шунингдек уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш;

- моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, шунингдек моддалар ва материалларнинг физик константалари ҳамда хоссаларига оид стандарт справка маълумотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат тизимларини ривожлантиришга доир ишлар;

- давлат метрология текшируви ва назоратига доир ишлар албатта бюджетдан молиявий таъминланиши шартлиги келтирилган.

Метрология ишлари ва хизматлари учун ҳақ тўлаш 21-моддада ўз аксини топган бўлиб, ўлчов воситаларини синаш, текширувдан ўтказиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини аттестация қилиш, норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, техник жиҳатдан асослилиги ҳамда белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини баҳолаш, ўлчовларнинг бажарилиш сифатини баҳолаш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатилаётган метрология ишлари ва хизматлари учун, шунингдек метрология фаолиятининг давлат томонидан молиялаштириш соҳасига кирмайдиган турлари учун манфаатдор шахслар томонидан ҳақ тузиладиган шартномаларнинг шартларига мувофиқ тўланиши кўрсатилган.

### **3. Метрологик текширув ва назорат.**

Ўлчашлар бирлигига эришишнинг асосий механизми бўлиб метрологик текширув ва назорат ҳисобланади. Давлат метрологик текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади. (12-модда).

Давлат метрологик текшируви ва назорати метрология соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат метрологик текшируви ва назорати асоси “Метрология тўғрисида” қонуни ва ЎЗ РСТ 8.002 стандарти билан регламентланган. Ушбу ҳужжатлар билан Давлат метрологик текшируви ва назоратининг объектлари, тури ва кўриниши ўрнатилган метрологик текшируви ва назоратининг объектлари (13-модда) ҳисобланади. Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари (13-модда) ҳисобланади:

- эталонлар;
- ўлчов воситалари;
- моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;
- ахборот- ўлчов тизимлари;
- ўлчовларни бажариш услубиётлари;
- метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доиралар. (14-модда)

Давлат метрология текшируви ва назорати:

- соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;
- савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;
- захарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;
- давлат мудофаасини таъминлаш;
- меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- сертификатланган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;
- геодезик ва гидрометеорологик ишлар;
- ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш;
- миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Давлат метрология текшируви ва назорати турлари. (15-модда.)

Давлат метрология текшируви куйидаги тарзда амалга оширилади:

- ўлчов воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;
- ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш;
- ўлчов воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш;
- ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини синаш.
- текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш. ўлчов воситаларини ва метрология
- фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайерлаш, реализация қилиш,
- уларнинг ижараси билан шуғулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш;
- ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш.

**Давлат метрология назорати:**

- ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш
- уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини қўшган ҳолда)
- ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг қўлланилиши;
- белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда "Ўзстандарт" қарорига биноан метрология текшируви ва назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш тартиби қонуннинг 16-моддасида аниқланган бўлиб, ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозимлиги, ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни "Ўзстандарт" амалга ошириши, тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шартлиги, бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилиши белгиланган.

Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш (17-модда) текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати "Ўзстандарт" томонидан тасдиқланади. Юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрологик хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин. Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

17-1-моддада таъкидланганидек, ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилганидан бўлак соҳаларда қўлланиладиган ва мажбурий текширувдан ўтказилмайдиган ўлчов воситалари уларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлатиш, ижарага бериш, таъмирлашда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда калибрлашдан ўтказилиши мумкин. Ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматларига берилиши мумкин. Юридик шахсларнинг метрология хизматларини ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун аккредитация қилиш тартиби ва калибрлашни ўтказиш тартиби "Ўзстандарт" томонидан белгиланади.

Ушбу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доирада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган лицензия асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши 18-моддада кўрсатилган.

Норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш, ушбу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доирада қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш, калибрлаш, таъмирлаш, синаш, метрологик аттестация қилишни амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши 18-1-моддада ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг қоидалари, шунингдек метрология нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, давлат бошқарув органлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар (19-модда).

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг асослари.
2. "Ўзстандарт" агентлигининг метрология бўйича ваколатлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги қонуни қисқа шарҳи.
4. Давлат метрологик текшируви ва назорати.
5. Давлат метрологик текшируви ва назорати турлари.
6. Норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
3. "Метрология тўғрисида"ги (ЎЗР 28.12.1993 й. 1004-ХП-сон; ЎЗР 26.05.2000 й. 82-П-сон, ЎЗР 25.04.2003 й. 482-П-сон) Қонун.

#### **4-март. Ўлчаш воситаларининг метрологик тадбирларга тортилиши**

**Режа:**

- 1. Ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш.**
- 2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш.**
- 3. Ўлчаш воситаларини қиёслаш.**
- 4. Ўлчаш воситаларни калибрлаш.**

##### **1. Ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш.**

Метрологик назоратнинг мақсади ўлчаш жараёнларни бошқаришдир. Бунинг учун ўлчаш воситасининг ҳаётий циклининг барча эталонларига алоҳида талаблар қўйилади. Масалан, ЎВ (ўлчаш воситалари) ишлаб чиқаришга қўйишда, фойдаланишда фойдаланишга қўйилишда, фойдаланишда ва эксплуатациядан олиб ташлашда. Ушбу талабларни бажариш учун ўлчаш жараёнини кафолатланган характеристикага эга бўлган ўлчаш воситалари ёрдамида бажариш керак бўлади. ЎВ дан фойдаланиш жараёнида мажбурий талаблар давлат метрологик назорати ва текширув доирасида бўлган ЎВ учун таалуклидир. Амалдаги қоидаларга кўра Давлат метрология текшируви ва назорати таъсир доирасидаги ўлчашлар учун фақат Давлат реестрида қайд қилинган ЎВгина қўлланилиши мумкин. Регистрация турни тасдиқлаш синовлари ёки метрологик аттестация натижалари асосида амалга оширилади. Юқоридаги процедуралар сертификатлаштириш процедуралари бўлиб ҳисобланади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш – бу метрология бўйича Миллий орган қарори билан ўлчаш воситаси турини мамлакат территориясида қўлланилишини қонуний тан олиндириш.

ЎВ нинг тури деганда, бир мақсад учун мўлжалланган, бир иш тамойилига ва бир хил конструкцияга ва ягона техник ҳужжатга эга бўлган ўлчаш воситалари комплекси тушунилади.

Давлат текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳаларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган ўлчаш воситалари (ЎВ) давлат синовларидан ўтказилиб, уларнинг тури тасдиқланиши ёки метрологик аттестатланиши лозим.

Давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва ЎВ ни Давлат рўйхатиغا киритиш ишларини Ўзстандарт Агентлиги бажаради.

Тайёрловчи тасдиқланган ЎВ га ёки уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига Давлат рўйхатининг белгисини ёзиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчаш воситаларини синаш ва метрологик аттестатлаш натижалари тузилган шартномалар ва битимларга мувофиқ тан олинади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш мақсадида синовларни ташкиллаштириш, ўтказиш тартиби ва мазмунига талаблар ва давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланилиши мумкин бўлган ЎВ нинг турини тасдиқлаш тартиби О'z DSt 8.009:2004да ўрнатилган.

О'z DSt 8.009:2004 стандартнинг талаблари Ўзбекистон Республикасида яратиладиган ва (ёки) серияли ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ЎВ га ва Ўзбекистон ҳудудига импорт бўйича тўпи билан келтириладиган ўлчаш воситаларига нисбатан қўлланилади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳадан ташқарида қўлланиладиган ёки қўлланишга мўлжалланган ЎВ ихтиёрий равишда синовга ва кейинчалик турини тасдиқлашга тақдим этилиши мумкин.

ЎВ унинг қонун талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш схемасининг элементи бўлиб ҳисобланади ва бундай тасдиқлаш Ўзстандарт Агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

Тўпи билан импорт бўйича келтириладиган, гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, махсус талабларга сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу процедуралардан ўрнатилган тартибда ўтгандан кейин ва зарур сертификатларни Ўзстандарт Агентлигига тақдим этгандан кейин турни тасдиқлаш мақсадида синовларга топширилади.

Ўзбекистон ҳудудида яратиладиган ва (ёки) тўпи билан чиқаришга мўлжалланган ва гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, махсус талабларга мувофиқлиги сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу талабларга мувофиқлигини ўрнатилган тартибда баҳолаш мақсадида синовларга тақдим этилади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни метрология бўйича миллий идора - Ўзстандарт Агентлиги қабул қилади.

ЎВ нинг тури ЎВ нинг намуналарини (нусхаларини) синаш натижалари бўйича тасдиқланади. Синаш жараёнида ЎВ намуналарининг тафсилотлари ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва бу тафсилотлар (характеристикалар) нинг мазкур ЎВ нинг турига оид меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги аниқланади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш мақсадида синовлар қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Комиссия таркибини Ўзстандарт Агентлигининг бунга қарашли тузилмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази (Ўз МХБМ) вакиллари киритилиши лозим. Ўз МХБМ нинг вазифаси СМС ИТИ га юклатилган.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш мақсадида ЎВ нинг намуналари (нусхалари) ни синаш О'з DSt 16.4:2001 ва О'з DSt 8.006:1999 бўйича аккредитланган синаш (ўлчаш) лабораторияларида ўтказилади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш мақсадида синовлар бундай синовларни ўтказиши учун Ўзстандарт Агентлиги тайинлаган ташкилотнинг раҳбари тасдиқлаган синовлар дастури ва методикасига мувофиқ ўтказилади.

ЎВ нинг турини тасдиқлаш мақсадида синовларни ЎВ ни синаш намунавий дастурлари бўйича ўтказиш ҳам руҳсат этилади.

ЎВ нинг турини Ўзстандарт агентлиги илмий-техникавий комиссиясининг таклифларига асосан тасдиқлайди.

ЎВ нинг тури тасдиқлангандан кейин турни тасдиқлаш мақсадида синовларни ўтказган ташкилотнинг раҳбари ЎВ текшириш методикасини (илгари тасдиқланган методика йўқ бўлган ҳолларда) ва ЎВ турининг тавсифини тасдиқлайди. Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистонда серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ЎВ учун техник шартларни давлат рўйхатидан ўтказиши.

Ўзстандарт Агентлиги тасдиқланган ЎВ турини Ўз РХ 51-019:2005 бўйича Давлат рўйхатига киритади.

Тасдиқланган ҳужжатлар комплекти ЎВ давлат реестрининг ишида сақлаш учун топширилади.

Ўлчаш воситасини тайёрловчи ташкилот тури тасдиқланган ЎВ га, Ўзбекистонда сериялаб чиқариладиган ЎВ га ва уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига (ГОСТ 2.601 бўйича) ЎВ Давлат реестрининг белгисини О' 1.19:1999 бўйича ёзиб қўяди.

Тури тасдиқланган ЎВ га, Ўзстандарт Агентлиги тасдиқлаган тартибда, турни тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат берилади.

Серияли чиқаришга мўлжалланган ЎВ синалганда ЎВнинг меъёрий параметрларини ва уни қиёслаш методикаси тасдиқланади ва тур Давлат реестрда регистрациядан ўтади, ЎВга турини тасдиқлаш бўйича сертификат берилади. Тасдиқланган турдаги ЎВ Давлат (реестрда) белгиси билан маркаланади (О'з DSt 1.x19)

Сертификат беш йил муддатга берилади.

## **2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш.**

Эксплуатацияга кам сонли ЎВ киритиш метрологик аттестация орқали амалга оширилади. ЎВ метрологик аттестацияни Ўз Рст 8.011 билан регламентланган. ЎВнинг МА Давлат метрология хизмати ва юридик шахсларнинг метрология хизматининг аккредитланган органлари томонидан ўтказилади. МА ижобий натижаларига кўра ЎВ Давлат реестрда регистрация қилинади ва унга МА тўғрисида сертификат берилади.

О'з DSt 8.006:1999 ГСИ Уз [Аккредитация на право испытаний, МА, проверки средств измерений] стандартида ЎВни синаш ва метрологик аттестациялашга аккредитлаш ҳуқуқининг талаб ва тартиблари келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги” тўғрисидаги қонунга кўра, техник воситалар ва шу жумладан ЎВ эксплуатация жараёнида озиқ-овқат маҳсулотлари билан контактда бўлса, Ўз.Р. соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан синашга тортилади. Шунга кўра кўрсатилган ЎВ турни тасдиқлаш ёки МАга гигиеник сертификат бўлган ҳолдагина тортилади.

ДМТ ва Н доирасидаги ЎВ ва стандарт намуналар фақат тури тасдиқланганлиги тўғрисидаги сертификатга ёки метрологик аттестацияланганлиги тўрисидаги сертификатга эга бўлсагина қўлланишга қўйилади. Бу сертификатлар Ўзстандарт томонидан берилади, ЎВ қайси мамлакатда тайёрланганлигидан қатъи назар.

Эксплуатация жараёнида ЎВ хоссалари ўзгаради. Шунга кўра уларнинг параметрлари даврий равишда аниқланиб туриши зарур. Процедураларнинг натижалари мос ҳужжатлар билан расмийлаштирилади, бу ҳужжатлар ЎВ яроқлигини тасдиқлайди.

Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ёки фойдаланишга мўлжалланган ўлчаш воситалари метрологик аттестатланади. Бунда қуйидагилар аттестатланади:

- доналаб ишлаб чиқариладиган ЎВ;
- чет мамлакатлардан доналаб келтириладиган ЎВ;
- ўзининг бевосита вазифаси бўйича қўлланилмайдиган ёки хилни тасдиқлашда ўрнатилган қўлланиш шароитларидан фарқланувчи шароитларда қўлланиладиган, ватанда ёки хорижда ишлаб чиқарилган, хили тасдиқланган ЎВ;
- хилни тасдиқлашда ўрнатилганлардан фарқланувчи индивидуал метрологик тафсилотларни ўрнатишга имкон берувчи техник имкониятларга эга, сериялаб ишлаб чиқарилган ЎВнинг дона нусхалари;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боришда тайёрланган ва метрологик аттестатлашни ўтказишни ташкиллаштиришга ва тартибига умумий талабларни ўрнатишда.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – доналаб ишлаб чиқарилган (ёки хориждан доналаб нусхаларда келтириладиган) ўлчаш воситаларини, буларнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ қилиш асосида, давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланишга ҳуқуқли эканлигини метрологик хизмат томонидан тан олиш.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳага кирмайдиган ўлчаш воситалари ҳам метрологик аттестатланиши мумкин. Бундай аттестатлаш ихтиёрий асосда ўтказилади.

Метрологик аттестатлаш ЎВнинг метрологик тафсилотларининг ҳақиқий қийматларини аниқлаш ва (ёки) уларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

ЎВни метрологик аттестатлашнинг асосий вазифалари:

- ЎВнинг давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида ўз вазифасига мувофиқ қўлланилишига ҳуқуқли эканлигини ўрнатиш;
- аттестатланадиган ЎВ метрологик тафсилотларининг ЎВни яратишга техник топширикда ўрнатилган ёки ЎВдан фойдаланувчи (аттестатлашни буюртирувчи)нинг аттестатлаш-га топшириғи (сўровномаси)га биноан ўрнатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш;
- ЎВнинг ҳақиқий метрологик тафсилотларини аниқлаш;
- ЎВ техник тафсилотларининг хавфсизлик талабларига, гигиеник ва хос синовлар жараёнида ўрнатилган бошқа махсус талабларга мувофиқликнинг тўлиқлигини баҳолаш.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланиладиган ва хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган барча ўлчаш воситалари мажбурий равишда метрологик аттестатланади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан ташқарида қўлланиладиган, хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган ўлчаш воситалари бирламчи калибрланиши лозим.

ЎВни метрологик аттестатлаш уларни эксплуатацияга қабул қилиш (эксплуатация шароити ўзгарган) босқичида ёки Ўзбекистон божхона чегарасидан ўтиш, ЎВни чет элдан олиб кириш босқичида ўтказилади.

Метрологик аттестатлашдан ўтган ЎВ даврий, зарур бўлганда эса навбатдан ташқари ёки инспекцион қиёсланади.

ЎВни метрологик аттестатлашни давлат метрологик хизмати ёки ЎВни аттестатлаш ҳуқуқига аккредитланган юридик шахслар ўтказиши.

Хавфсизлик талабларига, гигиеник ёки махсус талабларга мувофиқлигини синаш лозим бўлган ЎВ мос синовларни ўтказгандан кейин метрологик аттестатланади.

Метрологик аттестатлаш куйидаги тартибда ўтказилади: Аттестатлашни ўтказишга манфаатдор юридик (жисмоний) шахс (кейинчалик – Буюртмачи) ЎВни метрологик аттестатлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс (кейинчалик – Бажарувчи) га сўровнома топширади.

Аттестатлаш натижалари ижобий бўлганда аттестатлашни ўтказган юридик шахс (бажарувчи) аттестатлаш натижалари тўғрисида Ўзстандарт Агентлигига хабар беради ва унга ЎВни аттестатлаш баённомаси, далолатномаси, тавсифи ва аттестатлаш сертификатининг нусхаларини ўн беш кун муддат ичида тақдим этади.

Метрологик фаолият билан шуғулланувчи ходимлар аттестатланиши лозим. Ходимларни аттестатлашда малака даражасининг фаолиятининг ушбу турига мувофиқлиги аниқланади. Бунда метрологик текширув ва назоратнинг муайян турини бажаришга метрологик билимлар ва амалий кўникмаларнинг мавжудлиги аниқланади.

Давлат метрологик хизматларига аттестатланган ходимларни жалб этишни талаб қилувчи метрологик фаолият турлари куйидагилардан иборат:

- ўлчаш воситаларини синаш;
- ўлчаш воситаларини қиёслаш;
- ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш;
- синаш воситаларини аттестатлаш;
- ўлчашларни бажариш методикаларни метрологик аттестатлаш;
- юридик шахсларни аккредитлашда иштирок этиш;
- меъёрий ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш;
- давлат метрологик назорати.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳадан ташқарида, юридик шахс ўрнатилган тартибда аттестатланган ходимларни талаб этувчи фаолият турларини мустақил равишда аниқлайди.

### **3. Ўлчаш воситаларини қиёслаш.**

Ўлчаш воситасининг метрологик тавсифларини аниқлаш ва тасдиқлаш уларни қиёслаш ва калибрлаш орқали амалга оширилади.

Давлат текшируви ва назорати соҳасида фойдаланиладиган, қиёсланиши лозим бўлган ЎВнинг рўйхати Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдиқланади.

ЎВ ни Давлат қиёслашини давлат метрологик хизмати идоралари ўтказади, лекин ЎВ ни қиёслаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматларига ҳам топширилиши мумкин.

Бошқа давлатларда бажарилган ЎВ ни қиёслаш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида тан олинади.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъминланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган ЎВ ни қиёслашни ташкил қилиш ка ўтказиш бўйича асосий низомлар O'z DSt 8.003:2005 "Ўз ЎДТ. Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий низомлар" да баён этилган.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъмирланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган барча ЎВ давлат қиёслашидан ўтиши лозим.

ЎВ бирламчи, даврий, навбатдан ташқари, инспекцион ва эксперт қиёслашдан ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдан ёки таъмирлашдан чиққан ва импорт бўйича келтириладиган ЎВ бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ нинг ҳар бир нусхаси бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ ялпи ишлаб чиқарилганда танлаб қиёслаш рухсат этилади. Танлаб бирламчи қиёслаш қоидалари, ўтказиш тартиби бу ЎВ ни қиёслаш методикасида кўрсатилади.

Эксплуатацияда турган ёки оператив сақланаётган ЎВ қиёслашлараро оралиқ вақтлардан кейин даврий қиёслашдан ўтказилади. Даврий қиёслаш вақти ўлчаш воситасининг бу давр ичида яроқлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва белгиланади.

Даврий қиёслашлар ўртасидаги вақт:

давлат қиёслашига тақдим этилган ўлчаш воситасига давлат метрологик хизмати идоралари томонидан белгиланади.

Давлат даврий қиёслаши намунавий ва ишчи ЎВ ни қиёслаш графиклари (шартномалари) да белгиланган календар муддатларда ўтказилади.



Эксплуатацияда турган ва сақланаётган ЎВ учун навбатдан ташқари қиёслаш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- қиёслашлараро даврнинг ярим вақти ўтгандан кейин ўлчаш воситасидан бутловчи сифатида фойдаланилганда;
- қиёслаш тамғаси, пломбаси, шикастланганда ёки ЎВ нинг бирламчи ёки даврий қиёслашдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолганда;
- агар қиёслаш тамғасининг ёки ўлчаш воситасининг қўлланишга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиниш муддати тугаган бўлса, сақлашдан олиниб эксплуатацияга киритишда;
- қиёслашлараро вақт ичида харидга чиқарилмаган ЎВ ни тайёрловчи корхона истеъмолчига етказиб беришда.

Ўлчаш воситасининг ҳолати ва қўлланилишини давлат назоратидан ва маҳкама текширувидан ўтказишда ЎВ нинг қўлланишга яроқли эканлигини аниқлаш учун инспекцион қиёслаш ўтказилади. ЎВ ни инспекцион қиёслаш натижалари давлат ёки маҳкама текшируви далолатномасида акс эттирилади.

Давлат қиёслашидан мажбурий равишда ўтказиладиган воситалар:

- а) давлат метрологик хизматларининг ва тадбиркорлик субъектларининг намунавий ўлчаш воситалари;
- б) ўзининг бевосита вазифасига мувофиқ намунавий ЎВ сифатида ёки тайёрлашга буюртнома шартлари бўйича ишлаб чиқарилган ЎВ;
- в) нурланишни ионловчи ва таркибида нурланишни ионловчи манба бор бўлган ЎВ;
- г) приборларни таъмирловчи хўжалик юритувчи субъектлари чиқарган, таъмирдан кейин бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бериш учун мўлжалланган ЎВ;
- д) миллий ва халқаро спорт рекордларини қайд қилиш билан боғлиқ ўлчаш воситалари;
- е) давлат арбитраж идораларн томонидан экспертиза ўтказишда, шунингдек божхона текширувида ўлчашлар учун қўлланиладиган ЎВ;
- ж) ўлчаш учун ишчи ЎВ сифатида қўлланиладиган, ўлчаш натижалари: табиатни муҳофазалаш; соғлиқни сақлаш; меҳнат хавфсизлигини таъминлаш; барча турдаги транспортнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш; ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш; алоқа тизимларини таъминлаш; хўжаликлараро ўзаро ҳисоблашлар; савдонинг барча турлари; аҳолига пулли хизматларнинг барча турлари учун қўлланиладиган ЎВ.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш давлат ёки маҳкама қиёсловчиси малакаси берилганлиги тўғрисида амалдаги гувоҳномаси бор шахслар томонидан бажарилади.

ЎВ яроқлигини ўрнатиш мақсадида ва уларнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича операция (тадбир)ларни бирлашмасига ЎВни қиёслаш дейилади. Қиёслашда метрологик характеристикаларни баҳолашдан ташқари зарурий ҳолларда ЎВнинг хавфсизлик характеристикалари ҳам баҳоланади.

ЎВ қиёслаш ДМНнинг зарурий тури бўлиб, ДМХнинг аккредитланган органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизмати орқали амалга оширилади. ЎВ қиёслаш бўйича асосий талаблар Ўз.Рст 8.003-92 ГСИ Уз Поверка СИ. Основные положения.

Бирликлар ўлчамини метрологик занжирнинг барча бўғинлари бўйича эталонлардан ёки намуна ўлчаш воситаларидан ишчи ўлчаш воситалари ишончлиги узатиш қиёслаш схемаларда келтирилган аниқ тартиб асосида амалга оширилади.

Қиёслаш схемаси – бу ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳужжат бўлиб, физикавий катталиклар бирликларининг ўлчамини Давлат эталонлари ёки намуна ўлчаш воситаларидан ишчи ўлчаш воситаларига аниқ узатиш воситалари ва усулларини регламентлайди.

Давлат ва тармоқ (ведомственный) метрологик хизматлари бўйича 1) давлат; 2) тармоқ ва 3) локал қиёслаш схемалари мавжуддир.

1. Давлат қиёслаш схемаси мамлакатда берилган катталикларни ўлчовчи барча ўлчаш воситаларига тааллуқлидир.

2. Тармоқ қиёслаш схемаси – тармоқ ичидаги қиёсланишни керак бўлган ўлчаш воситаларига тааллуқлидир.

3. Локал қиёслаш схемаси мазкур, давлат ёки тармоқ метрология хизматлари бўйича қиёсланиш керак бўлган ўлчаш воситаларига тааллуқлидир.

- Давлат қиёслаш схемалари давлат стандарти сифати ишлаб чиқилади ва тадбиқ қилинади.

- Тармоқ қиёслаш схемаси норматив ҳужжат ёки тармоқ стандартидир. Бу схема давлат стандарти билан келишган ҳолда тасдиқланади.

- Локал қиёслаш схемаси норматив техник ҳужжатлар ёки территориал давлат метрология хизмати орган маҳкамаси билан келишилган ташкилот стандартидир.

ЎВ қиёслаш қатъий регламентланган процедура бўлиб, Ўзстандарт томонидан тасдиқланган методикага мос ҳолда ўтказилади. Қиёслашнинг ҳаққонийлигига қиёслашни амалга оширувчи – қиёсловчи (поверитель) жавоб беради. Қиёсловчилар ўрнатилган тартибда қиёслаш бўйича тайёргарлик ва аттестациядан ўтказилади.

Қиёслаш натижалари ЎВга оттиқ (ишонч тамғаси) қўйилиши ва қиёслаш гувоҳномаси билан тасдиқланади.

#### **4. Ўлчаш воситаларини калибрлаш.**

Давлат метрология текшируви ва назорати доирасидан ташқарида қўлланиладиган ЎВ эксплуатация жараёнида даврий калибрлашга тортилади.

ЎВни бирламчи калибрлашга ишлаб чиқаришда ва таъмирлашда тури тасдиқланмайдиган ЎВ тортилади. ЎВ калибрлаш юридик шахслар метрология хизматларнинг калибрлаш лабораторияси томонидан амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари калибрлаш ишларини бажариш ҳуқуқига аккредитланган бўлиши керак.

Аккредитлаш Ўзстандартнинг ҳудудий марказлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ўлчаш воситаларини калибрлаш тизими (кейинчалик – Ўз КТ) ни ташкиллаштириш, тузилиши, вазифалари бўйича асосий низомлар, бу тизимга кирган субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўз РСТ 8.018-97 да белгиланган. Бу стандартнинг қоидалари Ўз КТ да аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматларига, Ўз КТ га кирган аккредитлаш ва бошқа идоралар ва ташкилотларга нисбатан жорий этилади.

ЎВ ни калибрлаш – Ўлчаш воситаларининг ҳақиқий метрологик тафсилотлари (характеристикалари) ни аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида, белгиланган шароитларда бажариладиган амаллар мажмуи.

Калибрлаш тизими – Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланилмайдиган соҳада ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият ва калибрлаш ишларини бажарувчи ва калибрлаш ишларини ташкиллаштириш ва ўтказишга ўрнатилган талаблар асосида ҳаракат қилувчи субъектлар мажмуи.

Калибрлаш тўғрисидаги сертификат – Ўлчаш воситаларининг калибрланганлигини ва унинг натижаларини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат калибрлашни бажарган ташкилот томонидан берилади.

Калибрлаш белгиси – Калибрлаш натижаларининг ижобий эканлигини тасдиқлаш мақсадида ўлчаш воситасига ва (ёки) уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига босиладиган тамға.

Ўз КТ Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш умумий тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, давлат метрологик текшируви ва назоратидан ташқари соҳада метрологик ишларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизимида ўрнатилган меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинишини кўзда туттади.

Ўз КТ қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда тузилади:

– тизимга ихтиёрий равишда кириш;

– калибрлаш ишларини бажаришда талабларни мажбурий бажариш;

– давлат эталонларидан ва бошланғич ўлчаш воситаларидан бирликларнинг ўлчамларини калибрланувчи ўлчаш воситаларига мажбурий бериш.

Калибрлаш тизимидаги фаолиятнинг асосий вазифалари:

- аккредитловчи идораларни рўйхатга олиш;
- метрологик хизматларни калибрлаш ишларини бажариш ҳуқуқига аккредитлаш;
- ўлчаш воситаларини калибрлаш;
- Ўз КТ нинг асосий тамойилларини ва қоидаларини ўрнатиш;
- Ўз КТ нинг фаолиятини ташкилий, методик ва ахборот билан таъминлаш;
- аккредитланган метрологик хизматлар томонидан калибрлаш ишларини бажаришда талабларга риоя қилинаётганлигини инспекцион текшириш.

Метрология бўйича Миллий идора (Ўзстандарт Агентлиги), СМС ИТИ, ҳудудий ССМ, юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматлари, ўз вазифаларини ушбу ҳужжатнинг талабларига мувофиқ бажарувчи Ўз КТ нинг ташкилий асосини ташкил этади.

Ўз КТ тузилмаси қуйидагилардан ташкил топган:

- Ўз КТ нинг Марказий идораси;
- Ўз КТ нинг Кенгаши;
- Ўз КТ нинг аккредитлаш идоралари;
- калибрлаш ишларини бажаришга аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматлари.

Юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматлари:

- ЎВ ни, шу жумладан ташқи ташкилотлар учун ҳам калибрлаш ишларини бажаради;
- калибрлаш ишларини ўтказиш учун талаб этилган шароитларни, калибрлаш воситаларининг ва ёрдамчи жиҳозларнинг яхши ҳолатда бўлишини таъминлайди;
- калибрлаш ишларини ўтказиш учун зарур техник, методик ва меъёрий ҳужжатлар жамғармасини шакллантиради ва ривожлантиради;
- меъёрий ҳужжатларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва калибрлаш фаолияти доирасидаги талабларининг бажарилишини таъминлайди;
- кадрлар тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини бажаради;
- калибрлаш фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Метрологик хизмат қуйидагиларга масъул бўлади:

- корхоналарда калибрланиши лозим бўлган ЎВ нинг ҳолатига;
- бажариладиган калибрлаш ишларининг сифатига;
- корхонага қарашли калибрлаш воситаларининг ҳолатига;
- калибрлаш интервалларининг тўғри ўрнатилганлигига.

Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш тизими ўз белгисига эга. Бу белгининг шакли ва ўлчамларини метрология бўйича миллий идора тасдиқлайди. Ўз КТ нинг белгиси бланкларга, штампларга, шунингдек Ўз КТ нинг бошқа ҳужжатлари ва объектларига тамғалаб босилади. Ўз КТ нинг белгисини тамғалаш (қўлланиш) жойи ва тартибини Ўз КТ нинг Марказий идораси белгилайди.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш нима?
2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш.
3. Ўлчаш воситаларини қиёслаш турлари.
4. Қиёслашга доир норматив ҳужжатлар.
5. Қиёслаш схемалари.
6. Ўлчаш воситаларини калибрлаш ва калибрлаш тизими.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. “Метрология тўғрисида”ги (ЎзР 28.12.1993 й. 1004-ХП-сон; ЎзР 26.05.2000 й. 82-П-сон, ЎзР 25.04.2003 й. 482-П-сон) Қонун.
- 3.

## 5-маъруза. Ўлчаш воситаларининг турлари, метрологик характеристикалари, ўлчаш усуллари ва хатоликларининг классификацияси

**Режа.**

1. Ўлчаш воситаларининг турлари ва метрологик характеристикалари.
2. Ўлчаш усуллариининг классификацияси.
3. Ўлчаш хатоликларининг классификацияси.

### 1. Ўлчаш воситаларининг турлари ва метрологик характеристикалари.

Маълумки, ўлчаш воситаси меъёрланган метрологик характеристикаларга эга бўлган ўлчаш асбобидир. Улар аналог ва рақамли бўлади. Электр ўлчаш воситаларининг таснифи 5.1-расмда келтирилган.

Ўлчаш воситасининг ўлчашларга маълум диапазонда, маълум аниқлик билан яроқлилигини баҳолаш учун уларга қуйидаги мақсадларда метрологик характеристикалар киритилади:


1. Аниқ ўлчашларни таъминлаш;
2. Ўлчаш воситасининг ўзаро алмашувчанлигига эришиш учун;
3. Ўлчаш воситасини ўзаро солиштириш ва керакли аниқликдаги ўлчаш воситасини танлаш;
4. Ўлчаш тизимлари ва қурилмаларининг хатоликларини уларнинг метрологик характеристикалари асосида аниқлаш;

Метрологик характеристикаларнинг ҳар бири мўлжалланишига кўра ўлчаш турларига ва ўлчаш воситасининг таъсир этувчи катталиклар ёки кириш сигналининг ноинформатив параметрига кўра келтирилади.


Ўлчаш воситаси кириш сигналининг ноинформатив параметри деб ўлчанаётган параметр билан функционал боғланишда бўлмаган параметрга айтилади. Масалан: ўзгарувчан токнинг амплитудасини ўлчашда унинг частотаси ноинформатив параметрдир.

Нормаланган метрологик характеристика (НМХ) ҳужжатлар асосида ўрнатилади. Амалиётда ўлчаш воситасининг қуйидаги метрологик характеристикалари кенг тарқалган:

- Ўлчаш диапазони – бу ўлчанаётган катталикнинг шундай қийматлар соҳасидирки, унинг учун ўлчаш воситаси хатоликларнинг йўл қўйиладиган чегараси меъёрланган бўлади.
- Ўлчаш чегараси – бу ўлчаш диапазонининг энг катта ва энг кичик қиймати. Масалан: ўлчаш воситаси шкаласи нотекис бўлиб, ўлчаш чегараси 50 га тенг бирликда бўлса ва шкаланинг бошланғич участкаси ~20% сиқилган бўлса, унда ўлчаш диапазони 10÷50 гача бўлган бирликка тенг бўлади.



Шкаланинг бўлим қиймати – бу катталик қийматларининг фарқи бўлиб, шкаланинг иккита қўшни белгисига мос келади.



### 5.1-расм. Электр ўлчаш воситаларининг таснифи.

Текис шкалали приборлар доимий бўлим қийматиغا эга бўлади, нотекис шкалалилари эса ўзгарувчан бўлим қийматиغا эга бўлади.

- Сизгирлик  $S = \Delta y / \Delta x$  : - бу ўқ чиқишидаги сигнал ўзгариши  $\Delta y$  нинг бу ўзгаришни юзага келтирган киришдаги  $\Delta x$  сигнал ўзгаришига нисбатидир ва бунда сезгирлик ток ва кучланиш бўйича сезгирлик деб тушунилади.
- Вариация – маълум шароитлар ўзгармас бўлганида ўлчаш диапазонининг берилган нуқтасида катталик қийматини орттириб ёки камайтириб ўлчашдаги ўлчаш воситаси кўрсатишлари орасидаги фарқ.

$$H = |X_{\text{орт}} - X_{\text{кам}}|;$$

Ўлчаш воситаси кўрсатишларининг вариацияси тасодифий факторлар таъсирида юзага келса ҳам ўзи тасодифий катталик эмас.

- Даражалаш характеристикаси (ДХ) деб эксперимент йўли билан ўлчаш воситаси чиқиш ва кириш сигнали орасидаги боғланишга айтилади. Бу характеристика – аналитик, график ва жадвал кўринишида берилиши мумкин. ДХ ички ва ташқи сабаблар таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан: токнинг тез ўзгаришида ўлчаш воситаси қўзғалмас қисми инерциясига кўра ток ўзгаришини кузата олмайди.
- Ўлчаш воситаси хатолиги – унинг асосий метрологик характеристикасидир.
- Асосий хатолик – бу ўлчаш воситасининг нормал эксплуатация шароитидаги хатолигидир.

Эксплуатациянинг нормал шароити:

Хона ҳарорати	$293 \pm 5\text{К}$ ёки $20 \pm 5^\circ\text{C}$ ;
Ҳавонинг нисбий намлиги	$65 \pm 15\%$ ( $20^\circ\text{C}$ да)
Тармоқ кучланиши	$220\text{В} \pm 10\%$ частотаси $50\text{Гц} \pm 1\%$
Атмосфера босими	$97,4 \div 104\text{КПа}$

ҳамда электр магнит майдонлари таъсирининг йўқлиги.

Ишчи шароитларда, яъни нормал шароитдан фарқли бўлган, таъсир этувчи катталикларнинг кенг диапазонида зарурий ҳолларда ўлчаш воситасининг қўшимча хатоликлари меъёрланади. Ўлчаш воситасининг асосий хатоликларини меъёрлашнинг учта усули мавжуд:

- Ўлчаш диапазонида ўзгармас бўлган йўл қўйиладиган ( $\pm\Delta$ ) абсолют ёки келтирилган ( $\pm\gamma$ ) хатоликлар чегараларини нормалаш;
- Абсолют ёки келтирилган хатоликларнинг йўл қўйиладиган чегараларини ўлчанаётган катталикнинг функцияси сифатида нормалаш;
- Барча ўлчаш диапазони ёки бир ва бир нечта участкаси учун асосий хатоликнинг йўл қўйиладиган ўзгармас чегараларини нормалаш.

Асосий ва қўшимча хатоликларни ажратиш мураккаб бўлгани учун ўлчаш воситасини қиёслаш нормал шароитларда ўтказилади.

- Қўшимча хатолик ҳам асосий хатолик каби (абсолют, нисбий ва келтирилган хатоликлар) кўринишга эга бўлади.
- Турли таъсир этувчи факторлар томонидан юзага келган қўшимча хатоликлар алоҳида нормаланади.

Баъзи ҳолларда қўшимча қаршилиқ коэффициент тарзида меъёрланиб, хатолик меъёрий қийматдан четланганда “қанчага” ва “неча марта” ўзгарганини кўрсатади. Масалан: агар вольтметрнинг температуравий хатолиги ҳар  $10^\circ\text{C}$  да  $\pm 1\%$  га тенг бўлса, бу муҳит ҳарорати ҳар  $10^\circ\text{C}$  га ўзгарганда қўшимча хатолик  $1\%$  ортишини кўрсатади.

## 2. Ўлчаш турлари ва усулларининг классификацияси.

Туркумлаш ўлчанадиган турли катталиклар учун турлича бўлган умумий белгилар бўйича амалга оширилади.

- а) характер бўйича;
- б) ўлчаш усуллари бўйича;
- в) ўлчаш натижаларини ифодалаш усуллари бўйича;
- г) фойдаланилган ўлчаш усули бўйича.


Ўлчанаётган катталикнинг вақтга боғлиқлиги характери бўйича ўлчашлар статик ва динамик бўлади.

Статик ўлчаш, бунда ўлчанаётган катталик ўзгармас бўлади. М: термостат.

Динамик ўлчаш, бунда ўлчанаётган катталик вақтга боғлиқ бўлади.

Масалан:


Электр кучланишининг вақтга боғлиқлиги.



5.2-расм. Катталикнинг вақтга боғлиқлиги.

Ўлчаш тури бўйича: бевосита, билвосита, биргаликда ва бирлаштириб.

Ўлчаш усуллари бўйича;



5.3-расм. Ўлчаш усуллари тавсифи.

Ўлчанаётган катталиқнинг сон қиймати бевосита, билвосита, бирлаштириб ва биргаликда ўлчаш турлари ёрдамида топилади.

Лаборатория амалиётида ва илмий текширишларда бирлаштириб ва биргаликда ўлчаш усулларидан фойдаланилади.

**Бевосита ўлчаш** деб, ўлчанаётган катталиқнинг изланаётган қийматини тажриба маълумотларидан бевосита аниқланишига айтилади.

Масалан: - вольтметр билан манбанинг кучланишини ва

- амперметр билан ток кучининг катталигини ўлчаш.

**Билвосита ўлчаш** деб шундай ўлчашга айтиладики, унда ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталиқ билан маълум муносабат ёрдамида боғланган катталиқларни бевосита ўлчашга асосланган бўлади. Билвосита ўлчашда ўлчанаётган катталиқнинг қиймати қуйидаги тенгламани ечиш йўли билан топилади.

$$X = F(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n) \quad (1)$$

$x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$  - бевосита ўлчаш билан олинган катталиқлар қиймати. Масалан:  $R$  – резисторнинг қаршилиги ушбу тенгламадан топилади.

$$R_x = U_x / I_x \quad (2)$$

Унга резистордаги кучланишнинг тушган қиймати ва резистордан ўтган токнинг қиймати қўйилади. **Бирлаштириб ўлчаш** бир нечта бир номли катталиқларни бир вақтда ўлчашдан иборат бўлиб, унда изланган катталиқларнинг қийматлари бевосита ўлчашда ҳосил қилинган тенгламалар тизимидан топилади.

Масалан: Учбурчак усулида уланган резисторларнинг қаршилигини ўлчаш-бунда учбурчакнинг турли учларидаги қаршилиқлар ўлчанади ва уч ўлчов натижалари асосида резисторларнинг қаршилиқлари аниқланади.

**Биргаликда ўлчаш** деб, бир вақтда икки ёки бир нечта турли номли катталиқларни уларнинг орасидаги функционал боғланишларни, муносабатларни топиш учун олиб борилган ўлчашларга айтилади ва бунда тенгламалар системаси ечилади.

$$\begin{aligned} F(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n, x_1', x_2', x_3', \dots, x_m') &= 0 \\ F(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n, x_1'', x_2'', x_3'', \dots, x_m'') &= 0 \\ F(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n, x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, x_3^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}) &= 0 \end{aligned} \quad (3)$$

$x_1, x_2, x_3, x_n$  - номаълум катталиқлар

$x_1, x_2, x_3, x_m; x_1', x_2', x_3', \dots, x_m'; x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, x_3^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}$  - ўлчанган катталиқ қиймати.

Биргаликда ўлчашга мисол: Резистор қаршилигининг ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш.

$$R_t = R_0(1 + At + Bt^2) \quad (4)$$

3 та турли ҳароратда резистор қаршилиги ўлчанади ва учта тенгламали система тузилади, улардан  $R, A$  ва  $B$  боғланиш параметрлари топилади.



$R_0$  - 20 С даги қаршилик;

A, B – температура коэффициенти;

t – атроф-муҳит ҳарорати.

Ўлчаш принципини ва воситасини белгилаб берадиган усуллар ўлчаш усули деб аталади.

Ўлчашларда қўйидаги усуллардан фойдаланилади.

1 – бевосита, яъни тўғридан-тўғри баҳолаш усули.

2 – Ўлчов билан таққослаш қўйидаги усулларни ўз ичига олади.

а – дифференциал (айирмали) усул.

б – ноль (компенсацион) усул

в – ўрнига қўйиш усули


г – мослаштириш усули (мос келтириш).

Бевосита баҳолаш усули – бу усулда катталикнинг қиймати ўлчов асбобининг санок қурилмасидан бевосита аниқланади.

Масалан: Ток кучи амперметр билан, кучланиш вольтметр билан ўлчанади, лекин аниқлиги юқори эмас. кўрсаткичли асбоблар шу усул асосига кўрилган.

Ўлчов билан таққослаш усули:

а) дифференциал усул ёки айирмали усул – бу усул ўлчанаётган ва маълум катталикларнинг айирмасини ўлчашни характерлайди, яъни катталиклар орасидаги фарқ ўлчаш асбобига таъсир кўрсатади.



**5.4-расм. Дифференциал усул чизмаси.**

Агар  $X = X_0 + \Delta$  ва  $\Delta = 0$  бўлса дифференциал усул «нол» усулга айланади.


Бу усул ўлчов асбобларини текширишда кенг қўлланилади. Унча аниқ бўлмаган ўлчаш асбобларидан фойдаланилганда ҳам юқори аниқликда натижалар олиш имкони мавжуд.

Масалан: Ток ва кучланиш ўлчов трансформаторларида. Электрўлчов техникасида кенг фойдаланиладиган ўзгарувчан ва ўзгармас ток кўприкларининг иши шу усулга асослангандир.

б) ноль усули ўлчашларда юқори аниқликни таъминлайди.

Масалан: Электр қаршиликни кўприқ ёрдамида ўлчаш.


Ноль мувозанатлаш усулда ўлчанаётган катталик ўлчов билан таққосланади, аммо улар орасидаги айирма қиймати маълум бўлган катталикни ўзгартириш усули билан нолга келтирилади.



5.5-расм. «0» Усул чизмаси.


в) қарши-қўйиш усули.

Ўлчанаётган ва қиймати маълум катталиқ бир вақтда таққослаш асбобига таъсир кўрсатади ва бу таъсир ёрдамида бу катталиқлар орасидаги муносабат тикланади.



5.6-расм. Қарши қўйиш усули.

г) ўрнига қўйиш усули-дастлаб ўлчаш қурилмасига параметри номаълум бўлган ўлчанаётган элемент ўланади ва асбобнинг кўрсатиши ёзиб олинади. Кейин эса бу элемент ўрнига бошқа маълум параметрли элемент уланади ва унинг қиймати ўлчаш асбобининг дастлабки кўрсаткичига тенглашгунча ўзгартирилади. Бу ҳолда ўлчанган ва маълум катталиқ қийматлари бири-бирига тенг бўлади.



5.7- расм. Ўрнига қўйиш усули билан тўртқутблининг параметрларини ўлчаш чизмаси.

д) мослаштириш ёки мос келтириш усулида ўлчанган катталиқнинг қиймати сигнал белги ва бошқа хусусиятларнинг мос келиши билан аниқланади.

Барча ўлчашлар аналог-узлуксиз ва узлукли ўлчашларга бўлинади.

Аналог-узлуксиз ўлчашда ўлчанаётган катталиқнинг қиймати узлуксиз равишда қайд қилинади.

Узлукли-дискрет ўлчашда эса ўлчашлар натижаси фақат айрим вақт моментларда қайд қилинади.

### 3. Ўлчаш хатоликларининг классификацияси

Ўлчаш хатоликлари қуйидагича классификацияланади:

1. Хатоликлар намоён бўлиши характериға кўра (мунтазам, тасодифий ва кўпол хатоликлар);
2. Сонли ифодаланиш усулиға кўра (абсолют, нисбий ва келтирилган хатоликлар);
3. Кириш катталигининг вақт бўйича ўзгариш характериға кўра (статик ва динамик);
4. Ўлчанаётган катталиққа боғлиқлиғиға кўра (аддитив ва мультипликатив);
5. Атроф-муҳит параметрларининг таъсириға кўра (асосий ва қўшимча).

Мунтазам хатолик дейилганда, фақат битта катталиқни қайта-қайта ўлчаганда ўзгармас бўлиб қоладиган ёки бирор қонун бўйича ўзгарадиган ўлчаш хатолиғи тушунилади. Улар аниқ қиймат ва ишораға эға бўлади, уларни тузатмалар киритиш йўли билан йўқотиш мумкин.

Катталиқни ўлчаш натижасида олинган қийматға мунтазам хатоликни йўқотиш мақсадида қўшиладиган қиймат тузатма деб аталади.

Хатоликлар: а) инструментал (ўлчаш асбоблари);

б) ўлчаш усули;

в) субъектив (ноаниқ ўқиш);

г) ўрнатиш;

д) услубий хатоликларға бўлинади.

Инструментал хатолик дейилганда, қўлланилаётган ўлчаш асбоблари хатоликларға боғлиқ бўлган ўлчаш хатоликлари тушунилади, бу хатолик тузатма киритиш усули билан йўқотилади.

Техник ўлчаш асбобларининг инструментал хатоликларини йўқотиб бўлмайди, чунки бу асбоблар тузатмалар билан таъминланмайди. Ўлчаш усули хатолиғи, дейилганда усулнинг тақомиллашмаганлиғи натижасида келиб чиқадиган хатолик тушунилади. Бу хатолик ўлчаш воситаси, хусусан, ўлчаш қурилмаси, баъзида эса, ўлчаш натижаси хатоликларини баҳолашда эътиборға олинмиши лозим. Субъектив хатоликлар – қузатувчининг шахсий хусусиятларидан масалан, бирор сигнал берилган пайтни қайд қилишда кечикиш ёки шошилишдан, шкала бир бўлими чегарасида кўрсатувни нотўғри ёзиб олишдан, паралаксандан ва ҳоказолардан келиб чиқади. Ўрнатиш хатолиғи – ўлчаш асбоби кўрсаткичининг шкала бошланғич белгисига нотўғри ўрнатилиши натижасида ёки ўлчаш воситасини эътиборсизлик билан, масалан, вертикал ёки горизонтал бўйича ўрнатилмаслиғи натижасида келиб чиқади. Ўлчаш методикаси хатоликлари катталиқларни ўлчаш шартлари методикаси билан боғлиқ бўлган ва қўлланаётган ўлчаш асбобларига боғлиқ бўлмаган хатоликлардан иборат. Айниқса, аниқ ўлчашларни бажаришда ўлчаш натижасини мунтазам хатоликлар анчагина бузиши мумкин.

Тасодифий хатолик дейилганда, фақат, битта катталиқни қайта-қайта ўлчаш мобайнида тасодифий ўзгарувчи ўлчаш хатолиғи тушунилади. Бу хатолик борлигини фақат битта катталиқни бир хил синчковлик билан қайта-қайта ўлчангандагина сезиш мумкин.

Агар ҳар бир ўлчаш натижаси бошқаларидан фарқ қилса, у ҳолда тасодифий хатолик мавжуд бўлади. Шу хатоликларни баҳолаш эҳтимоллар назарияси ва математик статистика назариясига асосланган бўлиб, улар ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталиқнинг ҳақиқий қийматиға яқинлашиш даражасини баҳолаш методларини, хатолик эҳтимолий чегарасини баҳолаш имконини беради, яъни натижани аниқлаш, бошқача айтганда, ўлчанаётган катталиқнинг ҳақиқий қийматиға анчагина яқин қийматини топиш ва бир қаррали қузатиш натижасини топиш имконини беради.

Ўлчашнинг кўпол хатолиғи дейилганда, берилган шартлар бажарилганда қутилган натижадан тубдан фарқ қиладиган ўлчаш хатолиғи тушунилади.

Юқорида айтилгандек ўлчаш натижаси ҳеч қачон абсолют аниқ ёки физик катталиқнинг асл қийматиға тенг бўлмайди. Бунға кўп омиллар сабаб бўлади.

Агар хатолик ўлчанаётган катталиқнинг ўлчов бирликларда ифодаланган бўлса, бундай хатолик абсолют ёки мутлақ хатолик дейилади.

$$\Delta A = A_{\text{ўлч}} - A_{\text{ҳақ.}} \quad (5)$$

Амалда ўлчашнинг нисбий хатолигидан кўп фойдаланилади. Нисбий хатолик-абсолют хатоликнинг ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий ёки ўлчанаётган қийматга нисбатидир.

$$\delta = \frac{\Delta A}{A_{\text{ХАК}}} * 100\% = \frac{A_{\text{УЛЧ}} - A_{\text{ХАК}}}{A_{\text{ХАК}}} * 100\% \quad (6)$$

Ўлчаш воситаларининг хатоликлари қуйидагилардир:

1. Абсолют хатолик.
2. Нисбий хатолик.
3. Келтирилган хатолик.

Ўлчаш асбобининг абсолют хатолиги деб, асбобнинг кўрсатиши билан ўлчанаётган катталикнинг ҳақиқий қиймати орасидаги фарққа айтилади.

$$\pm \Delta A = A_{\text{УЛЧ}} - A_{\text{ХАК}} \quad (7)$$

Бунда хатоликлар мусбат ёки манфий ишора билан катталикнинг бирликларида ифодаланади.

Абсолют хатоликнинг катталикнинг ҳақиқий қийматига нисбати нисбий хатолик деб аталади ва % ларда ифодаланади

$$\delta = \frac{\Delta A}{A_{\text{ХАК}}} \cdot 100\% \quad (8)$$

Амалда келтирилган хатолик деб, номланган, яъни абсолют хатолик асбобнинг ўлчаш чегарасига бўлган нисбатидан фойдаланилади. Хатолик қиймати ўлчаш асбоби аниқлигини, демак, ўлчаш натижасини ҳам характерлайди

$$\gamma = \frac{\Delta A}{A_{\text{НОМ}}} * 100\% \quad (9)$$

Ўлчашлар аниқ бўлиши учун хатолиги кичик асбоблардан фойдаланилади. Баъзан катталикнинг ҳақиқий қийматини топиш учун асбоб кўрсатиши тузатиш коэффициентига кўпайтирилади

$$A_{\text{ХАК}} = K A_{\text{НОМ}} \quad (9a)$$

Келтирилган хатолик  $\gamma_{\text{кел}}$  -асбобнинг аниқлик классини  $K_{\text{а.к}}$  характерлайди.

Ўлчанаётган катталикка боғлиқлиги ҳисобга олинган ҳолда хатоликлар аддитив (абсолют) хатолик ва мультипликатив хатоликларга ажратилади.

Аддитив хатолик ўлчанаётган катталикка боғлиқ эмас, мультипликатив хатолик эса ўлчанган катталикка пропорционалдир.

Аддитив хатолик “0” нинг хатолиги, мультипликатив хатолик эса сезгирлик хатоси деб айтилади. Амалда ўлчаш воситаси иккала хатоликни ўз ичига олади.

Агар хатоликнинг қиймати диапазон бўйича доимий бўлса, ўлчаш воситасининг бундай хатоси аддитив дейилади. Агар ўлчаш воситаси фақат аддитив хатоликка эга бўлса, унда асбобнинг хатолиги абсолют хатолик билан нормаланади. Мультипликатив хатолик ўлчанаётган катталикка боғлиқ ҳолда чизикли равишда ўсиб боради, шунга кўра, нисбий қиймат диапазонда доимий бўлиб қолади. Шунинг учун бу хатолик нисбий хатолик тарзида нормалаштирилади.

Мультипликатив хатолик нозикли элементли қурилмаларда пайдо бўлади. Масалан: АЧТ нинг ўлчашидида мультипликатив хатолик пайдо бўлади.

Кўрсаткичли асбоблар учун нисбий хатолик 0,5-6 % фоизни ташкил қилади.


Ўлчаш воситалари статик ёки динамик иш тартибида ишлатилиши мумкин.

Статик тартибида ўлчанаётган катталик вақт бўйича ўзгармайди. Динамик режимида ўлчанаётган катталик вақт бўйича ўзгаради. Шунга кўра, улар ўлчаш воситаларининг статик хатолиги ва динамик тартибидаги хатолиги деб юритилади.

Атроф-мухит параметрларининг таъсирига кўра хатоликлари.

Асосий хатоликлар: Ҳарорат, босим, намлик.

Кўшимча хатоликлар: ҳарорат, таъминлаш кучланиши, электр тармоқ кучланиши ва халакитлар, магнит майдони кучланганлиги, атмосфера босими, ҳавонинг нисбий намлиги. Ўлчаш воситаси ўлчаш ўтказилаётган занжир билан ўзаро таъсирлашади. Ўлчаш воситаси ва электр занжирининг бир-бирига таъсири усулий хатоликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.



**5.8-расм. Идеал ўлчаш воситасини реал ўлчаш воситасига айлантирувчи омиллар**

$a_1$  – асбоб шовқини ва унинг элементларининг эскириши

$a_2$  – ишлаб чиқаришда параметрларнинг четланиши

$a_3$  – атроф-мухит параметрларининг таъсири

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлчаш воситаларининг турлари.
2. Ўлчаш воситаларининг метрологик характеристикалари нима?
3. Ўлчаш усуллари ва уларнинг классификацияси.
4. Ўлчаш хатоликлари нима?
5. Ўлчаш хатоликларининг турлари ва уларни бартараф қилиш.

## АДАБИЁТЛАР

1. Парпиев М.П., Каримова У.Н. “Электррадио ўлчашлар” фанидан маърузалар матни. Т:ТАТУ, 2003.-75 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.

**6-маъруза. Стандарт намуналар,  
ўлчашларни бажариш методикаси ва  
меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси**

**Режа:**

**1. Модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари.**

**2. Ўлчашларни бажариш методикаси.**

**3. Меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси.**

**1. Модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари.**

Стандарт намуналар (СН) Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими (ЎзЎБТТ) нинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўлчаш бирлигини таъминлаш мақсадларида СН қуйидагилар учун қўлланилади:

- ўлчаш воситалари (ЎВ) ни қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттестатлаш, даражалаш, шунингдек уларни синашда, шу жумаладан турини тасдиқлаш мақсадида метрологик тафсилотларини текшириш учун;
- ЎБМ ни метрологик аттестатлаш;
- ЎБМ дан фойдаланиш жараёнида уларнинг хатоликларини ўзларида ўрнатилган алгоритмларга мувофиқ текшириш;
- метрологик текширувнинг бошқа турлари учун қўлланилади. Ўлчашларнинг баъзи турларида СН текшириш схемаси таркибига эталон (Ўлчашлар намунавий воситаси) сифатида кириши ва мос қиёслаш схемасида ўрнатилган тартибда бирликнинг ўлчамини узатиш учун қўлланилиши мумкин.

СН тан олиш даражаси ва қўлланиш доирасига қараб қуйидаги тоифаларга ажралади:

- давлатлараро СН (ДАСН);
- давлат (сертификатлаштирилган) СН (ДССН);
- ишлаб чиқарувчининг СН (КСН).

Давлат (сертификатлаштирилган) стандарт намуналари қуйидагича белгиланади:

Oz DSN – O'zbekiston davlat standart namunasi.

Ишлаб чиқарувчининг стандарт намуналари учун:

O'z ICHSN – O'zbekiston ishlab chiqaruvchining standart namunasi

Турли тоифадаги СН қўлланиш доираси:

- ДАСН ва ДСН учун сертификатлаштирилган стандарт намуна (ССН) Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан, агар СН турининг тавсифида эслатиб ўтилмаган бўлса, давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада ҳам қўлланилади;
- ишлаб чиқарувчининг стандарт намунаси (ИЧСН) Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларида, давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан мустасно, қўлланилади.

ИЧСН ни қўлланиш соҳаси СН ни қўлланишга оид гувоҳномада ёки йўриқномада эслатиб ўтилади.

СН ваколатли идора томонидан тасдиқланган (тан олинган) дан кейин ўз вазифаси бўйича қўлланишга рухсат этилади.

Ўзбекистон давлат метрологик текширув ва назорат соҳасида Ўзстандарт Агентлиги берган сертификатга эга СН ёки "ДАСН" ёки "ДССН" (русча "МСО" ёки "ГСО") белгилари бўлган СН, 1992-йилгача чиқарилган ва ўз кучини йўқотмаган СН ни қўлланиш рухсат этилади.

Хорижда ишлаб чиқарилган, импорт бўйича келтириладиган СН қўлланишга белгиланган тартибда рухсат этилади.

Халқаро ва ҳудудий ташкилотларда яратилган СН, агар бу ишда Ўзбекистон қатнашган ва (ёки) СН ни тан олишга қўшилган бўлса, бундай СН уни тан олишда кўрсатилган шартларга мувофиқ қўлланилади.

СН учун метрологик тафсилотлар ўрнатилган бўлиши лозим, бундай тафсилотлар СН ни яратиш ва чиқаришга ҳужжатларда меъёрланади.

СН ни яратиш ва чиқариш ҳужжатларида уларнинг муайян турлари учун техник топшириқлар (ТТ) ва техник шартлар (ТШ) да қуйидаги метрологик тафсилотлар меъёрланади:

- а) СН нинг аттестатланадиган тафсилотининг аҳамияти;

- б) аттестатланадиган қийматнинг хатолиги (ноаниқлиги);
- в) СН материалнинг бир жинсли эмаслиги натижасида содир бўладиган хатолик (ноаниқлик);
- г) СН нусхасининг яроқлилиқ муддати;
- д) ташқи омилларнинг таъсир даражаси.

СН тафсилотларининг қийматлари СН ни аттестатлаш жараёнида ўрнатилади ва турининг тавсифномаси, шунингдек СН нусхасининг сертификати (гувоҳномаси) да ҳам келтирилади.

СН нинг сертификати (гувоҳномаси) да келтириладиган метрологик тафсилотларнинг қийматлари СН түпининг ҳар нусхасига, ёки СН нинг муайян нусхасига оид бўлади. Бу қийматларининг ўзи СН нусхасининг СН ни қўлланиш бўйича ҳужжатларда ўрнатилган, қўлланиш процедурасига мувофиқ фойдаланиладиган ҳар қандай қисмга ҳам тааллуқли бўлади.

СН нинг яроқлилиқ муддати юқори чегараси чекланмайди.

Агар яроқлилиқ муддати ўрнатилмаган ёки СН нинг яроқлилиқ муддати 10 йилдан ортиқ бўлса, бу ҳолда СН нинг метрологик тафсилотлари 10 йилда камида бир марта текширилади, текшириш тартиби СН ни қўлланиш бўйича йўриқномада ёки бундай процедурани белгилайдиган алоҳида ҳужжатда кўрсатилади.

СН ни ишлаб чиқиш (яратиш) асосий босқичлари:

- а) аттестатлаш дастури ва (ёки) методикасининг лойиҳасини ўз ичига олган СН га техник топшириқни ишлаб чиқиш;
- б) техник топшириқни метрологик экспертиза қилиш, келишиш ва тасдиқлаш;
- в) СН ни тайёрлаш бўйича илмий-тадқиқот ва экспериментал ишларни ўтказиш;
- г) аттестатлаш дастури ва (ёки) методикасига мувофиқ СН нинг метрологик ва техник тафсилотларини ўрнатиш;
- д) СН га ҳужжатларни ишлаб чиқиш, СН ни ишлаб чиқишга оид ҳисоботни расмийлаштириш, СН серияли ёки кичик серияли ишлаб чиқариладиган бўлса, техник шартлар (ТШ) ишлаб чиқилади;
- е) СН ни ишлаб чиқишга оид ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш;
- ж) СН ни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

СН ни ишлаб чиқишга техник топшириқни яратувчи ташкилот тузади ва тасдиқлайди.

Давлат метрологик текширув ва назорати соҳасида қўлланишга мўлжалланган СН ни яратишга ТТ Ўзбекистон Стандарт намуналар Бош маркази - СМС ИТИ ёки Ўзстандарт Агентлиги билан келишиши лозим.

Рўйхатга олишда давлат стандарт намуналарига ўлчаш воситалари давлат реестрининг "Стандарт намуналар" бўлимидаги иккита рақамдан иборат номер берилади. Бу икки рақамдан нуқта билан ажратилган тўртта рақамли рўйхатга олиш номери ва икки нуқта билан ажратилган тасдиқлаш йили кўрсатилади (XX.XXXX:XXXX).

Масалан, О'з DSB 03.0179:2002.

Ишлаб чиқарувчиларнинг стандарт намуналарини рўйхатга олишда уларга корхоналар ва ташкилотлар Умумдавлат таснифлагичи бўйича КТУТ кодининг саккизта рақамидан иборат номери берилади. Бу рақамлардан нуқта билан ажратилган тўртта рақамли рўйхат номери ва қўш нуқта билан ажратилган тасдиқлаш йили ёзилади (XXXXXXXXX.XXXX:XXXX).

Масалан, О'з IChSN 00934175.0009: 2001.

Хорижда ишлаб чиқарилган импорт бўйича келтирилган, Ўзбекистонда тан олинган ва қўлланишга рухсат этилган ёки халқаро ва ҳудудий ташкилотлар доирасида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистонда тан олинган СН ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилади, бунда уларга рўйхатга олинган номер берилади, қавслар ичида эса ишлаб чиқарган мамлакат ёки ташкилот томонидан берилган рўйхат номери кўрсатилади.

Масалан:

- Россиянинг стандарт намунаси

О'з DSN 03.0693:1999 (ГСО 1639-93 П);

- Украинанинг стандарт намунаси:

О'з DSN 03.0719:1999 (ДСЗУ 022.36-96);

- DORFNER фирмасида (Германия) тайёрланган стандарт намуна

О'з DSN 03.0178:2002 (42161/1/14937/1/99; PBK 6652F3).

Ўзстандарт Агентлиги рўйхатга олинган СН тўғрисидаги ахборотни СН сертификатининг хос реестрига киритади.

Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш, тасдиқлаш (тан олиш), рўйхатга олиш, чиқариш ва қўлланишга умумий талаблар, шу жумладан қиёслаш газли аралашма (аттестатланган аралашмалар бундан мустасно) учун талаблар Ўз РСТ 8.018-97 да белгиланган.

Стандарт намуналар ДМН ва Текширувининг объекти бўлиб ҳисобланади [13-модда].

Бугунги кунда модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ўлчашлар кенг тарқалган ва бу ўлчашлар халқ хўжалигининг кўп соҳаларида асосий ролни ўйнайди. Бунда 100 минглаб модда ва материаллар ўлчаш объекти бўлади. Ўлчанаётган катталиқ  $1 \cdot 10^{-9}$ -99,9999 % чегарада ўзгариши мумкин. Модда ва материалларнинг таркибини ўлчашда бирликларнинг ўлчамини сақлаш ва узатишнинг асосий инструменти бўлиб стандарт намуналар ҳисобланади. Стандарт намуна - "СН" бу ўрнатилган тартибда тасдиқланган моддаларнинг намунаси сифатида ўлчаш воситасидир.

СН лар каталликларнинг ўлчамларини такрорлаш ва сақлаш учун мўлжалланган. Улардан ўлчашлар бирлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Стандарт намуналарга қуйидаги белгилашлар киритилган:

О'z DSN Ўз. давлат стандарт намунаси

О'z KSN Ўз. корхонасининг стандарт намунаси

О'z DSN 04.XXXX:XXXX

О'z DSN 04.0879:2008

"СН" – хатолигининг шаҳодатланган қиймати, "абсолют" ва "нисбий" хатолик тарзида нормаланади.

Стандарт намуналарга қўйиладиган талаблар О'z DST 8.004:1999 Ўзбекистон Республикаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими. Таркибнинг модда ва материал хоссаларининг стандарт намуналари. да ўрнатилган.

Агар стандарт намуна Ўзбекистонда тайёрланган бўлса, унга тури тасдиқланганлиги тўғрисида 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга сертификат берилади.

**Давлат стандарт намунаси** бу метрология бўйича миллий орган томонидан тан олинган ва давлат метрологик назорати ва текшируви доирасида бўлган халқ хўжалиги соҳаларида қўлланиладиган стандарт намуналардир. Корхонанинг стандарт намунаси бу корхона раҳбари (тармоқ, ташкилот) томонидан тасдиқланган ва тегишли меъёрий ҳужжатлар талабига мос ҳолда, ҳамда давлат метрология назорати ва текшируви доирасидан ташқарида қўлланиладиган стандарт намунадир. Яроклилиқ муддати ўтган ва О'z Dst 8.004 га мувофиқ бўлмаган "СН"дан фойдаланиш таъқиқланади.

## 2. Ўлчашларни бажариш методикаси.

Ўлчашларни бажариш методикалари ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг зарур ва муҳим ташкил этувчисидир. О'z DSt 8.010.1:2002 "Ўз ЎДТ. Метрология. Атамалар ва таърифлар. Асосий ва умумий атамалар" стандартида ўлчашларни бажариш методикаси ўлчашлардаги ишлар ва қоидаларнинг ўрнатилган мажмуи сифатида таърифланган. Ўлчаш ишлари ва қоидалари бажарилганда ўлчашлар натижалари кафолатланган аниқликда олинади.

Ўлчашларни бажариш методикасида ўлчаш натижаларининг хатоликлари баҳоланган бўлиши ва муаяйн ўлчаш шароитларида ўрнатилган аниқликни таъминлаши лозим. Ўлчашлар белгиланган тартибда аттестатланган ўлчашларни бажариш методикасига мувофиқ бажарилиши лозим. Ўлчашларни бажариш методикасини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестатлаш тартиби Ўзстандарт Агентлиги томонидан ўрнатилади.

Ўлчашларни бажариш методикасига асосий талаблар О'z DSt 8.016:2002 "Ўз ЎДТ. Ўлчашларни бажариш методикалари. Асосий низомлар" да ўрнатилган.

Ўлчашларни бажариш методикаси (ЎБМ) ни ишлаб чиқишда О'z T 51-088:1999 "Ўз ЎДТ. Ўлчашларни бажариш методикалари, тузилиши, мазмуни, баён этилиши ва расмийлаштирилиши" нинг низомларидан фойдаланиш тавсия этилади.



Маълумки, ҳар қандай ўлчашларни айрим қоида ва муолажалар бирлашмаси деб юритиш мумкин, уларни бажариш эса маълум хатолик билан ўлчаш натижаларига эришишни таъминлайди. Амалда ўлчаш процедураларини тартиблаш:

- кўплаб мураккаб ўлчашларни шу жумладан модда ва материалларнинг таркибини ўлчашда асосий иш қуроли (инструмент) бўлиб ҳисобланади.

ЎБМ - бу ҳужжатлаштирилган операция ва қоидалар бирлашмаси бўлиб уларни бажариш кафолатланган аниқликдаги ўлчаш натижалари олишни таъминлайди.

ЎБМ - метрологик аттестацияга тортилади.

ЎБМ - Ўзстандарт томонидан тасдиқдан ва давлат реестридан ўтгандан кейин қўлланилади.

ЎБМ - метрологик назорат ва текширув объектлари ҳисобланади. (“Метрология тўғрисида” - 13 модда ДМН ва текширув объектлари)

ЎБМ - метрологик характеристикаларга эга.

Асосий метрологик характеристикалар бўлиб

- ўлчаш диапазонини ўз ичига олган қўлланилиш соҳаси;
- таъсир қилувчи омилларни чекловчи параметрлар;
- мунтазам ва тасодифий ташкил этувчилардан иборат ўлчаш хатоликлари.

ЎВ каби ЎБМ метрологик аттестацияга тортилади.

ДМН ва Т доирасидаги ЎБМ нинг аттестацияси Ўзстандарт томонидан аккредитланган. Давлат метрология хизмати ва юридик шахсларнинг органлари томонидан амалга оширилади. ЎБМ экспертизасини Ўзстандарт таркибидаги Ўзбекистон метрология хизматларини кўрсатиш бош маркази ўтказди.

ЎзРСТ 8.016 ва ГОСТ 8.010- талабларига жавоб бермайдиган ЎБМ қўлланилишига йўл қўймайди.

ЎБМ қонунийлигини ўрнатиш бўйича ишлар комплекси қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

1. ЎБМ метрологик экспертизаси программасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.

2. Янги ишлаб чиқарилган ЎБМ - лойиҳаси ёки амалдаги қайта кўриб чиқиладиган ЎБМ нинг метрологик экспертизаси. “Метрологик экспертиза – бу эксперт – метрологлар томонидан ўлчашлар бирлиги ва аниқлиги билан боғлиқ бўлган талаблар, қоида ва нормаларнинг тўғри қўлланилишининг таҳлили ва баҳоланишидир”.

3. Назорат ва экспериментал тадқиқотлар.

4. ЎБМ натижалари бўйича ҳужжатларни метрологик экспертизаси ва ЎБМ тасдиқлаш ва регистрациядан ўтказиш.

5. ЎБМ метрологик аттестацияси тўғрисидаги ҳисоботни расмийлаштириш.

ЎБМ аттестацияси бўйича ишларнинг ижобий натижалари бўйича Ўзстандарт ЎБМ ҳужжатларнинг охириги таҳририни тасдиқлайди ва ЎБМ га сертификат расмийлаштиради. Сертификат ЎБМ ДМН ва Т доирасида, қўлланилишини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва беш йилдан ўтмаган мудатга берилади.

### **3. Меъёрий ҳужжатларнинг экспертизаси.**

Норматив техник ва технологик ҳужжатларнинг экспертизаси ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг ажралмас қисми бўлиб метрологик назоратнинг зарурий кўринишидир.

МЭ - бу ўлчаш керак бўлган параметрларни танлаш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, синаш эксплуатация, ремонт ва уларни амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мослиги бўйича техник ечимларнинг метрологик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолашдир.

Метрологик экспертизага маҳсулот ва хизматларга таалуқли норматив ва техникавий ҳужжатлар улар ҳаётий циклларнинг барча этапларида тортилади.

Метрологик экспертизага тортилади:

- Давлатлараро, Давлат, тармоқ ва Ўзбекистон информацион фондида регистрациядан ўтган ташкилотларнинг маҳсулот ва хизматларига бўлган стандартларнинг лойиҳалари;
- Раҳбарий ҳужжатларнинг лойиҳалари;
- Техник шартномаларнинг лойиҳалари;
- Импорт бўйича қабул қилинган маҳсулотларни синаш усуллари ва программаларнинг лойиҳалари;
- Ўлчаш воситаларини, шу жумладан стандарт намуналарини ишлаб чиқиш техникавий топшириқларининг лойиҳалари;

- ЎВ турини тасдиқлаш бўйича синов усуллари ва программаларнинг лойиҳалари;
- ЎВ ни қиёслаш усулини лойиҳалари ва бошқалар

Экспертизани ўтказиш муддати 30 кундан ошмаслиги керак. Экспертизадан ўтмаган ҳужжатлар қайта экспертизага тортилади.

Маҳсулот (хизматлар) сифати тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, тажриба-конструкторлик ишлари босқичларида шакллантирилади ва меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида" Қонунида кўрсатилишича, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланган бўлиши ва Ўзбекистон республикасининг Қонунларига мос келиши лозим. Бу талабларни бажариш учун меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертизаси (МХ ИТЭ) ни ўтказиш керак. Экспертиза Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.21:2001 "Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш" да белгиланган.

МХ ИТЭ меъёрий ҳужжатларнинг халқаро, ҳудудий, давлатлараро, хорижий стандартлар билан уйғунлаштирилганлик даражасини ўрнатиш, фан, техниканинг замонавий ривожланганлик даражасига мувофиқлигини, амалдаги қонунларга ва Ўз СДТ, Ўз ЎДТ, Ўз СМТ асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларга ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мослигини ўрнатиш мақсадида бажариладиган тадқиқотдан иборат.

Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими талабларига мувофиқ қуйидагилар экспертизадан ўтказилади:

- МХ лойиҳалари;
- тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар;
- давлат рўйхатидан ўтказиладиган МХ;
- амалдаги МХ;
- МХ ўзгартиришларнинг лойиҳалари;
- давлат рўйхатидан ўтказиладиган, МХ нинг тасдиқланган ўзгартиришлари.

Экспертизанинг қуйидаги хиллари ўрнатилган:

- нормаллаштириш текшируви;
- келишишнинг тўлиқлиги;
- мажбурий талабларга мувофиқлиги;
- патент софлигига текшириш;
- очиқ чоп этилмайдиган маълумотлар;
- техник экспертиза;
- иқтисодий экспертиза;
- метрологик экспертиза;
- экологик экспертиза;
- терминологик экспертиза;
- ҳуқуқий экспертиза;
- нашриёт таҳрири;
- илмий-техникавий даражани баҳолаш.

Ўзстандарт Агентлигининг топшириғи, буюртмачининг сўровномаси, шунингдек зарурлигига қараб, стандартлаштириш объектининг хусусиятларига қараб, экспертиза алоҳида турлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги, стандартлаштириш бўйича техник кўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар ва экспертиза ўтказишга ваколатланган бошқа ташкилотлар меъёрий ҳужжатларни экспертизадан ўтказди.

Нормаллаштириш текширувида қуйидагилар текширилади:

- меъёрий ҳужжатнинг тўғри тузилганлиги ва расмийлаштирилгани;
- амалдаги меъёрий ва бошқа ҳужжатларга тўғри ва ҳуқуқий ҳавола қилинганлиги;
- МХ нинг зарур ахборот қидирув белгилари (номи, белгиси, маҳсулотнинг умумдавлат таснифлагичининг коди (МУТ), стандартлар умумдавлат таснифлагичининг гуруҳи (СУТ), символлар, қисқартмалар, амалга киритиш санаси ва (ёки) амал муддати, ҳужжатнинг қайси МХ ўрнига ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар ва ҳ.к.);

- текширувчи шахслар, бажарувчилвр имзоларининг мавжудлиги;
- хужжатнинг ташқи кўриниши.

*Келишиш тўлиқлигини* текширишда меъёрий хужжатнинг манфаатдор ташкилотлар рўйхатига мувофиқ тўлиқ келишилганлиги, шунингдек рўйхатга киритилмаган ташкилотлар билан қўшимча равишда келишиш зарурлиги аниқланади. Фикр-мулоҳазалар тўплами, илмий-техникавий кенгашларнинг баённомалари, келишув мажлисларининг баённомалари, меъёрий хужжатда фикр-мулоҳазаларнинг, таклифларнинг тўлиқ акс эттирилганлиги таҳлил қилинади, ишлаб чиқувчининг фикр ва таклифлар бўйича хулосасининг асослиги аниқланади.

*Мажбурий талабларга* мувофиқлигини текшириш мажбурий талабларнинг Ўзбекистон қонунларига, мос халқаро ва миллий стандартларга, стандартлаштириш тармоқлараро тизимларга мувофиқ тўлиқ ва тўғри баён этилганлигини аниқлашдан иборат.

Стандартлаштириш объектининг патент софлиги патент формулярининг тўғри тўлдирилганлиги (бундай хужжат мавжуд бўлганда) текшириш йўли билан аниқланади.

*Очиқ чоп этилмайдиган маълумотларнинг борлиги* мос йўриқнома бўйича текширилади.

*Техник экспертизани ўтказишда:*

меъёрий хужжат номининг техник топшириққа (мавжуд бўлганда), меъёрий хужжатнинг мазмунига ва стандартлаштириш режалари (дастурлари) га мослиги, стандартлаштириш объектининг меъёрий хужжат даражасига мувофиқлиги, меъёрий хужжатнинг тўғри баён этилганлиги ва мазмунининг тўғрилиги аниқланади; меъёрий хужжат кўрсаткичларининг давлатлараро стандартлар ва миллий хужжатларнинг талабларига мувофиқлиги; текширилаётган меъёрий хужжатнинг ўхшаш маҳсулотга амалдаги меъёрий хужжатларнинг такрорланганлик ҳоли аниқланади.

*Иқтисодий экспертиза* тушунтириш ёзувидаги маълумотларни тасдиқловчи, меъёрий хужжатни жорий этиш техник-иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги ҳисобининг тўғрилигини текширишдан иборат.

*Метрологик экспертиза* О'з РН 51 – 106:2001 бўйича бажарилади.

*Терминологик экспертиза* ўрнатилган илмий-техникавий атамаларнинг меъёрий хужжатда тўғри қўлланилганлигини, давлатлараро ва республика терминологик стандартларига риоя қилинганликни текшириш босқичи бўлади.

*Ҳуқуқий экспертиза* меъёрий хужжат мазмунининг амалдаги қонунларнинг талабларига мувофиқлигини текширишдан иборат.

*Наириёт таҳрири* меъёрий хужжат матнини илмий ва адабий таҳрир, техник таҳрир қилишдан иборат.

*Илмий ва адабий таҳрир* меъёрий хужжат мазмунини мантиқий, техник ва адабий жиҳатдан тўғри саводли баён этиш, қабул қилинган қисқартмаларга риоя қилиш, орфографик, синтаксис, стилистик хатоларни йўқотиш мақсадида бажарилади.

*Техник таҳрир* меъёрий хужжатни босмаҳонада ёки бошқа усулда чоп этишга тайёрлашдан иборат.

Лойиҳанинг ёки тасдиқланган меъёрий хужжатнинг "Стандартлаштириш тўғрисида" Қонун талабларига, халқаро, давлатлараро, ҳудудий, хорижий стандартларнинг талабларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек уйғунлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида меъёрий хужжатларнинг *илмий-техникавий даражаси* (ИТД) баҳоланади.

Баҳолаш меъёрий хужжатларни ишлаб чиқувчилар (стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, корхоналар, ташкилотлар), Ўзстандарт Агентлигининг идоралари томонидан О'з РН 51 - 077:1998 "Ўз СДТ. Маҳсулотга меъёрий хужжатнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш методикаси" га мувофиқ, ишлаб чиқувчи томонидан тузиладиган маҳсулот техник даражаси ва сифати картасини ва (ёки) қиёслаш жадвалини қўлланиб, кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш асосида бажарилади.

Меъёрий хужжатлар экспертизасининг натижалари ихтиёрий шаклда тузилган далолатнома кўринишидаги эксперт хулоса билан расмийлаштирилади. Далолатномада ўтказиладиган барча турдаги экспертиза натижалари акс эттирилади. Хулосада экспертиза объектининг умумий тафсилоти қуйидагича ёзилади: "Меъёрий хужжат (меъёрий хужжат лойиҳаси) стандартлаштириш давлат тизими, ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими,

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими талабларига ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мувофиқ келади (мувофиқ келмайди)".

Далолатнома эксперт ва экспертизани ўтказган бўлимлар раҳбарларининг имзоси билан ишонтирилади ва раҳбарият томонидан тасдиқланади.

Келишмовчиликлар бўйича охириги қарорни: меъёрий ҳужжатни экспертизага жўнатган ташкилот; Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги (ўз ваколати доирасида); Ўзстандарт Агентлиги хулоса шаклида қабул қилади.

Меъёрий ҳужжат экспертизасининг далолатномаси сўровчига ва ишлаб чиқувчи - аслият эгасига жўнатилади.

Далолатноманинг бир нусхаси меъёрий ҳужжат ва барча иловалар билан бирга экспертизани ўтказган ташкилотда сақланади. Барча ҳолларда меъёрий ҳужжат экспертизаси далолатномасининг бир нусхаси Ўзстандарт Агентлигига жўнатилади.

Эксперт хулосанинг холис (объектив)лигига масъуллик экспертизани ўтказган мутахассис-экспертга юклатилади.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари нима?
2. Модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарининг лойиҳалари.
3. Давлат стандарт намунаси нима?
4. Ўлчашларни бажариш методикаси дейилганда нима тушунилади?
5. Норматив ҳужжатларнинг метрологик экспертизаси.
6. Метрологик экспертиза нима?
7. Қайси ҳужжатлар экспертизадан ўтказилади?

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
3. Парпиев М.П., Каримова У.Н. “Электррадио ўлчашлар” фанидан маърузалар матни. Т:ТАТУ, 2003.-75 б.

## 7-майруза. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи асосида меъёрлаш ва баҳолаш

**Режа.**

- 1. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи асосида меъёрлаш.**
- 2. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини баҳолаш.**

### 1. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи асосида меъёрлаш.

Маълумки, юқори аниқлик билан ўлчаш айрим зарурий ҳоллардагина керак. Ўлчаш воситаларининг меъёрланадиган метрологик характеристикалари ўлчаш воситаларининг метрологик хоссаларини тўлиқ тавсифлайди.

Амалиётларда аниқлик синфи асосида меъёрланган ўлчаш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўлчаш воситаларини аниқлик синфи бўйича таснифлаш МОЗМ-34 “Ўлчаш воситаларининг аниқлик синфлари” тавсияларида ва ГОСТ 8.401-80 ГСИ “Ўлчаш воситаларини аниқлик синфи. Умумий талаблар”, ҳамда ГОСТ 8.009-84 ГСИ “Ўлчаш воситаларининг меъёрланадиган метрологик характеристикалари”да ўрнатилган. Аниқлик синфи ўлчаш воситаларининг умумлашган тавсифи бўлиб, асосий ва қўшимча хатоликларнинг йўл қўйиладиган чегаралари билан аниқланади. Аниқлик синфи бу ўлчаш воситасининг аниқлик бўйича хоссасини ифодалайди, лекин улар ёрдамида бажарилган ўлчашлар аниқлигининг бевосита кўрсаткичи эмас. Бу аниқлик синфи бир турдаги ўлчаш воситаларининг хатоликлари қайси чегараларда эканлигини билдиради, аслида хатоликлар ўлчаш усуллари ҳамда ўлчаш шароитларига боғлиқ. Ўлчаш воситаси иккита ва ундан ортиқ аниқлик синфига эга бўлиши мумкин. Ўлчаш воситаси биргина катталиқни ўлчашда бир нечта ўлчаш диапазонида эга бўлса унга иккита ва ундан ортиқ аниқлик синфи бериш мумкин. Бир нечта катталиқларни ўлчашга мўлжалланган ўлчаш воситалари ҳар бир ўлчанадиган катталиқлар учун турли аниқлик синфларига эга бўлади. Йўл қўйиладиган хатоликлар чегараси меъёрланади ҳамда абсолют хатолик  $\Delta_{\text{ў.в.}} = \Delta$ ; нисбий  $\delta_{\text{ў.в.}} = \delta$ ; ёки келтирилган хатолик  $\gamma_{\text{ў.в.}} = \gamma$  шаклида ифодаланади.

Ифодалаш шакли ўлчаш диапазонидаги хатоликларнинг ўзгариш характерида, қўлланиш шароитига ва мўлжалланишига боғлиқ. Умумий ҳолда, ўлчаш воситасининг аниқлик синфини билган ҳолда диапазоннинг барча нуқталари учун абсолют хатоликнинг максимал йўл қўйиладиган қийматини топиш мумкин:

$$\Delta_{\text{ў.в.йўл}} = \Delta_{\text{ў.в.}} * X_N/100 ; \quad (7.1)$$

Абсолют хатоликнинг асосий йўл қўйиладиган чегараси қуйидаги учта усул билан берилиши мумкин.

- аддитив хатоликни характерловчи ўлчанаётган катталиқнинг ихтиёрий қиймати учун ўзгармас бўлган “х” сонли усул:

$$\Delta_{\text{чег}} = \pm a \quad (7.2)$$

- икки ҳадли ифода кўринишидаги аддитив ва мультипликатив хатоликни ҳисобга олувчи усул:

$$\Delta_{\text{чег}} = \pm(a + bx) \quad (7.3)$$

- тенглама кўринишдаги усул:

$$\Delta_{\text{чег}} = f(x)$$

мураккаб боғлиқликда (7.3) хатоликни график ёки жадвал кўринишида келтиришга йўл қўйилади. 7.1 ифода қўлланилганда абсолют хатоликлар чегараси ўзгармас деб ҳисобланади. Бу график ҳолда 7.1, а-расмда кўрсатилган. Хатоликнинг бундай кўриниши аддитив деб номланади. Бундай хатолик кўрсаткичли асбобларда ўлчашлардан олдин “0” ўрнатилмаган бўлса мавжуд бўлади. 7.1-расмда  $y=f(x)$  ўлчаш воситасининг ўзгартириш характеристикаси кўрсатилган бўлиб, бунда ўлчаш воситаси кўрсатишининг кириш сигналига боғлиқлиги

ифодаланади. Ўзгартириш характеристика-сининг эҳтимолли четланиш соҳаси ушбу ҳолда штрихланган (7.1, б-расм).

Бу соҳанинг чегаралари идеал ўзгартириш характеристика-сига параллел бўлиб, 7.1, б-расмда пунктир чизик билан белгиланган. 7.1, в-расмда прибор хатолиги

$$\Delta_{\text{чег}} = \pm(a + bx)$$

ифодалангандаги ҳол учун жоизлик майдонининг кўриниши тақдим этилган. Ўлчаш воситасининг мос ўзгартириш функцияси ва жоизлик майдони 7.1, г-расмда келтирилган.


7.1 в ва г-расмлардан кўришиб турибдики, ўлчаш воситасининг кўрсатиши ортиб борган сари жоизлик майдони ҳам кенгайиб боради. Ифодага биноан, ўлчаш воситаси меъёрланганда фақат аддитив хатоликкина мавжуд эмаслиги эътиборга олинади. Хатоликнинг иккинчи ташкил этувчиси ўлчанаётган катталиққа боғлиқ бўлиб, мультипликатив хатолик деб номланади. 7.2 ифодадаги “а” хатоликнинг аддитив ташкил этувчисини ифодалайди, “b” – мультипликатив ташкил этувчиси. Агар “b” коэффициент “0”га тенг бўлса, 7.2 ифода 7.1 ифодага айланади. Фақат, мультипликатив ташкил этувчи мавжуд бўлган ҳолат рўй берса, унда

$$a = 0 \text{ ва } \Delta_{\text{чег}} = \text{кир.}$$


Ушбу ҳолда жоизлик майдони 7.2 а-расмда кўрсатилган кўринишга эга бўлади. Ўзгартириш функциясига нисбатан мувофиқ келувчи жоизлик майдони 7.2 б-расмда кўрсатилган.

Аниқлик синфини ўрнатишда йўл қўйиладиган нисбий хатоликлар чегарасидан фойдаланилади. 7.2 ифода ҳолати учун нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси ифодланади:

$$\delta_{\text{чег}} = \pm \frac{\Delta_{\text{чег}}}{X} = \pm q \tag{7.4}$$



7.1-расм. Ўлчаш воситалари хатоликларининг меъёрланиши.



**7.2-расм. Абсолют ва нисбий хатоликлар қийматининг ўлчанаётган катталиқка боғлиқлиги.**

Абсолют хатолик диапазоннинг бошидан охиригача монотон ортганда (7.1, б-расм ва 7.2 ифода) нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси ушбу ифодадан аниқланади:

$$\delta_{\text{чег}} = \pm \left[ c + d \left( \left| \frac{x_q}{x} \right| - 1 \right) \right] \quad (7.5)$$

бу ерда “с” ва “d” – доимий сонлар,  $X_q$  – ўлчаш чегараси,  $X$  – ўлчанадиган катталиқ.

7.4 ва 7.5 ифодалар учун жоизлик майдони 7.3 а ва б-расмларда ифодаланган.

7.1 ва 7.3 графиклардан кўриниб турибдики, (7.1, а-расмдаги графиклардан ташқари) абсолют ва нисбий хатоликларнинг катталиқлари ўлчанаётган катталиқларга боғлиқ. Бошқача айтганда, ўлчаш воситаларининг хатоликлари шкаланинг турли нуқталарида турличадир. Ушбу ҳол ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи бўйича меъёрлашда ҳисобга олинади. Шунга кўра, меъёрлаш қоидаси, аниқлик синфи бўйича биринчидан ўлчаш воситаларини бири-бири билан, иккинчидан зарур ҳолларда конкрет катталиқни ўлчашда хатоликни ҳисоблаш имконини ўрнатади. Аниқлик синфи асосида ўлчаш воситаларини таққослашни меъёрлаш нисбий хатолик асосида амалга оширилган шароитда ўтказиш мумкин. 7.5-ифодадаги “с” коэффициент моҳиятини тушуниш учун фараз қиламиз, йўл қўйиладиган хатолик чегараси (7.5) ифодада билан меъёрланган асбоб ўлчаш диапазонининг юқори чегарасига тенг бўлган қиймат кўрсатди, яъни  $X=X_q$ . Ушбу ҳолда қавс ичидаги ифодалар “нол”га айланади, нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси  $\delta_{\text{чег}} = c$ . Шундай қилиб, с-асбобнинг максимал кўрсатишидаги нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегарасидир. d – коэффициентнинг маъносини тушунтириш учун 7.5-ифодани ўзгартирамиз.

$$\Delta_{\text{чег}} = \frac{1}{100} [d \cdot X_k + (c - d)x] \quad (7.6)$$

Агар, асбоб кўрсатиши “0”га тенг бўлса ( $x=0$ ), унда

$$\Delta_{\text{чег}} = \frac{1}{100} dx_q \quad (7.7)$$

Кўриниб турибдики, d - асбобнинг “0” кўрсатишидаги йўл қўйиладиган хатолик чегараси бўлиб, юқори ўлчаш чегараси бўйича фоизларда ифодаланган бўлади. с ва d коэффициентларнинг фарқли асбоб кўрсатишининг камайишида нисбий хатоликнинг ортишини характерлайди. 7.5-ифодадан нисбатан юқори аниқликда бўлган ўлчаш воситаларининг хатоликларини меъёрлашда кенг фойдаланилади. Ўлчаш воситаларини аниқлик бўйича таққослашни осонлаштириш учун келтирилган хатолик тушунчаси киритилган. Келтирилган хатолик қуйидаги ифода ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$\gamma = \frac{\Delta_{\text{чег}}}{X_q} 100 \quad (7.8)$$

Ушбу ифодада меъёрланувчи катталиқ асбоб шкаласининг охириги қийматида тенг. Ушбуга кўра ўлчаш диапазонида боғлиқ бўлмаган ҳолда хатоликни меъёрлашда у конкрет

асбоб шкаласининг охирги қийматига “келтирилади”. Ушбу сабабга кўра келтирилган дейилади. Агар 7.1 ва 7.3 ифодаларга қайтамыз. Бу ерда  $\Delta_{\text{чек}}$  – йўл қўйиладиган абсолют асосий хатоликнинг чегаралари бўлиб, ўлчанаётган катталикнинг киришидаги (чиқишидаги) бирликларида ифодаланган бўлади.  $X$  – ўлчанаётган катталикнинг ўлчаш воситасининг кириш (чиқиш)даги қийматдир. 7.4 ва 7.5 ифодалардаги  $\Delta_{\text{чек}}$  нисбий асосий катталикнинг йўл қўйиладиган чегаралари. Нисбий хатолик одатда фоизларда ифодаланади. 7.4 ифодадаги  $q$  – мавҳум сон. 7.5-ифодадаги “с” ва “d” – мусбат сон бўлиб, асбоб кўрсатишига боғлиқ эмас,  $X_q$  – шкаланинг охирги қиймати.

Катталиклар “q”, “с” ва “d” нинг конкрет қийматлари қатордан танланади.  $1 \cdot 10^n$ ;  $1,5 \cdot 10^n$ ;  $2 \cdot 10^n$ ;  $2,5 \cdot 10^n$ ;  $(3 \cdot 10^n)$ ;  $4 \cdot 10^n$ ;  $5 \cdot 10^n$ ;  $6 \cdot 10^n$ . ( $n=1,0; -1; -2$  ва б.к.)

Сонлар  $a, b, c, d$  (7.2, 7.5даги) ўзаро куйидаги муносабатлар билан боғланган.

$$c = b + d;$$

$$d = a / |X_q|.$$

Ушбу  $\Delta_{\text{чек}} = \pm d$  ёки


$$\delta_{\text{чек}} = \frac{\Delta_{\text{чек}}}{X_q} = \pm q \quad (7.9)$$

ифодалар ўлчаш воситаларининг хатоликларини меъёрлаш учун қўлланилганда, ҳар бир алоҳида ўлчаш воситасининг хатолиги кўрсатилган меъёрдан ортмаслиги, мусбат ёки манфий бўлиб қолишини назарда тутиш керак. Конкрет ўлчаш воситаси учун хатоликларни ифодалаш усулини, хатоликни ўлчаш диапазони бўйича ўзгариш характериға боғлиқ ҳолда танланади. Ўлчаш воситаси фақат аддитив хатоликка эга бўлса ёки аддитив хатолик шунча юқори бўлса, унда мультипликатив хатоликни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, йўл қўйиладиган абсолют хатолик чегараси  $\Delta_{\text{чек}}$  диапазон бўйича ўзгармас бўлади, бир вақтда нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси гипербола бўйича ўзгаради (7.3, а-расм). Ушбу ҳолда абсолют хатоликни  $\Delta_{\text{чек}} = \pm d$  ифода бўйича меъёрлаш қулайроқдир.

Мультипликатив хатолиги кўпроқ бўлган ўлчаш воситаларида аксинча, нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегарасини меъёрлаш қулайдир. Ҳақиқатан, 7.2 ифодага “а” коэффицентни “0”га тенг қилиб қўямиз, унда

$$\Delta_{\text{чек}} = \pm bx$$

ва ушбуга кўра абсолют хатолик чизиқли қонун бўйича ўзгаради, бу 7.4а-расмда кўрсатилган.



**7.3-расм. Нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегарасининг ўзгариши.**

Нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси


$$\delta_{\text{чек}} = \pm \frac{\Delta_{\text{чек}}}{X} = \pm b$$

ўлчанаётган катталикка боғлиқ эмас (7.4, б-расм) ва шунга кўра ўлчаш воситасининг характеристикаси биргина сон билан ифодаланиши мумкин. Ўзгарувчан ва ўзгармас ток кўприқлари шундай меъёрланади.

Аддитив ва мультипликатив хатоликларга эга бўлган ўлчаш воситаларининг хатоликларини меъёрлаш учун 7.2 ёки 7.5 ифодадан фойдаланилади, бунда “а”, “b” ёки “с” ва “d” коэффицентларга катталиклар бериш керак. Ушбу ифода юқори аниқликдаги ўлчаш



воситаларининг хатоликларини, масалан, рақамли асбоблар, кўпқийматли ўлчовлар ва б.қ.ни меъёрлашда кенг қўлланилади. Фақат абсолют хатоликни билиш турли ўлчаш диапазонида эга бўлган ўлчаш воситаларини ўзаро таққослаш имконини бермайди. Лекин 7.4 ифодадан фойдаланиб хатоликлар баҳоланса, буни амалга ошириш мумкин. Турли ўлчаш воситаларининг аниқлик синфини белгиланиши ва хатоликларни ҳисоблаш ифодалари 7.1-жадвалда келтирилган. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи ёрдамида меъёрлаш талайгина камчиликларга эга. Бундай меъёрлашда келиб чиқиши турлича бўлган хатоликлар жамланиб, битта сон кўринишида баҳоланади ва бунда ўлчаш воситаларининг тасодифий хатоликлари қандай катталиқда ва мунтазам хатоликлари қанча миқдорда эканлигини аниқлаб бўлмайди. Агар ўлчаш воситаси бошқа ўлчаш воситалари билан биргаликда ишлатилаётган бўлса, умумий хатоликни аниқлаб бўлмайди.



**7.4-расм. Абсолют ва нисбий хатоликлар йўл қўйиладиган чегараларининг ўлчанаётган катталиқка боғлиқлиги.**

## 7.2. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини баҳолаш

Ўлчаш воситалари хатоликларини баҳолашга доир масалалар келтирамыз.

1. Вольтметрнинг аниқлик синфи 1,5. Юқори ўлчаш чегараси  $X_{\text{ч}} = 100\text{В}$ . Асбобнинг кўрсатиши  $X = 50\text{В}$ . Вольтметр шкаласи ва кўрсаткич ҳолати 7.5-расмда келтирилган. Абсолют, нисбий ва келтирилган хатоликлар аниқлансин.

Ечиш: 7.1-жадвалга мувофиқ аниқлик синфининг белгиланиши, 1,5 шуни билдирадики, вольтметрда келтирилган хатолик меъёрланган бўлиб,  $\gamma_{\text{кел}} = 1,5\%$  ва бунда  $X_{\text{Н}} -$  меъёрловчи катталиқ Вольтларда ифодаланган, яъни  $X_{\text{Н}} = X_{\text{ч}} = 100\text{В}$ . Жадвалнинг биринчи сатрида келтирилган ифодаларга мос ҳолда эга бўламыз:


$$\Delta U = \pm P \frac{X_{\text{Н}}}{100} = \pm 1,5 \frac{100}{100} = \pm 1,5\text{В}$$

$$\delta = \pm P \frac{X_{\text{Н}}}{X} = \pm 1,5 \frac{100}{50} = \pm 3\%$$


$$A_{\text{ц}} \geq |\gamma_{\text{кел}}|; \gamma_{\text{кел}} = 1,5\%$$

Масаланинг шартидан келиб чиққан ҳолда вольтметрнинг


абсолют	$\Delta Y = \pm 1,5\text{В}$
нисбий	$\delta = \pm 3\%$
келтирилган хатолиги	$\gamma_{\text{кел}} = 1,5\%$




7.5-расм. Келтирилган хатолиги меъёрланган вольтметр шкаласи



7.6-расм. Келтирилган хатолиги меъёрланган кўп чегарали вольтметр шкаласи



7.7-расм. Келтирилган хатолиги меъёрланган вольтметр шкаласи.



7.8-расм. Келтирилган хатолиги меъёрланган вольтметр шкаласи.

2. Вольтметрнинг аниқлик синфи 1,5. Юқори ўлчаш чегараси +100 В, қуйиси – 100 В. Асбоб кўрсатиши  $X = 50$  В. Шкала ва вольтметр кўрсатиши 7.6-расмда кўрсатилган. Абсолют, нисбий ва келтирилган хатоликлар аниқлансин.

Ечиш: Вольтметр шкаласида “0” ўртада жойлашган,  $X_N$  – меъёрловчи катталик қиймати ўлчаш чегаралари модулларининг йиғиндиси каби аниқланади, яъни:

$$X_N = 100 + 100 = 200 \text{ В.}$$

Аниқлик синфини ифодаловчи сон масалада айланага олинмаганлиги, келтирилган хатолик меъёрланганлигини билдиради,  $\gamma_{\text{кел}} = 1,5\%$ .

Абсолют хатоликни аниқлаймиз:

$$\Delta U = \pm \gamma \frac{X_N}{100} = \pm 1,5 \frac{200}{100} = \pm 3,0 \text{ В}$$

Нисбий хатолик, абсолют хатоликнинг асбоб кўрсатишига нисбати билан аниқланади:

$$\delta = \pm \frac{\Delta U}{X} 100 = \pm \frac{3,0}{50} 100 = \pm 6\%$$

3. Вольтметрнинг аниқлик синфи 1,5. Юқори ўлчаш чегараси +100В, қуйи чегараси +25 В. Вольтметрнинг кўрсатиши 50 В.

Абсолют, нисбий ва келтирилган хатоликлар аниқлансин.

Ечиш: Вольтметрда келтирилган хатолик меъёрланган.  $\gamma_{\text{кел}} = P = 1,5$  ва бунда  $X_N$  юқори ўлчаш чегарасига, яъни, 100 В га тенг. Келтирилган хатолик аниқлик синфига тенг:  $\gamma = 1,5\%$ .

Абсолют хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси:

$$\Delta U = \pm \gamma_{\text{кел}} \frac{X_N}{100} = \pm 1,5 \frac{100}{100} = \pm 1,5 \text{ В}$$

Вольтметрнинг кўрсатишига мос келувчи шкаланинг нуқтаси учун нисбий хатоликнинг йўл қўйиладиган чегараси, ифодадан аниқланади:

$$\delta = \pm \frac{\Delta}{X_{\text{чек}}} 100 = \pm \frac{1,5}{50} 100 = \pm 3\%$$

4. Асбобнинг аниқлик синфи 0,2/0,1. Вольтметрнинг кўрсатиши  $x = 99,9$ . Абсолют ва нисбий хатоликлар аниқлансин.

Ечиш: Хатоликларни меъёрлаш усули ҳамда шкаланинг чегаравий қиймати 99,9 В асбобнинг рақамли эканлигини гувоҳлантиради. Масалани ечиш учун 7.1-жадвалнинг учинчи сатридаги ифодалардан фойдаланамиз. Жадвалга мос ҳолда  $c = 0,2\%$ ,  $d = 0,1\%$ .

Нисбий хатоликни аниқлаймиз.

$$\delta = \pm \left[ c + d \left( \left| \frac{x_q}{x} \right| - 1 \right) \right] = \pm \left[ 0,2 + 0,1 \left( \left| \frac{99,9}{33,3} \right| - 1 \right) \right] = \pm 0,6\%$$

Абсолют хатоликни аниқлаш учун дастлаб коэффициентларни ҳисоблаймиз:

$$a = dX_q = 0,1 * 99,9 = 9,99;$$

$$b = c - d = 0,2 - 0,1 = 0,1$$

Ушбуга кўра 7.1-жадвалнинг учинчи қаторига кўра абсолют хатолик:

$$\Delta U = \frac{a + bx}{100} = \frac{9,99 + 0,1 * 33,3}{100} = 0,13 \text{ В}$$

5. Асбобнинг аниқлик синфи 1,5. Кўрсатиши  $X=(50)$  В. Абсолют ва нисбий хатолик аниқлансин (7.9-расм).

Ечиш: Аниқлик синфи доирачада кўрсатилганлиги бу асбобнинг нисбий хатолиги меъёрланганлигини билдиради. Шунга кўра  $\delta = q = 1,5$ .

7.1-жадвалнинг 2-қаторига мос ҳолда эга бўламиз:

$$\Delta U = \frac{\delta_x}{100} = \frac{1,5 * 50}{100} = \pm 0,75 \text{ В}$$

абсолют хатолик:

келтирилган хатолик:

$$\gamma_{\text{кел}} = \pm \frac{\Delta U}{X_q} 100 = \pm \frac{0,75}{50} 100 = \pm 0,75\%$$

Ташкилотнинг қисқача номланиши	Ташкилотнинг инглиз тилида номланиши	Ташкилотнинг ўзбек тилида номланиши
ISO	International Standarts Organization	Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот
IEC/CEI	International Electrotechnical Commission	Халқаро электротехник комиссия

CEN	European Committee for Standardization	Стандартлаштириш бўйича Европа комитети
CENELEC	European Committee for Electrotechnical Standardization	Электротехника ва электроника соҳасида стандартлаштириш бўйича Европа комитети
ETSI	European Telecommunications Standards Institute	Телекоммуникациялар соҳасида стандартлаштириш бўйича Европа институти
ITU	International Telecommunication Union	Халқаро электралоқа иттифоқи
OIWIL	International Organization of Legal Metrology	Қонунлаштирувчи метрология бўйича халқаро ташкилот
BIPM	Le Bureau International des Poids et Mesures	Тош ва тарозиларнинг халқаро бюроси
WELMEC	Organization of European national legal metrology services	Ғарбий Европа қонунлаштирувчи метрология ташкилоти
WMO	World Meteorological Organization	Умумжаҳон метеорология ташкилоти
EUROMET	European Collaboration on Measurement Standards	Эталонлар бўйича Европа ҳамкорлиги
EOQ	European Organization for Quality	Сифат бўйича Европа ташкилоти
UN/ECE	United Nations Economic Commission for Europe	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси
EA	European Accreditation of Certification	Аккредитлаш бўйича Европа ҳамкорлиги
ILAC	International Laboratory Accreditation Cooperation	Лабораторияларни аккредитлаш бўйича халқаро конференция
APLMF	Asia-Pacific Legal Metrology Forum	Қонунлаштирувчи метрология бўйича Осиё-Тинч Океани форуми
IFAN	International Federation of Standards Users	Стандартлардан фойдаланувчиларнинг халқаро федерацияси
COPANT	Pan American Standards Commission	Стандартлар бўйича Пан-Америка комиссияси
PASC	Pacific Area Standards Congress	Тинч Океани бассейни мамлакатларининг стандартлаштириш бўйича конгресси
ASEAN	Association of Southeast Asian Nations	Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ассоциацияси
APEC	Asia-Pacific Economic Cooperation	Тинч Океани иқтисодий ҳамкорлиги

WHO	World Health Organization	Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти
WTO	World Trade Organization	Умумжаҳон Савдо ташкилоти
EASC	EuroAsia Council on Standardization, Metrology and Certification	МДХнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлчаш воситаларининг хатоликларини аниқлик синфи асосида меъёрлаш ва баҳолаш усуллари.
2. Ўлчаш воситаларининг аддитив ва мультипликатив хатоликлари.
3. Ўлчаш воситаларининг аниқлик синфи.
4. Ўлчаш воситаларининг хатоликлари қандай баҳоланади?
5. Абсолют ва нисбий хатоликлар қийматининг ўлчанаётган катталикка боғлиқлиги.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. Сигов А.С., Белик Ю.Д., Верба В.С. и др. Метрология и электрорадио измерения в телекоммуникационных системах. М.Высшая школа. 2005.
3. Парпиев М.П., Туляганова Ш.А., Рахмонова Г.С., Каримова Г.Х. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” фанидан барча таълим йўналишлари талабалари учун масалалар тўплами. Тошкент, Aloqachi, 2008. – 58 б.

## 8-маъруза. Ўлчашлар ноаниқлигига доир тушунчалар

Режа.

1. “Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма” тафсилоти
2. Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш босқичларининг таҳлили
3. Ўлчашларнинг ноаниқлиги тўғрисида ҳисобот тузиш
4. Ноаниқликнинг манбалари ва турларининг тафсилоти

### 1. “Ўлчашлар ноаниқлигини ифодалаш бўйича қўлланма” тафсилоти

Ушбу қўлланма қуйида келтирилган халқаро ташкилотлар томонидан 1993 йилда тайёрланган:

- ВІРМ (Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро бюроси)
- ІЕС (Халқаро электротехник комиссия)
- ІFCC (Клиник химиянинг халқаро федерацияси)
- ІSO (Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот)
- ІUPAC (Тоза ва амалий химиянинг халқаро иттифоқи)
- OIML (Қонуний метрологиянинг халқаро ташкилоти)

Ўлчаш натижаларининг хатоликларини тақдим этиш ва баҳолаш бўйича халқаро бирликдаги ёндашув масаласи долзарб масала ҳисобланади. Ушбу долзарбликни ҳисобга олиб, Тарози ва ўлчовларнинг халқаро комитети (МКМВ) 1978 йилда ушбу муаммони Тарози ва тошларнинг халқаро бюросига (МВМВ) Миллий метрологик лабораториялари билан бирга-ликда қараб чиқиш учун топширди.

Ўлчов ва тарозилар халқаро бюросининг ишчи гуруҳи ўлчашларнинг ноаниқликлари бўйича бажарилган ишлар ҳисоботи асосида ІNC-1 (1980) “Экспериментал ноаниқликларни ифодалаш” номли тавсияни тайёрлади. Ушбу тавсия Ўлчов ва тарозиларнинг халқаро комитети томонидан маъқулланди ва тасдиқланди. ІNC-1 (1980) тавсияларига асосланган “Қўлланма” ўлчашларнинг ноаниқлигини ифодалаш ва баҳолаш қоидаларини ўз ичига олган бўлиб, метрология, стандартлаштириш, калибрлаш ва лабораторияларни аккредитлаш хизматларида фойдаланиш учун мўлжалланган. Ушбу қўлланманинг тамойиллари ўлчашларнинг кенг спектрида фойдаланиш учун мўлжалланган. Маълумки, амалда норматив ҳужжатларда “ўлчашлар ноаниқлиги” тушунчасидан фойдаланилмайди. Уларда “хатолик” ва “хатолик характеристикаси” тушун-

чалари мавжуд. Шундай қилиб, “Қўлланма” ва мавжуд норматив ҳужжатлар тизими орасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, мумкин қадар “хатолик” ва “хатолик тавсифи”, “ўлчанадиган катталиқнинг асл (чинакам) қиймати” тушунчаларини фойдаланиш ўрнига қараб уларнинг ўрнига “ноаниқлик” ва “ўлчанадиган катталиқнинг баҳоланган қиймати”, ҳамда хатоликларни намоён бўлиш характерига кўра “тасодифий” ва “мунтазам” деб таснифлашдан “ўлчашларнинг ноаниқликларини баҳолаш усулига кўра” (А тури – математик статистика усуллари билан ва В тури бўйича – бошқа усуллар билан) деб таснифлашга ўтиш маъқулроқлиги кўрсатилган.

Қуйидагилар қўлланманинг мақсади бўлиб ҳисобланади:

- ўлчашларнинг ноаниқликлари тўғрисидаги ҳисоботни қандай тузиш тўғрисидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш;
- ўлчаш натижаларини халқаро миқёсда солиштириш асосларини тақдим этиш;
- ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш ва баҳолаш учун барча ўлчаш турларига ва ўлчашларда фойдаланиладиган барча маълумот турларига универсал усул тақдим этиш;

2003 йилда давлатлараро стандартлаштириш бўйича Тавсиялар РМГ 43-2001 “Ўлчашларнинг ноаниқликларини ифодалаш бўйича қўлланма”нинг қўлланилиши амалга киритилди. Ушбу тавсиялар ўлчаш натижаларини баҳолаш усулларига тааллуқли бўлиб, “Қўлланма”дан фойдаланиш бўйича амалий тавсияларга эга бўлиб, ўлчаш натижаларини хатоликлар ва ўлчашлар ноаниқликларидан фойдаланиб ўлчаш натижаларини тақдимот қилиш шакллариининг мувофиқлигини кўрсатади. Қўлланма, ўлчашларнинг аниқлик характеристикаларини ўлчаш хатоликларининг кўрсаткичларида эмас, балки ўлчашлар ноаниқликларининг кўрсаткичларида ифодалашни тавсия қилади. Ўлчанадиган катталиқнинг “асл қиймати” тушунчаси ўрнига “баҳоланган қиймат” тушунчаси киритилган.

Ўлчашларнинг ноаниқликлари концепциясининг пайдо бўлишининг сабаблари жуда кўп бўлиб, улар қуйидагиларга асосланган:

- ўлчашларнинг янги (ноанъанавий) соҳаларининг (психология, социология, медицина ва б.) пайдо бўлиши ва уларда метрологиянинг анъанавий (катталиқ, ўлчов бирлиги, ўлчов, эталон, ўлчаш хатолиги) постулатлари ишламаслиги.
- янги илмий йўналишларнинг таъсири (кибернетика, ахборот назарияси, математик статистика ва б.). Уларда ноаниқлик тушунчаси салмоқли роль ўйнайди. Бу худди рисоладагидек ноаниқликни кенг талқин қилиниши билан боғлиқ бўлиб, масалан, ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталиқнинг қийматини ифодалашига шубҳаланишни билдиради.
- ўлчанадиган катталиқнинг асл (чинакам) қиймати бўйича хатолик тушунчаси маъносини йўқотади, чунки, хатоликни ҳисоблаб бўлмайди.
- систематик ва тасодифий хатоликларни алоҳида баҳолаш ва улар учун турли характеристикалардан фойдаланиш (ишонч чегаралари ва ўрта квадратик четланиш) хатоликларнинг юқори баҳоланишига сабаб бўлади.
- ўлчаш натижаларининг характеристикалари учун умум қабул қилинган ва қўлланилишида содда бўлган универсал услубиётнинг зарурлиги.

Қўлланмада “ўлчаш хатолиги” тушунчаси ўрнига “ўлчаш ноаниқлиги” тушунчаси киритилган. Бунда ўлчаш ноаниқлиги икки хил маънода талқин қилинади:

- кенг маънода, ўлчаш натижасининг ишончилигига нисбатан шубҳаланиш сифатида. Масалан, ўлчаш натижаларига барча тузатишлар киритилгандан кейин катталиқнинг ўлчанган қийматининг аниқлигига нисбатан бўлган шубҳа.
- тор маънода, ўлчашлар ноаниқлиги шундай параметр сифатида тушуниладики, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ бўлиб, қийматларнинг сочилишини характерлаб, уларнинг ўлчанган катталиқка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши тушунилади.

Ушбу концепцияда ўлчашлар ноаниқлиги айнан тор маънода тушунилади.

Ўлчаш ноаниқлиги – параметр бўлиб, бу параметр ўлчаш натижаси билан боғлиқ ҳолда қийматларнинг дисперсиясини (сочилиши) характерлайди, улар ўлчанадиган катталиқка асосли равишда қўшиб ёзиб қўйилиши мумкин. Шуни аниқ тасаввур қилиш керакки, ўлчашларнинг ноаниқлиги бу ноанъанавий тушунчадаги ишонч интервали эмас (берилган ишончи эҳтимоллигида). Эҳтимоллик бу ерда ишонч ўлчовини характерлайди, ҳодисалар частотасини эмас. Ўлчашларнинг ноаниқлиги одатда кўп ташкил этувчиларга эга бўлади. Уларнинг айримлари ўл-

чашлар қаторлари натижаларининг статистика тақсимотидан баҳоланиши мумкин ва экспериментал стандарт четланишлар (оғишлар) билан баҳоланиши мумкин (СКО – ўрта квадратик четланиш). Бошқа ташкил этувчилар эҳтимолликларнинг тахмин қилинган тақсимотлари билан тажриба ёки бошқа маълумотлар асосида баҳоланади. Улар, ундан ташқари стандарт четланишлар билан характерланиши мумкин.

Ўлчаш натижаларининг ноаниқлиги ўлчанадиган катталиқ қийматини аниқ билмасликни ифодалайди. У ҳатто маълум систематик хатоликларга тузатишлар киритилгандан кейин ҳам ўлчанадиган катталиқнинг ноаниқликлари оқибатидаги фақат “баҳо” эканлигини ва бу ноаниқликларнинг тасодифий эффектлар ва систематик хатоликларга бўлган натижанинг нотўғри тузатилиши натижасида келиб чиқади.

Ноаниқликнинг икки хилда баҳоланиши киритилган:

- А турдаги баҳолаш – бу ноаниқликни кузатувлар қаторларини статистик таҳлил йўли билан баҳолаш усулидир;
- В турдаги баҳолаш – кузатувлар қаторини статистик таҳлилдан бошқа усулларда баҳолаш усулидир.

А ва В турларга таснифлашнинг мақсади ноаниқликларнинг ташкил этувчиларини баҳоланишнинг иккита турли усулда баҳоланиши кўрсатишдир.

А турдаги стандарт ноаниқлик – эҳтимолликнинг зичлик функциясидан олинади.

В турдаги стандарт ноаниқлик – ҳодисанинг рўй беришига бўлган ишончга асосланган эҳтимолиятлар зичлигининг тахмин қилинган функциясидан олинади. Бу эҳтимоллик кўпинча субъектив эҳтимоллик деб номланади. Кўпчилик ҳолларда,  $Y$  ўлчанадиган катталиқ бевосита ўлчанмайди, балки  $m$  – бошқа ўлчанадиган  $X_1, X_2, \dots, X_m$  кириш катталиқлари деб номланган катталиқларга функционал боғлиқлик орқали боғлиқдир.

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_m) \quad (1)$$

$Y$  – чиқиш катталиги боғлиқ бўлган  $X$  кириш катталиқларнинг ўзлари ўлчанадиган катталиқ сифатида қаралади.

Ўз навбатида улар бошқа катталиқларга тузатма ва системанинг эффектларга бўлган тузатиш коэффициентлари. Бу эса  $f$  мураккаб функционал боғланишига олиб келади ва уларни аниқ ёзиб бўлмайди. Ундан ташқари,  $f$  ни экспериментал аниқлаш мумкин ёки у алгоритм сифатида мавжуд бўлиши ва сонли амалга оширилиши мумкин.

Ўлчанаётган  $Y$  кириш катталигининг баҳосини,  $y$  сифатида баҳоланган, юқорида келтирилган тенгламадан  $x_1, x_2, \dots, x_m$  кириш баҳоларидан  $X_1, X_2, \dots, X_m$  катталиқларнинг қийматлари учун олинади. Чиқиш баҳоси  $y$  ўлчаш натижаси ҳисобланиб, қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_m) \quad (2)$$

А турдаги стандарт ноаниқлик  $u_A$  кўпқаррали ўлчашларнинг натижалари бўйича баҳоланади, бунда уни ҳисоблаш учун дастлабки берилганлар бўлиб уларнинг натижалари  $X_{i1}, \dots, X_{in_i}$ , бу ерда  $i=1, \dots, m, n_i$  –  $i$ -инчи кириш катталигининг ўлчашлар сони. Кириш катталигининг  $i$ -инчи ягона ўлчанишининг стандарт ноаниқлиги  $u_{A,i}$  – қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$u_{A,i} = \sqrt{\frac{1}{n_i - 1} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2}, \quad (3)$$

бу ерда  $\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{q=1}^{n_i} x_{iq}$  –  $i$ -инчи кириш катталигининг ўрта арифметиги.

$i$ -инчи кириш катталигини ўлчашнинг стандарт ноаниқлиги қуйидаги ифодадан аниқланади ва бунда натижа ўрта арифметик сифатида аниқланади.

$$u_A(x_i) = \sqrt{\frac{1}{n(n-1)} \sum_{q=1}^{n_i} (x_{iq} - \bar{x}_i)^2}. \quad (4)$$

В турдаги стандарт ноаниқлик  $x$  катталиқни баҳолаш учун фойдаланилади, у такрорий кузатишлар натижасида олинмаган. У билан боғлиқ бўлган баҳоланган стандарт ноаниқлик  $u_B(x_i)$  –  $x$  нинг кутилиши мумкин бўлган ўзгарувчанлигига асосланган барча қулай ахборотларга



асосланган илмий мулоҳазалар базасида аниқланади. Бундай ахборотлар фонди ўз ичига қуйидагиларни олади:

- дастлабки ўлчашларга доир берилганлар;
- тажрибалар натижасида олинган маълумотлар ёки мос келувчи материал ва асбобларнинг хулқи ва хоссаларига оид маълумотлар;
- тайёрловчининг спецификаси;
- қиёслаш, калибрлаш, асбоб тўғрисида тайёрловчининг маълумотлари, сертификатлар ва шунга ўхшашлар тўғрисида маълумотлар;
- ноаниқликлар.

Масалан, агар калибрлаш тўғрисидаги гувоҳномада масса эталонининг ноаниқлиги 240 мкг га уч стандарт четланишда тенг бўлса, унда масса эталонининг стандарт ноаниқлиги  $240 \text{ мкг} / 3 = 80 \text{ мкг}$  бўлади.

В турдаги ноаниқлик учун субъектив эҳтимоллик назариясининг аппарати қўлланилади: эҳтимоллик ишонч ўлчовини характерлайди, ходисалар частотасини эмас. В турдаги ноаниқликни аниқлашда фойдаланиладиган берилганларнинг ноаниқлиги тўғрисида априор маълумотдан кенг фойдаланилади.

В турдаги ноаниқлик берилган бўлиши мумкин, масалан, худди айрим қаррали стандарт четланишлар каби, 90, 95 ёки 99 фоиз ишонч даражасига эга бўлган интервал каби. Агар бошқа ҳеч нарса кўрсатилмаган бўлса, унда ноаниқликни ҳисоблаш учун нормал тақсимотдан фойдаланилган деб тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун стандарт ноаниқликни келтирилган қийматни нормал тақсимот коэффициентига бўлиб аниқлаш мумкин.

Кўпинча,  $X$  таъсир этувчи омил билан боғлиқ бўлган стандарт ноаниқликни баҳолашга тўғри келиб, унинг қиймати берилган  $x-\Delta$  дан  $x+\Delta$  гача чегараларда жойлашган бўлади.  $X$  катталик тўғрисида мавжуд маълумотлар бўйича  $X$  нинг берилган чегаралар ичида бўлиши мумкин бўлган қийматлари учун эҳтимолликнинг айрим априор тақсимотини қабул қилиш керак. Шундан кейин стандарт ноаниқлик  $\Delta$  ни  $k$  коэффициентга бўлиб топилади, ушбу коэффициент қабул қилинган тақсимот функциясига боғлиқ бўлиб:

$$u(x) = \Delta/k \quad (5)$$

Бунда нисбатан типик ҳодиса бўлиб ҳисобланади:

- фақат чегаралар маълум бўлиб, уларда  $X$ , яъни  $2\Delta$  қиймат бўлиши мумкин
- $x_{\text{мол}}$  – қиймати ва чегаралари маълум, одатда симметрик, йўл қўйиладиган қийматлар  $\pm\Delta$ ;
- интервал  $(x_{\text{мол}}-\Delta, p)$  маълум бўлиб,  $p$  эҳтимолликнинг берилган қисмини эгаллайди.

Биринчи ҳолда, текис тақсимот тақсимот таҳлил қилинганда  $k$  коэффициентнинг қиймати симметрик чегаралар учун  $\sqrt{3}$  деб қабул қилиниши мумкин.

Иккинчи ҳолда,  $x_{\text{мол}}$  қиймати маълум бўлган ҳол учун,  $X$  нинг  $x_{\text{мол}}$  яқинида бўлиш эҳтимоллиги  $x_{\text{мол}}\pm\Delta$  чегараси яқинида бўлишдан кўпроқ бўлади. Яъни, эҳтимолликнинг учбурчакли тақсимотини текис (тўғри бурчакли) ва нормал тақсимот орасидаги ўрта деб қабул қилиш мумкин.  $k$  коэффициентнинг қиймати ушбу ҳолда  $\sqrt{6}$  га тенг бўлади.

Учинчи ҳолда, эҳтимолликнинг тақсимоти нормал деб олинади ва  $k$  коэффициентнинг қиймати берилган эҳтимолликка боғлиқ бўлади. Масалан,  $p=0,99$  учун  $k=2,58$ .

Ноаниқликни В тури бўйича баҳолаш анъанавий статистик ёндашув рамкасида ташқарига чиқиш ва зарурий статистик ахборотларни олиш қийинлашган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда ноаниқликларнинг ташкил этувчиларининг қийматини топиш имконини беради.

Жамланган стандарт ноаниқлик тури мавжуд бўлиб, бу ўлчаш натижасининг стандарт ноаниқлигидир. Бунда натижа бошқа катталиклар қаторининг қийматларидан олинади. Баҳоланган стандарт четланиш, чиқиш баҳоси ёки ўлчаш натижаси  $y$  билан боғлиқ бўлса, жамланган стандарт ноаниқлик дейилади ва  $u_c(y)$  кўринишда белгиланади. Корреляцияланмаган кириш баҳоланиш учун жамланган стандарт ноаниқлик қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$u_c(y) = \sqrt{\sum_{i=1}^m \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 u^2(x_i)} \quad (6)$$

Ушбу ифодадан  $u$  ноаниқлик А-тури бўйича ҳам В-тури бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Жамланган стандарт ноаниқлик баҳоланган стандарт четланишни ифодалайди ва қийматлар-

нинг сочилишини характерлайди, улар ўлчанаётган  $Y$  катталikka етарлича асос билан кўшиб ёзиб қўйилиши мумкин. Жамланган ноаниқликнинг ўлчаш натижаларининг ноаниқлигини ифодалаш учун фойдаланилиши мумкин бўлиши билан бир қаторда, айрим ҳолларда, масалан савдода ёки соғлиқ ва хавфсизликка доир ўлчашларда ноаниқликка чегара (ўлчов) бериш керак. Бу ўлчов чегарасида ўлчанаётган катталикнинг тақсимланадиган қийматларининг катта қисми жойлашган бўлади. Бунинг учун кенгайтирилган ноаниқлик тушунчасидан фойдаланилади.

Кенгайтирилган ноаниқликдан савдодаги, саноатдаги, тартибга солувчи актларда, соғлиқни ва хавфсизликни сақлашдаги ўлчаш натижаларининг ноаниқлигини ифодалаш учун ноаниқликнинг қўшимча ўлчови сифатида фойдаланилади.

Кенгайтирилган ноаниқлик  $U$  жамланган стандарт ноаниқликни  $u_c(y)$  қамров коэффициентига  $k$  кўпайтириш орқали олинади:

$$U = k u_c(y) \quad (7)$$

Унда ўлчаш натижаси  $Y = y \pm U$  ифодаланади. Бу,  $Y$  катталikka кўшиб ёзиладиган қийматнинг афзалроқ баҳоси бўлиб  $y$  ҳисобланишини билдиради.  $y - Y$  дан  $y + Y$  гача бўлган интервал кутилганидек, қийматлар тақсимотининг кўп қисмига эга бўлиб, уларни ҳеч иккиланмасдан  $Y$ га кўшиб ёзиб қўйиш мумкин.

Ишонч оралиғи (интервал) ва ишонч даражаси (эҳтимоллик) тушунчалари статистикада интервалга қуйидаги шартда қўлланилади: агар, ноаниқликнинг барча ташкил этувчилари  $A$  турдаги баҳоланишдан олинган бўлса, яъни, кузатишларнинг натижаларига статистик ишлов берилган бўлса.

Ушбу концепцияда “интервал” сўзини модификациялаш учун “ишонч” сўзи,  $U$  орқали аниқланадиган интервалга ҳавола қилинганда ишлатилмайди. “Ишончли даража” атамаси ҳам ишлатилмайди, унинг ўрнига “ишонч даражаси” атамасини ишлатиш афзалроқ ҳисобланади.  $U$  интервал, ўлчаш натижалари доирасида, берилган деб қаралади ва эҳтимоллик  $p$  тақсимотининг кўпроқ қисмига эга бўлиб, натижа билан ҳамда унинг тўлиқ стандарт ноаниқлиги билан характерланади. Шундай қилиб,  $p$  берилган интервал учун “эҳтимоллик қамрови” ёки “ишонч даражаси” бўлиб ҳисобланади.

Имкони бўлганда  $U$  интервал билан боғлиқ бўлган  $p$  ишонч даражаси кўрсатилиши ва баҳоланиш лозим,  $u_c(y)$  ни ўзгармас катталikka кўпайтириш ҳеч қандай натижа бермаса ҳам, мавжуд бўлган маълумотни янги кўринишда ифодалайди. Шуни тан олиш керакки,  $p$  ишонч даражаси  $y$  ва  $u_c(y)$  ларнинг эҳтимоллик чегарасининг чегараланганлиги ҳолда,  $u_c(y)$ ни ўзининг ноаниқлиги туфайли, ноаниқ бўлиб қолади. Қамров коэффициентининг  $k$  қиймати  $y - Y$  дан  $y + Y$  гача интервал талаб қиладиган ишонч даражаси билан аниқланади, одатда, 2дан 3гача бўлган қийматларга эга бўлади. Ушбу коэффициент бу диапазон чегарасидан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Амплитуда  $k$  коэффициент билан берилган ишонч даражаси билан боғлиқлигини амалга ошириш жуда қийин. Лекин, эҳтимолликларнинг тақсимоти нормал тақсимотга яқин бўлса, унда  $k=2$  деб қабул қилиниши 95% га тенг бўлган ишонч даражали интервални беради,  $k=3$  бўлганда ишонч даражаси 99% бўлган интервални беради деб тахмин қилиш мумкин. Тақсимотни текис деб олинганда қамров коэффициенти 1,65 ва 1,71 қийматларга эга бўлади.

Ўлчаш натижалари ва уларнинг ноаниқликларининг келтирилиши, “кам маълумот бергандан кўра кўпроқ маълумот бериш афзалроқ” тамойилидан келиб чиқади.

Масалан, қуйидагилар келтирилиши зарур:

- ўлчаш натижалари ва унинг ноаниқликларини экспериментал кузатувлар ва кириш маълумотларини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган усуллар тафсилотини ёзиш;
- ноаниқликнинг барча ташкил этувчиларини санаб ўтиш ва уларнинг қандай баҳоланганлигини кўрсатиш;
- берилганлар таҳлилини шундай тарзда келтириш керакки, тақдим қилинган ҳисоблашларни осон такрорлаш мумкин бўлиши;
- таҳлилда фойдаланилган барча тузатишлар ва константалар ва уларнинг манбаларини берилиши;

Ноаниқликни ифодалаш ва баҳолаш муолажаси бўйича қуйидаги тавсияни келтириш мумкин:

1.  $Y$  ўлчанадиган ва  $X_i$  кириш катталиклари орасидаги математик боғлиқликни ифодалаш. Функция  $f$  ҳар бир катталикни ўз ичига олиши, хусусан тузатма, тузатиш коэффициентлари-

ни, чунки улар ўлчаш натижаларининг ноаниқлигига аҳамиятли бўлган ташкил этувчиларни бериш мумкин.

2. Қатор кузатишларнинг статистик таҳлили ёки бошқа усуллар асосида  $X_i$  кириш катталигининг  $x_i$  баҳоланган қийматини аниқлаш.
3. А ёки В тур бўйича ҳар бир кириш баҳосининг стандарт ноаниқлигини баҳолаш.
4. Ўлчаш натижасини ҳисоблаш, яъни  $Y$  ўлчанадиган катталикнинг  $y$  баҳосини  $f$  функционал боғланишдан,  $x_i$  кириш катталикларининг олинган баҳоларидан фойдаланиб ҳисоблаш.
5. Кириш катталиклари билан боғлиқ бўлган стандарт ноаниқликлардан ўлчаш натижаларининг тўлиқ стандарт ноаниқлигини аниқлаш.
6. Зарурий ҳолларда, кенгайтирилган ноаниқликни, тўлиқ стандарт ноаниқликни  $u_c(y)$  қамров коэффициентига кўпайтириб олиш зарур. Одатда, қамров коэффициенти, 2дан 3гача диапазонда бўлади. Масалан: интервал яратадиган,  $p$  ишонч даражаси нормал тақсимот йўл қўйганда қуйидаги қийматларга эга бўлади (8.1-жадвал).

**8.1-жадвал. Турли ишонч даражалари учун қамров коэффициентининг қийматлари**

$p, \%$ - ишонч даражаси	$k$ – қамров коэффициенти
68,27	1
90	1,645
95	1,960
95,45	2
99	2,576
99,73	3

## 2. Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш босқичларининг таҳлили

Телекоммуникациялардаги ўлчашларнинг ноаниқликларини баҳолаш саккизта босқични ўз ичига олади:

- 1-босқич. Ўлчанадиган катталикни тавсифлаш ва унинг (математик) моделини тузиш
- 2-босқич. Кириш катталикларининг баҳоланган қийматларини аниқлаш
- 3-босқич. Стандарт ноаниқликни баҳолаш
- 4-босқич. Корреляцияларнинг таҳлили
- 5-босқич. Чиқиш катталигини баҳолашнинг ҳисоби
- 6-босқич. Тўлиқ стандарт ноаниқлигини баҳолаш
- 7-босқич. Кенгайган ноаниқликни баҳолаш
- 8-босқич. Ноаниқлик тўғрисида ҳисобот тузиш

ISO/IEC 17025 стандартининг талабларига мувофиқ равишда аккредитланган лабораторияларда калибрлаш ва синаш каби метрологик тадбирларда ноаниқлик баҳоланмоқда. Ўзстандарт агентлиги томонидан “O’z Dst ISO/IEC 17025:2007 Синаш ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлигига умумий талаблар” Ўзбекистон давлат стандарти амалга киритилди. Ушбуга кўра 2007 йилдан бошлаб республикада ўлчаш натижаларининг аниқлик характеристикаларини баҳолаш бўйича ишлар интенсив равишда олиб борилмоқда. “Ўлчашлар ва синашларнинг ноаниқлигини баҳолаш процедураси” деб номланган ҳужжатнинг мавжудлиги калибрлаш ва синаш лабораторияларини кредитлашда асосий талаблардан бўлиб қолди. Қуйида

келтириладиган ноаниқликни баҳолаш процедураси O'z Dst ISO/IEC 17025 асосида ишлаб чиқилган бўлиб, “Ноаниқликни ифодалаш бўйича қўлланма”га мос келади.

Қуйида ноаниқликларни ифодалаш ва баҳолаш босқичларининг тафсилотини келтирамиз. 1-босқич. Ўлчанаётган катталиқни тавсифлаш ва ўлчашнинг математик моделини тузиш:

Агар, ўлчанадиган  $Y$  катталиқ бевосита ўлчанадиган катталиқ бўлса, бу босқични бажариш шарт эмас.

Агар ўлчанаётган катталиқ  $Y$  бевосита ўлчанмасдан бошқа  $n$ -та ўлчанадиган (кириш) катталиқларига  $X_1, X_2, \dots, X_n$  функционал боғланиш  $f$  орқали боғлиқ бўлса, у ҳолда боғлиқликни ифодалаш керак, яъни ўлчашнинг математик модели

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_n) \quad (8)$$

Функциянинг кўриниши одатда, ўлчашлар ёки синашларни бажариш услубиётига доир меъёрий ҳужжатда кўрсатилади (ЎБУ). Функция  $f$  ҳар бир катталиқни ўз ичига олиши керак, шу жумладан, барча тузатмалар ва тузатиш коэффицентларини, чунки улар ўлчаш натижасининг ноаниқлигига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Қатор кузатишларда  $k$  ишчи кузатилаётган катталиқ  $X_{ik}$  сифатида белгиланади, шунинг учун агар, резистор қаршилиги  $R$  билан белгиланса, унда қаршилиқнинг  $k$ -инчи кузатилаётган қаршилиги  $R_k$  деб белгиланади.

2-босқич. Кириш катталиқларининг баҳоланган қийматларини аниқлаш.

Кириш катталиги  $X_i$  нинг баҳоланган қиймати  $x_i$  аниқланади, бу қиймат кузатишлар қаторини статистик асосда таҳлил қилиш асосида ёки бошқа воситалар билан аниқланади.

$X_1, X_2, \dots, X_N$  – бўлган кириш катталиқлар танловини қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:  
— катталиқлар уларнинг қийматлари ва ноаниқликлари бевосита жорий ўлчашдан аниқланади. Ушбу қийматлар ва ноаниқликларга биргина кузатиш натижасида, такрорий кузатишлар натижасида ёки тажрибага асосланган хулоса натижасида эришиш мумкин. Асбоб кўрсатишларига тузатмаларни ҳамда атроф-муҳит ҳарорати, атмосфера босими ва намлик каби таъсир этувчи омилларга бўлган тузатмаларни аниқлаш талаб қилиниши мумкин.

— катталиқларга, уларнинг қийматлари ва ноаниқликлари ўлчашларга ташқи манбалардан киритилади, улар шаходатланган эталонлардан, модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналаридан ёки стандарт берилган маълумотларга боғлиқ бўлган катталиқлардан киритилади.

3-босқич. Ҳар бир  $x_i$  кириш баҳосининг стандарт ноаниқлиги  $u(x_i)$ ни баҳолаш.

Агар, катталиқ ҳақидаги ахборот статистик бўлса, яъни кўпқаррали ўлчашлар ёки синашлар йўли билан экспериментал олинган бўлса, у ҳолда  $X_i$  кириш катталиқларининг  $u(x)$  стандарт ноаниқлиги  $A$  тури бўйича баҳоланиб қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$u_A(x_i) = u_A(\bar{x}_i) = \sqrt{\frac{1}{n(n-1)} \cdot \sum_{k=1}^n (x_{i,k} - \bar{x}_i)^2} \quad (9)$$

бу ерда:  $n$  – кузатишлар сони;

$x_{ik} - X_i$  катталиқнинг  $k$ -инчи ўлчанган қиймати;

$\bar{x}_i - X_i$  катталиқнинг баҳоси (ўрта арифметик қиймати) бўлиб, қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\bar{x}_i = \frac{1}{n} \cdot \sum_{k=1}^n x_{i,k} \quad (10)$$

Агар, катталиқ ҳақидаги ахборот ностатистик бўлса, яъни берилган ўлчаш давомида баҳоланмаган бўлиб, боғлиқ бўлмаган баҳолаш натижасида қаердандир олинган бўлса ҳамда катталиқнинг битта қиймати маълум бўлса,  $X_i$  кириш катталиқларининг стандарт ноаниқликлари  $B$  тури бўйича баҳоланади.

4-босқич. Корреляцияларнинг таҳлили.

Агар  $X_i$  кириш катталиқларининг қайсинисидир маълум даражада корреляцияланган бўлса, у ҳолда корреляцияни ҳисобга олиш керак. Иккита кириш катталиги орасида аҳамиятга молик бўлган корреляция мавжуд бўлиши мумкин. Агар уларнинг аниқланишида биргина ўша ўлчаш асбобидан фойдаланилса, ўлчаш эталони ёки маълумотлар сезиларли стандарт ноаниқликка эга бўлса.

Агар иккита  $X_i$  ва  $X_j$  кириш катталиклари маълум даражада корреляцияланган бўлса, у ҳолда тўлиқ стандарт ноаниқликни баҳолашда кириш катталиклари ноаниқликларининг ҳиссалари орасида уларнинг корреляцияланиш даражаси ҳисобга олиниши керак.

$x_i$  ва  $x_j$  орасидаги корреляция даражаси корреляциянинг баҳоланган коэффиценти билан характерланади ва қуйидаги ифода билан баҳоланади:

$$r(x_i, x_j) = u(x_i, x_j) / u(x_i) u(x_j), \quad (11)$$

бу ерда  $x_i$  ва  $x_j - X_i$  ва  $X_j$  катталикларнинг баҳолари бўлиб ҳисобланади.

$u(x_i, x_j) = u(x_j, x_i)$ ,  $x_i$  ва  $x_j$  билан боғланган баҳоланган ковариация бўлиб ҳисобланади.

$$r(x_i, x_j) = r(x_j, x_i).$$

Агар  $x_i$  ва  $x_j$  баҳоланишлар боғлиқ бўлмаса, унда  $r(x_i, x_j) = 0$ , ҳамда улардан бирининг ўзгариши иккинчисининг кутиладиган ўзгаришини билдирмайди.

Иккита  $X_i$  ва  $X_j$  катталикларнинг  $n$ -жуфт боғлиқ бўлмаган такрор ўлчанган ҳамда уларнинг ўрта арифметик қийматларининг  $\bar{x}_i$  ва  $\bar{x}_j$  ковариацияси қуйидаги ифода бўйича баҳоланади.

$$u(\bar{x}_i, \bar{x}_j) = \frac{1}{n(n-1)} \cdot \sum_{k=1}^n (x_{ik} - \bar{x}_i)(x_{jk} - \bar{x}_j) \quad (12)$$

5-босқич. Чиқиш катталигини баҳолашнинг ҳисоби.

Ўлчаш натижасини баҳолаш, яъни  $Y$  ўлчанадиган катталиқни функционал боғланишидан у баҳолаш.  $u$  билан белгиланган  $Y$  ўлчанадиган катталиқни баҳолашга иккита усул билан эришиш мумкин.

Биринчи усул.  $Y$  чиқиш катталигининг  $u$  баҳоси ўлчаш натижаси бўлиб ҳисобланади, (8) тенгламадан олинади,  $X_i$  кириш катталиклари уларнинг  $x_i$  баҳолари билан алмаштирилади ( $\bar{x}$  ўрта арифметик қийматлари билан).

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_n) \text{ ёки } \bar{y} = f(\bar{x}_1, \bar{x}_2, \dots, \bar{x}_n) \quad (13)$$

Иккинчи усул. Чиқиш катталиги бўлган  $Y$ нинг баҳоси (8) тенгламадан олинади, бунда  $X_i$  кириш катталиклари ўзларининг қийматлари билан алмаштирилади, бу қийматлар уларни ўлчаш натижасида олинган.

Кириш катталикларининг кўпкаррали кузатув қаторлари бўлган ҳолда,  $Y$  чиқиш катталигининг  $u_k$  бўлган алоҳида қийматларини кириш маълумотлари бўйича ҳисоблаш мумкин. Кейин, чиқиш катталигининг баҳосига эришиши учун бу қийматларнинг ўрта арифметиги олинади, яъни

$$\bar{y} = \frac{1}{n} \cdot \sum_{i=1}^n y_i. \quad (14)$$

6-босқич. Жамланган стандарт ноаниқликни аниқлаш.

Ўлчаш натижаси  $u$  нинг кириш баҳоланиши билан боғлиқ бўлган стандарт ноаниқликлар ва ковариациялардан жамланган стандарт ноаниқлигини  $u_c(y)$  аниқлаш. Агар, ўлчашлар бир вақтда биттадан кўпроқ катталиқни аниқласа, уларнинг ковариацияси ҳисобланади.

Жамланган стандарт ноаниқлик иккита усул билан аниқланади. Биринчи усулда жамланган стандарт ноаниқлик қуйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$u_c(y) = \sqrt{\sum_{i=1}^n \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 u^2(x_i)} \quad (15)$$

агар кириш катталиклари корреляцияланган бўлмаса. Акс ҳолда, яъни корреляцияланган кириш катталиклари қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$u_c(y) = \sqrt{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n \frac{\partial f}{\partial x_i} \frac{\partial f}{\partial x_j} u(x_i, x_j)} = \sqrt{\sum_{i=1}^n \left( \frac{\partial f}{\partial x_i} \right)^2 u^2(x_i) + \sum_{i=1}^{n-1} \sum_{j=i+1}^n \frac{\partial f}{\partial x_i} \frac{\partial f}{\partial x_j} u(x_i, x_j)}, \quad (16)$$

бу ерда:  $\partial f/\partial x_i = c_i$  – сезгирлик коэффициентлари;  
 $n(x_i, x_j)$  – кириш катталикларининг ковариацияси.

Чиқиш катталиги  $Y$ нинг баҳоси  $y$  биринчи усул асосида олинади, яъни 13-ифодадан.

Иккинчи усул.  $Y$  чиқиш катталигининг баҳоси  $y$  иккинчи усул билан 14-ифодадан фойдаланиб олинса, унда, унинг жамланган стандарт ноаниқлиги  $A$  турдаги стандарт ноаниқликнинг ифодасига ўхшаш ифодадан ҳисобланади, яъни:

$$u(\bar{y}) = s(\bar{y}) = \sqrt{\frac{1}{n(n-1)} \cdot \sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}, \quad (17)$$

Ушбу ифода корреляциялаш ва корреляциясиз кириш катталикларининг жамланган стандарт ноаниқлигини баҳолаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

7-босқич. Кенгайтирилган ноаниқлик.

Ноаниқликнинг қўшимча ўлчови бўлиб  $U$  билан белгиланадиган кенгайтирилган ноаниқлик ҳисобланади. Кенгайтирилган ноаниқлик  $U$  – чиқиш катталигининг стандарт ноаниқлигини  $u(y)$  камров коэффициентига кўпайтириш йўли билан олинади.

$$U = k \cdot u_c(y) \quad (18)$$

Амалда, кўпинча  $k=1$  ишонч даражаси 68%га эга бўлган интервал учун қабул қилинади. Ишонч даражаси 95% бўлган интервал учун  $k=2$  ва ишонч даражаси 99% бўлган интервал учун  $k=3$  қабул қилинади. Бошқа ишонч даражаларига эга бўлган интерваллар учун  $k$  (камров коэффициенти) нинг қиймати жадвалда келтирилган.

### 8.2-жадвал. Турли ишонч даражасига эга бўлган интерваллар учун $k$ қийматлари

Ишонч даражаси, %							
	50%	68,27%	90%	95%	96,45%	99%	99,73%
$k$	0,674	1	1,64	1,96	2	2,58	3
Тўғрибурчакли (текис) тақсимот учун $k=\sqrt{3}$ , учбурчак учун $k=\sqrt{6}$							

Қамров коэффициентининг қиймати  $k$  талаб қилинган  $y-U$  дан  $y+U$  гача интервал учун ишонч даражаси асосида танланади. Қамров коэффициенти  $k$  асосан 2дан 3гача диапазонда бўлади. Аммо, алоҳида ҳолларда  $k$  ушбу диапазондан ташқарига чиқиши мумкин.

8-босқич.  $y$  ўлчаш натижаси унинг жамланган стандарт ноаниқлиги  $u_c(y)$  билан бирга ёки кенгайтирилган ноаниқлиги  $U$  билан маълум қилинади.  $y$  ва  $u_c(y)$  ёки  $U$  қандай қилиб олинганлиги кўрсатилади.

### 3. Ўлчашларнинг ноаниқлиги тўғрисида ҳисобот тузиш

Телекоммуникациялардаги ўлчашларнинг ноаниқлиги тўғрисидаги ҳисоботни қуйидаги тўққизта бўлим кўринишида тузиш тавсия қилинади:

1. Ўлчаш масаласи:  $Y$  ўлчанадиган катталикни қандай аниқлашнинг қуйидагиларни ўз ичига олган қисқа тафсилоти: ўлчаш усули ёки ўлчаш услубиёти; ўлчаш схемаси ёки режаси; фойдаланиладиган қурилмалар; ўлчаш шароитлари.
2. Ўлчаш модели:  $Y$  чиқиш катталиги ва  $X_i$  кириш катталиклари орасидаги математик боғланишларни ифодалаш:

$$Y = f(X_1, X_2, \dots, X_n)$$

3. Кириш катталикларининг таҳлили:

### 8.3-жадвал. Кириш катталикларини таҳлил қилиш шакли.

Кириш катталиги _____	Ноаниқликни баҳолаш тури: _____
_____	Тақсимот тури: _____
_____	Баҳоланишнинг қиймати: _____
	Стандарт ноаниқлик: _____

Юқорида санаб ўтилган маълумотларни қаердан ва нима асосда олинганлиги ёки олинган манбаларини кўрсатиш (маълумотнома, сертификат ёки калибрлаш тўғрисидаги гувоҳнома, техник шартлар, ўлчаш воситасининг паспорти ва б.) бўйича қисқа тафсилоти.

4. Кузатишларнинг натижалари: кузатиш натижаларининг рўйхати тақдим этилади, асбобдан бевосита ҳисобланган ва уларнинг статистик характеристикалари; ўрта арифметик қиймат; ўрта квадратик қиймат (стандарт четланиш); стандарт ноаниқлик.
5. Корреляциялар: кириш катталиклари уларнинг корреляцияланиши бўйича таҳлил қилинади ва барча корреляцияланувчи кириш катталикларининг корреляция коэффициенти ҳисоблаб чиқилади, бунда уларни ҳисоблаш усуллари кўрсатилади.
6. Сизгирлик коэффицентлари: ҳар бир кириш катталиги учун сезгирлик коэффицентини олинади ёки хусусий  $dx/dx_i$  ҳосилаларни ҳисоблаш асосида ёки экспериментал олиш усули кўрсатилган ҳолда.
7. Ноаниқлик бюджети: 8.4-жадвалда келтирилган.
8. Кенгайтирилган ноаниқлик: Танланган ишонч даражаси асосида камров коэффицентини аниқланади ва кенгайтирилган ноаниқлик ҳисобланади.
9. Ўлчашларнинг тўлиқ натижаси:  $Y$  ўлчанадиган катталиқнинг  $y$  баҳоси ва  $U$  кенгайтирилган ноаниқликни  $Y=y+U$  кўринишда  $U$  ва  $y$  учун ўлчов бирликларини кўрсатган ҳолда ўлчашнинг тўлиқ натижаси тақдим этилади.

#### 8.4-жадвал. Ноаниқлик бюджетини тақдим этиш шакли.

Катталиқ $x_i$	Катталиқ бирлиги	Баҳолаш қиймати $x_i$	Интервал $\pm t$	Ноаниқлик тури	Эҳтимолиқнинг тақсимланиши	Стандарт ноаниқлик $u(x_i)$	Эркинлик даражаси $\nu$	Сезгирлик коэф- фициенти $c_i$	Ноаниқликнинг ҳиссаси $u_i(y)$	Фойдалардаги ҳисса, %
$x_1$		$x_1$				$u(x_1)$		$c_1$	$u_1(y)$	
$x_2$		$x_2$				$u(x_2)$		$c_2$	$u_2(y)$	
...		...				...		...	...	
$x_n$		$x_n$				$u(x_n)$		$n$	$u_n(y)$	
$y$		$y$				$u(y)$				

#### 4. Ноаниқликнинг манбалари ва турларининг тафсилоти

Ўлчашларнинг ноаниқлигини баҳолашга киришишдан олдин дастлаб, ноаниқликнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган манбаларининг рўйхатини тузиш зарур. Ушбу рўйхатни тузишни оралиқ катталиқлардан натижани ҳисоблаш учун фойдаланила-диган асосий ифодадан, яъни ўлчашнинг математик моделидан бошлаш қулайроқ. Ушбу ифодадаги барча параметрлар ўз ноаниқликларига эга бўлиши мумкин ва шунинг учун улар ноаниқликнинг потенциал манбалари бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари ифодага кирмаган бошқа ўлчанадиган катталиқнинг қийматини топиш учун фойдаланиладиган ҳамда натижага таъсир кўрсатадиган параметрлар бўлиши мумкин (масалан, экстракция вақти ва ҳарорат). Ноаниқликнинг яширин манбалари ҳам бўлиши мумкин. Барча бу манбалар рўйхатга киритилган бўлиши керак. Ноаниқликнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: спецификация, моделлаштириш, усул, ўлчаш воситалари, атроф-муҳит, оператор ва ўлчаш объекти.

Ноаниқликнинг алоҳида ташкил этувчиларини миқдоран тавсифлаш учун уларни алоҳида қараб чиқиш керак. Ноаниқликнинг индивидуал ташкил этувчиларини аниқлаш учун бир нечта умумий усуллар мавжуд.


- кириш катталиқларини экспериментал ўзгартириш;

- техник хужжатлардаги маълумотлардан фойдаланиш. Масалан, ўлчаш ва калибрлаш сертификатлари;
- олдинги тажриба в имитацион моделлаштириш тажрибаларидан келиб чиқадиган мулоҳазалардан фойдаланиш;

Қуйида ноаниқликнинг алоҳида ташкил этувчиларини қараб чиқамиз.

1. Ўлчанадиган катталиқнинг спецификация ноаниқлиги;

Ўлчанадиган катталиқнинг ўлчами ўлчаш объектига таъсир кўрсатувчи ташқи таъсирларнинг параметрларига боғлиқ. Шунинг учун ўлчашга бўлган корректив ёндашув ўлчанадиган катталиқнинг дастлабки тафсилотини (спецификациясини) талаб қилади.



8.1-расм. Ўлчашлар ноаниқлигининг турлари.

Ўлчанадиган катталиқни тўлиқ бўлмаган спецификацияси мувофиқ келадиган ноаниқликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Маълумки, ўлчашнинг мақсади бўлиб ўлчанадиган катталиқнинг (сонли) қийматини аниқлаш ҳисобланади. Ўлчанадиган катталиқнинг тафсилоти (спецификацияси) ўз ичига ўлчашларни ўтказиш вақти ва уларни ўтказиш шароитларига доир кўрсатмаларни олади. Ўлчашларни ўтказиш шароитлари, таъсир этувчи катталиқларнинг бирлашмаси кўринишида кўрсатилади, яъни ўлчаш предмети бўлиб ҳисобланмаган, лекин натижага таъсир кўрсатадиган катталиқлар кўрсатилади, масалан ўлчаш воситаларининг ҳарорати. Ўлчанадиган катталиқнинг ташқи таъсир параметрларига боғлиқлиги таъсир функцияси воситасида тавсифланади. Таъсир функцияси экспериментал аниқланиши ёки алгоритм сифатида мавжуд бўлиши ва сонли қўлланилиши керак.

Таъсир этувчи катталиқларнинг ноадекват аниқланиши биргина катталиқни турли лабораторияларда ўтказилган ўлчаш натижаларининг мос келмаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, ўлчанадиган катталиқ  $P$ -қувват бўлса, қуйидаги ифода билан берилади:

$$P = f(V, R_0, \alpha, t) = \frac{V^2}{R_0[1 + \alpha(t - t_0)]} \quad (19)$$

бу ерда:  $V$  – кириш катталиги;

$t_0, R_0, \alpha$  ва  $t$  – таъсир этувчи катталиқлар.

У ўлчанадиган катталиқ боғлиқ бўлган таъсир этувчи катталиқларнинг ўзлари бошқа катталиқларга боғлиқ бўлишлари мумкин, тузатма ва тузатиш коэффициентларни систематик эффектларга қўшган ҳолда, бу эса  $f$  функционал боғланишни мураккаблашувига олиб келади; буни эса ҳеч қачон аниқ ёзиб бўлмайди. Шунинг учун, агар таъсир функцияси функционал боғланишни ўлчаш натижасини талаб қилинган аниқликда топиш даражасига моделлаштира олмаса, у ҳолда буни бартараф қилиш учун унга қўшимча кириш катталиқлари уланган бўлиши



керак. Келтирилган мисолда ўлчаш аниқлигини ошириш учун қўшимча кириш катталиклари керак бўлиши мумкин. Улар резистор бўйича ҳароратни нотекис тақсимланишини, қаршилиқнинг бўлиши мумкин бўлган ночизиклик ҳарорат коэффиценти ва қаршилиқнинг атмосфера босимига боғлиқ бўлиб қолишини ҳисобга олиш керак. Амалиётда ўлчанаётган катталиқнинг спецификацияси ўлчашнинг талаб қилинаётган аниқлигига боғлиқ. Ўлчанаётган катталиқни талаб қилинган аниқликка нисбатан етарлича тўлиқ аниқлаш ўлчаш билан боғлиқ бўлган барча амалий мақсадлар учун унинг қиймати ягона бўлиши учун зарур.

## 2. Моделлаштириш хатоликлари.

Инсон тафаккурида ўлчаш объекти тўғрисидаги тасаввур айрим моделлар тарзида асосланади. Моделлар параметрларнинг бирлашмаси бўлиб тавсифланади. Моделлар бўйича аниқланадиган катталиқлар реал объектларнинг хоссаларидан доим фарқ қилади, чунки модел оригиналнинг абсолют нусхаси бўла олмайди. Ушбу фарқ, ўлчанадиган катталиқ моделининг ноадекватлигига боғлиқ бўлган ноаниқлик билан ифодаланади. Кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқилган физик назария етарлича яхши моделларни куриш имконини беради. Бу моделлар турли омилларнинг ўлчаш натижаларига бўлган таъсирини тавсифлайди. Масалан, ҳароратнинг ҳажм ва зичликка бўлган таъсири яхши ўрганилган.

Ушбу ҳолларда ноаниқлик мавжуд ўзаро нисбатлардан ноаниқликларнинг тарқалиш усуллари ёрдамида ҳисобланиши ва баҳоланиши мумкин. Бошқа вазиятларда экспериментал маълумотлар билан бирлаштирилган назарий моделлардан фойдаланиш зарур бўлиб қолиши мумкин. Масалан, аналитик ўлчаш натижаси олинадиган ҳосиланинг олиниши, ўзининг қанчадир вақтда давом этиши учун алоҳида функцияга боғлиқ бўлса, у ҳолда вақт билан боғлиқ бўлган ноаниқликнинг баҳоланиши талаб қилиниши мумкин. Буни реакция ўтиши учун сарфланган вақтни ўзгартириш орқали қилиш мумкин. Моделнинг реал объектга мос келмаслиги ўлчашларгача (априор) моделлаштириш ноаниқлиги деб номланган ноаниқликни келтириб чиқаради.

Моделнинг ўлчаш объектига ноадекватлигининг классик модели бўлиб валнинг диаметрини ўлчаш ҳисобланади. Валнинг кесими айланадан фарқланади, яъни эллипсоид ёки бошқа шаклга эга бўлади. Валнинг диаметрини турли йўналишларда ўлчаш турлича натижаларни беради. Бу натижалар тадқиқ қилинаётган ўлчаш объектининг ноаниқлиги мавжуд эканлигини билдиради. Моделнинг мураккаблиги ва унинг реал объектга адекватлик даражаси куйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўлчаш объектининг хоссалари ва тури;
- ўлчашнинг мақсади ва талаб қилинган аниқлик;
- объект тўғрисидаги маълумот, ўлчашларни бажараётган метрологнинг малакаси.

Моделни яратиш жараёнида парадоксал вазият пайдо бўлади. Изланаётган катталиқни ўлчашни амалга оширишда унинг хоссалари тўғрисида априор маълумотга эга бўлиш зарур бўлиб, улар асосида ўлчаш модели ўрнатилади. Бу хоссалар эса фақат объектни экспериментал ўрганиш жараёнида аниқланиши (ўлчаниши) мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, ўлчаш натижаларида фарқнинг бўлмаслиги ҳар доим ҳам танланган моделнинг тўғрилигини кафолатламайди. Танланган моделни экспериментал текшириш, тўғри режалаштирилган ўлчашларни бажариш услугиёти қўлланилган ҳолдагина ишончли бўлади.

## 3. Услубий ноаниқликлар.

Ўлчаш усули дейилганда, умумий шаклда тавсифланган ва ўлчашларни бажаришда фойдаланиладиган тадбирларнинг мантиқий кетма-кетлиги тушунилади. Ўлчаш усулининг номукамаллиги услубий хатоликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг фарқли хусусияти шундаки, улар ўлчанадиган объектнинг математик ва имитацион моделини яратиш йўли билан аниқланиши мумкин. Шундай моделни яратиш, унинг параметрлари аниқлангандан кейин ўлчашнинг услубий хатолигини, характери бўйича систематик бўлган хатоликни баҳолаш мумкин. Услубий хатоликнинг баҳосидан ўлчаш натижасига тузатма сифатида фойдаланиш мумкин. Бартараф қилинмаган систематик хатоликларнинг стандарт четланиш услубий ноаниқликнинг баҳоси ҳисобланади.

Услубий ноаниқликларнинг айримларини қараб чиқамиз. Ўлчаш воситасининг ўлчаш объектига кўрсатадиган таъсирини баҳолашни ички қаршилиги  $R_i$  бўлган кучланиш манбаига кириш қаршилиги  $R_{кир}$  бўлган вольтметрни улаш мисолида тадқиқ қиламиз. Ушбу ҳолда,

вольтметрнинг кўрсатиши  $U$  ўлчанадиган электр юритувчи куч  $E$  билан қуйидаги муносабат орқали боғланган (ўлчашнинг тўғриланмаган натижаси):

$$U = \frac{R_{куп}}{R_i + R_{куп}} \cdot E \quad (20)$$

Ушбу муносабатдан кўриниб турибдики, ўлчашнинг тўғриланган қийматини олиш учун вольтметр кўрсатишини

$$\frac{R_i + R_{куп}}{R_{куп}} \quad (21)$$

бўлган тузатиш коэффициентига кўпайтириш керак. Ўлчаш натижаларига ишлов бериш алгоритмининг ноаниқлигининг тафсилотини келтирамиз. Ўлчаш усулига ўрта, ўртакватратик қийматларни аниқлаш, сонли интеграллаш ёки дифференциаллаш, элементар функциянинг қийматини қаторларга ёйиш йўли билан ҳисоблаш каби ҳисоблаш амаллари киритилиши мумкин. Ўлчаш натижаларига ишлов беришнинг танланган алгоритмига боғлиқ ҳолда мувофиқ хатоликлар оғирлаштирувчи бўлиши мумкин. Ушбу хатоликларнинг стандарт четланиши фойдаланилган ишлов бериш алгоритмининг ноаниқлик баҳоси бўлиб ҳисобланади. Рақамларни ташлаб юбориш ва яхлитлаш охириги натижанинг аниқ бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Аппроксимациялаш ва соддалаштиришларда пайдо бўладиган ноаниқликлар услубий ноаниқликларга киради. Бундай ноаниқликларга билвосита ўлчашларнинг ноаниқликлари мансуб бўлиб, ўлчанадиган катталиқ ва унинг аргументлари орасидаги боғланишни соддалаштиришга боғлиқ. Аргументлар бевосита ўлчашлар ёрдамида ўлчанади.

Услубий ноаниқликларга бундан ташқари кузатишлар сони, ўлчаш давомийлиги, усулни ва ўлчаш воситаларини танлаш ноаниқликларини киритиш мумкин.

#### 4. Инструментал ноаниқликлар.

Инструментал ноаниқликлар – бу ўлчаш воситаларининг номукамаллиги билан боғлиқ бўлган ноаниқликлардир. Ушбу турдаги ноаниқликларга ўлчаш асбобининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқликлар ҳамда ўлчаш воситасини тайёрлаш технологиясининг камчилигига асосланган ноаниқликларни киритиш мумкин.

Ўлчаш воситасининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқликларни қараб чиқамиз. Бу турдаги ноаниқликлар ўлчаш воситасидан фойдаланиш тартибига мос ҳолда статик ва динамик турга бўлинади. Статик ноаниқлик – ўлчанадиган катталиқнинг хатолиги бўлиб, унинг ўлчамини ўлчаш вақти давомида ўзгармас деб ҳисоблаш мумкин. Динамик ноаниқлик – бу ноаниқликнинг ташкил этувчиси бўлиб, динамик ўлчашлар давомида статик ноаниқликка қўшимча сифатида пайдо бўлади. Бундай ўлчашларда ўлчанаётган катталиқнинг ўлчамини ўзгармас деб ҳисоблаб бўлмайди.

У иккита омил билан аниқланади: ўлчаш воситасининг динамик хоссалари ва ўлчанадиган катталиқни вақт бўйича ўзгариш характерига кўра. Бу турдаги статик ноаниқлик мисоли бўлиб, ўлчаш воситаси ўзгартириш функциясининг ноаниқлиги ҳисобланади. Масалан: ўзгарувчан ток вольтметрнинг частотавий ноаниқликлари. Тез-тез учраб турадиган ва барча рақамли ўлчаш воситаларининг иш тамойилидан келиб чиқадиган ноаниқлик бўлиб аналог-рақамли ўзгартиришдаги узлуксиз катталиқнинг квантланиш ноаниқлиги ҳисобланади.

5. Ўлчаш шароитларининг ноаниқликлари. Қаралаётган ноаниқлик ўлчаш ноаниқликларини ва ўрнатилган ҳарорат, намлик, босим, хона тозаллиги, магнит ҳамда гравитацион майдонлар, турли нурланишлар, ёруғлик ва бошқаларни ушлаб туришни ўз ичига олади.

Ўлчаш воситаларининг ноаниқликларига ундан ташқари калибровка, кўрсатишлар вариацияси, охириги ўтказилган калибровка ва қиёслаш, сезгирлик поғонаси каби ноаниқликларни киритиш мумкин.

6. Ўлчанаётган объект ноаниқлиги. Ушбу турдаги ноаниқлик таркибига шаклнинг ва геометрик ўлчашлар учун объект сиртининг мураккаблиги, объект материалнинг хоссалари, ўлчамлари ва бошқаларнинг ноаниқликларини киритиш мумкин.

7. Операторнинг ноаниқлиги. Операторнинг ноаниқлиги ёки шахсий ноаниқликлар қуйидаги омилларга асосланган:

- кузатувчи сезги органларининг инерцион хоссалари, масалан, кўрсаткичнинг максимал ҳолатларидаги ҳисоблашларда кечикиши;
- кузатувчи жойлашишининг таъсири ва санок тизимининг хусусиятлари (параллакс), иккита рақамланган белгилар орасига тушувчи санок интерполяциясининг хатолари ва бошқалар;
- ўлчаш воситаларининг кузатишларини пасайтириб ёки кўпайтириб қайд қилиш мумкинлиги;
- усулни интерпретациялашдаги сезиларли фарқ бўлишининг мумкинлиги;
- сезгирлик диапазонининг чекланганлиги ва сезги органларининг қабул қилиш характеристикаларининг нозичлиги;

Операторнинг ноаниқлиги ёки шахсий ноаниқликлар иш тажрибаси, маълумоти, виждонлиги, чаққонлиги ва бошқалар билан аниқланади.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлчашлар ноаниқлиги нима?
2. Ўлчашлар ноаниқлигини А ва В тури бўйича баҳолаш.
3. А-турдаги стандарт ноаниқликни баҳолаш.
4. В-турдаги стандарт ноаниқликни баҳолаш.
5. Ноаниқликни ифодалаш ва баҳолаш қандай кетма-кетликда амалга оширилади?
6. Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш босқичлари.
7. Ўлчашлар ноаниқлиги тўғрисидаги ҳисобот қандай тузилади?
8. Ўлчашлар ноаниқлигининг турлари ва уларнинг тафсилоти.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
2. Величко О.Н., Хакимов О.Ш., Латипов В.Б., и др. Прослеживаемость измерений: нормативное обеспечение и основные компоненты – Т., O'zdamatbuotliti, 2009. – 184с.
3. Походун А.И. Экспериментальные методы исследований погрешности и неопределенности измерений. Уч. пособие. ИТМО, Санкт-Петербург – 109 с.

## **9-майруза. Стандартлаштириш мақсади ва асосий тушунчалари**

**Режа:**

- 1. Стандартлаштириш мақсад ва вазифалари.**
- 2. Асосий тушунча ва атамалар.**
- 3. Стандартлаштиришнинг асосий тамойиллари.**
- 4. Стандартлаштиришнинг усуллари.**

### **1. Стандартлаштириш мақсад ва вазифалари.**

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг (кейинги ўринларида маҳсулотлар деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчиларнинг ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- маҳсулотларнинг ўзаро бир - бирининг ўрнини босишини ва бир-бирига монандлигини таъминлаш;
- фан ва техника тараккиёти даражасига, шунингдек, аҳоли ва халқ ҳўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;
- ресурсларнинг барча турларини тежашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;
- ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;
- табиий ва техноген фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиши, хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва сифати тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли ахборот билан таъминлаш;
- мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш;
- ўлчашларнинг ягоналигини таъминлаш;

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

- истеъмолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотнинг сифати ва номларига нисбатан энг мақбул талабларни қўйиш;
- давлат, республика фуқаролари ва чет эл эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга керакли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тизимини ва уни ишлаб чиқиш қоидаларини яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш, шунингдек ҳужжатлардан назорат қилиш;
- стандарт талабларининг саноати ривожланган чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- бир-бирига мослигининг барча (конструктив, электрик, электромагнитли, информатсион, дастурли ва бошқалар) турларини, шунингдек маҳсулотнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;
- параметрик ва турлар ўлчови каторларини, таянч конструкцияларни, буюмларнинг конструктив жиҳатдан бир хил қилинган модуллашган блоки таркибий қисмларини аниқлаш ва қўллаш асосида бирхиллаштириш;
- маҳсулот, унинг таркибий қисмлари, буюмлари, хом-ашё ва материаллар кўрсаткичлари ва тавсифларининг келишиб олиниши ва боғланиши;
- материал ва энергия сифимини камайтириш, кам чикинди чиқарувчи технологияларни қўллаш;

- маҳсулотнинг эргономик хоссаларига талабларнинг белгиланиши;
- метрологик меъёр, қоида, низом ва талабларнинг белгиланиши;
- стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибадан фойдаланишни кенг авж олдириш, мамлакатнинг халқаро ва минтақавий стандартлаштиришда иштирок этишини кучайтириш;
- хорижий мамлакатларнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирилган ҳолларда уларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартларини мамлакат стандартлари ва техникавий шартлари тариқасида тўғридан-тўғри қўллаш тажрибасини кенгайтириш;
- технологик жараёнларга талабларни белгилаш;
- маҳсулотни стандартлаштириш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ишларни ташкил қилиш;
- техника-иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий қилиш;
- синовларни меъёрий-техника жиҳатидан таъминлаш, маҳсулот сифатини сертификатлаштириш, баҳолаш ва назорат қилиш;

## 2. Асосий тушунча ва атамалар.

**Стандарт** - бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқарилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштирилган йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсиялар, талаблар ва усуллар, белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир. Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ва жамият учун йўналтирилган бўлиши керак.

**Стандартлаштириш** деганда мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолият тушунилади. Бу фаолият стандартларни ва техникавий талабларни ишлаб чиқишда, нашр этишда ва татбиқ қилишда намоён бўлади. Стандартлаштиришнинг муҳим натижалари одатда маҳсулот, жараён ва хизматларнинг белгиланган вазифага мос келиши, савдодаги ғовларни бартараф қилиш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашишда намоён бўлади.

**Стандартлаштириш объекти** сифатида стандартлаштириладиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат) тушунилади.

"Стандартлаштириш объекти" тушунчасини кенг маънода ифодалаш учун "маҳсулот, жараён, хизмат" иборалари қабул қилинган бўлиб, буни ҳар қандай материалга, таркибий қисмларга, асбоб-ускуналарга, тизимларга, уларни мослигига, қонун-қоидасига, иш олиб бориш услубига, вазифасига, усулига ёки фаолиятига тенг даражада дахлдор деб тушунмоқ лозим.

Стандартлаштириш ҳар қандай объектнинг муайян жиҳатлари (хусусиятлари) билан чекланиши мумкин. Масалан, оёқ кийимга нисбатан ёндашиладиган бўлса, унинг катта-кичиклиги ва пишиқлигини алоҳида стандартлаштириш мумкин.

Стандартлаштириш объекти сифатида хизмат – халққа хизмат қилишни (хизмат шартларини кўшиб) ва корхона ҳамда ташкилотлар учун ишлаб чиқариш хизматини ўз ичига олади. Стандартлаштиришнинг бошқа объектлари фаолиятининг бириктирилган соҳаларида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**Уйғунлаштирилган стандартлар** (эквивалент стандартлар): Бир ва айни шу объектга тегишли бўлган ва стандартлаштириш билан шуғулланувчи турли идоралар томонидан тасдиқланган стандартлар бўлиб, улар маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг ўзаро алмашувини, ушбу стандартларга мувофиқ тақдим этиладиган ахборот ёки синовлар натижаларининг ўзаро тушунилишини таъминлайди.

Халқаро, минтақавий, миллий стандартлаштириш идоралари мавжуд.

Халқаро стандартлаштириш фаолиятида барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин.

**Минтақавий стандартлаштириш** деганда дунё миқёсида биргина жуғрофий ёки иқтисодий минтақага қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.

**Миллий стандартлаштириш** - бу муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятидир.

Стандартлаштириш ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига дахлдор қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсифларни ўзида қамраб олган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

"Меъёрий" ҳужжат атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Стандартлаштириш мақсадлари кўп қиррали бўлиб, улар асосан куйидагилардан иборат: бирхиллаштириш (ҳар хилликни бошқариш), қўлланишлилик, мослашувчанлик, ўзароалмашувчанлик, соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ташқи муҳитни асраш, маҳсулотни ҳимоялаш, ўзаро тушунишликка эришиш, савдодаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқалар. Бир мақсаднинг амалга ошишида бир вақтда бошқа мақсадларнинг ҳам амалга ошиши мумкин.

Стандартлаштиришда маҳсулотнинг вазифасига мувофиқлиги деганда белгиланган шароитларда муайян вазифаларини буюм, жараён ёки хизматлар томонидан бажариш қобилияти тушунилади.

Мослашувчанлик эса, маълум шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун номақбул таъсир кўрсатмасдан маҳсулот, жараён ёки хизматларни биргаликда қўлланишига яроқлилиги деб тушунилади.

Ўзароалмашувчанлик – бир хил талабларни бажариш мақсадида бир буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир буюм, жараён, хизматнинг яроқлилигидан иборат.

Ҳар хилликни бошқариш (унификатлаштириш ёки бирхиллаштириш) деб, муайян эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамларни ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлашга айтилади.

### **3. Стандартлаштиришнинг асосий тамойиллари.**

Стандартлаштириш бўйича умумий мақсад - бу маҳсулот сифати, процесслар ва хизматлар бўйича Давлат ва истеъмолчиларнинг қизиқишларини қимоялашдир.

Стандартлаштиришнинг ушбу умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий тамойилларини келтираемиз:

**1. Системалик ва комплекслилик.** Комплекслилик – бу мураккаб системадаги барча элементларнинг мувофиқлигидир.

**2. Динамиклик ва стандартлаштиришнинг ўсувчанлиги.** Стандартлар фан ва техникадаги юз бераётган ўзгаришларга «адаптация», яъни мослашиши керак. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилоти «ИСО»нинг стандартлари ўсувчандир.

**3. Стандартлаштиришнинг самарадорлиги** – бу норматив ҳужжат қўлланилганда иқтисодий ёки ижтимоий самара беришидир, яъни стандартлаштиришга сарфланган бир сўмнинг ўн сўм фойда келтиришидир.

**4.Стандартларни ишлаб чиқишнинг устиворлиги** бу устиворлик товар ва хизматларнинг ўзаро мувофиқлиги, алмашувчанлиги ва хавфсизлигини таъминлашдир.

**5. Уйғунлаштириш тамойили** - бу халқаро савдода тўсик бўлмайдиган уйғунлашган стандартларни ишлаб чиқишдир.

**6. Афзаллик тамойили.** Бу тамойил афзалроқ сонлар қаторидан фойдаланишга асосланган бўлиб, улардан буюм, ускуналарнинг номенклатурасини камайитиришда фойданалади.

### **4. Стандартлаштиришнинг усуллари:**

1. *Унификация:*

а) системалаштириш;

б) классификация ёки таснифлаш;

2. *Симплификация;*

3. *Типизация ёки турларга ажратиш;*

4. *Селекция ёки танлаш;*

5. *Оптималлаш (оптимизация)*;

6. *Агрегатлаш (агрегатирование)*

• **Унификация** - стандартлаштириш шакли бўлиб, икки ёки ундан ортиқ хужжатларни (техник шартларни) бирлаштиришдир ва бу хужжат билан регламентланган буюмни истеъмолда ўзаро алмаштириш мумкин бўлганлиги, албатта, назарда тутилган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, унификация- бу бир хил функционал йуналишда бўлган бир турдаги деталь ва агрегатлар сонини рационал қисқартириш бўйича фаолиятдир. Махсулотни унификациялаш коэффициенти  $K_n$  мавжуд бўлиб, у куйидаги ифода билан келтирилади:

$$K_n = n - n_0 / n \times 100.$$

Бу ерда:  $n$ -буюмдаги деталлар сони бўлиб, унга стандарт, унификациялашган ҳамда умуммашинасозлик, тармоқлараро ва тармоқда қўлланиладиган деталлар киради.  $n_0$ -оптимал деталлар сони;

а) системалаштириш- бу буюмлар, ҳодисалар ва тушунчаларни аниқ тартиб ва кетма-кетликда жойлаш бўлиб, фойдаланишга қулай бўлган тизимни яратади. Масалан, бу тизимдан энциклопедик ва политехник маълумотномалар ва библиографияларда фойданилади. ОКП - общероссийский классификатор промышленной и сельскохозяйственной продукции. Машиналарнинг ўлчамлари ва параметрларини ҳамда уларнинг деталлари ва қисмлари системалаштириш учун афзалроқ сонлар катори фойдаланилади.

б) классификация- бу буюм, ҳодиса ва тушунчаларни класслар, разрядларга, уларнинг умумий белгиларига боғлиқ ҳолда жойланишидир. Масалан, УДК - универсальная десятичная классификация гуманитар ва техникавий адабиётларни индекслар билан рубрикалашнинг халқаро тизими сифатида қабул қилинган. Масалан, УДК62- техника, УДК621-умумий машинасозлик ва электроника, УДК62,3- электротехника ва бошқалар.

• **Симплификация** - стандартлаштиришнинг шакли бўлиб, буюмларнинг тури ва бошқа турли кўринишларининг микдорини қараётган вақтдаги мавжуд талабларгача камайитиришдир. Симплификация объектларига ҳеч қандай техникавий мукамаллаштиришлар киритилмайди.

• **Типизация** - бу кўп сонли ва кўп турдаги машина, прибор, инструмент ва бошқалардан ўз сифати бўйича рационал бўлган ва ўз тартибида умумий деталлар бўлганларини танлашдир. Мақсади буюмларнинг кўпхиллигини ликвидация қилишдир.

• **Стандартлаштириш объектларини танлаш (селекция)**. Бу ишлаб чиқаришнинг давом эттирилиши мақсадга мувофиқ деб топилган конкрет объектларни танлаш.

• **Оптимизация**- бу оптимал бош параметрларни ҳамда сифат ва тежамкорликнинг бошқа барча кийматларини топишдир.

• **Агрегатлаш** - бу алоҳида унификациялашган стандарт узелларидан машина, прибор ва жиҳозларни яратиш усулидир. Масалан, 15 та размерли мебель матлари ва 3 та размерли (ўлчамли) стандарт яшиқлари. Бу элементларнинг турли комбинациялари - 52 кўринишдаги мебел олиш имкониятини беради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Стандартлаштириш мақсад ва вазифаларини айтиб беринг.
2. Стандарт ва стандартлаштириш нима?
3. Стандартлаштиришнинг асосий тамойиллари.
4. Стандартлаштиришнинг қандай усуллари мавжуд?

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Латипов В.Б. Межотраслевые системы стандартизации. – Т., НИИСМС, 2008. – 284 с.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.

3. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
4. Парпиев М.П., Туляганова Ш.А., Рахмонова Г.С. “Metrologiya, standartlashtirish va sertifikatlashtirish” fani bo'yicha virtual laboratoriya ishlariga uslubiy ko'rsatmalar. Т., ТАТУ, 2011. – 72 б.
5. К 013:2003. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимини ривожлантириш концепцияси.

**10-майруза. Ўзбекистон Республикасининг  
“Стандартлаштириш тўғрисида”ги ва «Техник жиҳатдан  
тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари шарҳлари**

**Режа:**

- 1. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонун.**
- 2. Стандартлаштириш бўйича давлат назорат органлари ва объектлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун шарҳлари.**

**1. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган. Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган:**

- ЎзР 26.05.2000 й. 82-П-Қонуни,
- ЎзР 25.04.2003 й. 482-П-Қонуни,
- ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни

Қонун 4 та бўлим, 12 та моддадан иборат.

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари (1-бўлим, 1-модда) қуйидагилардир: маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда "маҳсулот" деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

табiiй ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади (1-бўлим, 2-модда).

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги);



курулиш, курулиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курулиш кўмитаси ("Давархитекткурулиш" кўмитаси);

табiiй ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси);

тиббiiй мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббiiй техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Ушбу Қонунга мувофиқ давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни (бундан буен матнда "стандартлар" деб юритилади), шунингдек ушбу Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар.

"Ўзстандарт" агентлиги ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди (1-бўлим, 3-модда).

"Ўзстандарт" агентлиги", "Давархитекткурулиш" кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар.

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир тармоқ ахборот жамғармаларини ҳосил қиладилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборот давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишни уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир (1-бўлим, 4-модда).

Қорақалпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти халқаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таърифланганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади (1-бўлим, 5-модда).

Қонунда норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар (2-бўлим, 6-модда) келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади;

- халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари;
- маъмурий-худудий стандартлар.

Давлат ягона ва узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам

киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби "Ўзстандарт" томонидан белгиланади.

Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини "Ўзстандарт" ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар. Улар халқаро савдо-сотик учун ортикча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Улар халқаро савдо-сотик учун ортикча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Истеъмолчиларга реализация қилинадиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар "Ўзстандарт" органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. "Ўзстандарт" органларида рўйхатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади.

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши (2-бўлим, 7-модда) бўйича талаблар маълумотлар келтирилган бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя этиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиқликни назорат қилиш ва синаш усуллари ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган қоида ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

Қонуннинг 3-бўлим 8 ва 9-моддаларида давлат назорати органларининг стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари ҳамда давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тафсилотлари 3-бўлим, 10-моддада берилган бўлиб, ушбу Қонун қоидалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши айтиб ўтилган.

Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти бўйича 4-бўлим, 11-моддада куйидагилар келтирилган.

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умумтехник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишарни олиб бориш;

стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

стандартлар фондиди, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинadиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда давлат назорати органларига йўлландиган қисми ҳам стандартлаштириш, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминландиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш (4-бўлим, 12-модда).

Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини кафолатлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **2. Стандартлаштириш бўйича давлат назорат органлари ва объектлари.**

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини "Ўзстандарт" агентлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган (3-бўлим, 8-модда).

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шартни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадilar.

Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги 3-бўлим, 9-моддада келтирилган.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига белгиланган тартибда кириш;

хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (тахлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари:

стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Жарима солиш суд томонидан, хўжалик фаолияти субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса,

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадilar.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошқор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладilar.

### **3. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун шарҳлари.**

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун 2009 йил 23 апрелда кучга кирган бўлиб, у 4 та боб, 28 та моддадан иборат.

1-боб умумий қоидаларга бағишланган бўлиб, 1-моддада қонуннинг мақсади, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги, 2-моддада техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатлиги, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши айтиб ўтилган. 3-моддада ушбу қонунда қўлланилган қуйидаги асосий тушунчалар келтирилган:

**техник жиҳатдан тартибга солиш** - маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

**маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** - маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг; бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайд;

**техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** - техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

**техник регламент** - техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

**умумий техник регламент** – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат

**маҳсус техник регламент** - техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

**савдодаги техник тўсиқлар** - маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат (4-модда):

инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан (5-модда) иборат:

техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;

техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги;

техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги.

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади (6-модда):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

Қонуннинг 2-боби давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига бағишланган. Жумладан, 7-моддада белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди;

умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари санаб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказиши;

ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди шакллантиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-моддада давлат органларининг ваколатлари ёритиб ўтилган бўлиб:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ушбу модданинг биринчи - учинчи қисмларида кўрсатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиши;

умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди шакллантиради; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-моддада давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритиши;

умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга ошириши;

умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди шакллантиришда иштирок этиши;

умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга ошириши;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги;

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиши кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 11-моддасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилиши;

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши таъкидланган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари (12-модда) умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди (13-модда) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколати доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондига белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-моддада техник регламентлар тўғрисидаги ахборот берилган. Амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар тарқатилмаслиги керак.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

ишлаб чиқиладиган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Қонуннинг 3-бобида техник регламентлар ҳақида сўз юритилиб, 15-моддада Ўзбекистон Республикасида техник регламентларнинг қуйидаги турлари: умумий техник регламентлар; махсус техник регламентлар қўлланилиши ёритилган.

16-моддада эса техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар ўрнатилиб, улар қуйидагилар бўйича белгиланиши мумкинлиги айtilган:

биологик хавфсизлик;



механик хавфсизлик;  
 кимёвий хавфсизлик;  
 ядровий ва радиациявий хавфсизлик;  
 ёнгин хавфсизлиги;  
 электр хавфсизлиги;  
 машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;  
 электромагнит мослиги;  
 қурилиш ишлари хавфсизлиги;  
 бинолар, иншоотлардан ва уларга туташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;  
 экологик хавфсизлик;  
 ветеринария хавфсизлиги;  
 саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;  
 портлаш хавфсизлиги;  
 ахборот хавфсизлиги;  
 ўлчовларнинг ва синовлар усулларининг бир хиллигини таъминлаш.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

17-модда. Техник регламентларнинг мазмунига бағишланган. Техник регламентлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари;

хавфсизлик талаблари белгиланаётган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати;

атамаларга, ўров-идишга, тамғаларга ёки ёрликларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;

маҳсулотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қоидалари;

давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усуллари.

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантурувчи моддалар, токсинлар, зараркунандалар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага келадиган инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

маҳсулотга, уни синаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;

намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомили, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминланмаслиги ҳоллари бундан мустасно.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан узоқ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йўл қўйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар таъсири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказадиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда бўлмаслиги керак. Бунда техник регламентларда эҳтимол тутилган зарар тўғрисида

ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарар етказилиши хавфи қайси омилларга боғлиқ бўлса, шу омиллар ҳақида истеъмомчиларни хабардор қилишга доир талаблар бўлиши мумкин.

Техник регламентларда махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги махсус талаблар бўлиши мумкин:

қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайдиган махсус талаблар;

техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид махсус талаблар.

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

18-моддада белгилаб қўйилганки, техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги тақлифлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади.

19-моддада техник регламентларни ишлаб чиқиш тартиби ҳақида маълумот берилган бўлиб, техник регламентлар техник регламентларни ишлаб чиқишнинг тасдиқланадиган дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар белгиланган тартибда:

техник регламентлар ишлаб чиқилиши ҳақидаги хабарларни эълон қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг гуруҳлари ҳамда турларини белгилайди;

махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланадиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усулларини белгилайди;

ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади;

ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

Техник регламентларни қабул қилиш тартиби қуйидагича (20-модда):

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21-моддада техник регламентларни ишлаб чиқишда махсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилиши; техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилиши кўрсатилган.

22-моддада техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги ҳамда техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган махсулотлар, ишлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ҳамда белгиланган тартибда қўлланилишида ихтиёрийлик касб этиши аниқлаб берилган.

Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати (23-модда) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қонуннинг 4-боби яқунловчи қоидаларга бағишланган бўлиб, 24-моддада техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш тартиби белгилаб берилган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш республика бюджети ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш;

умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини юритиш;

техник регламентларга риоя этилиши усидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлардаги аъзолиги билан боғлиқ харажатлар.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади (25-модда).

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини (26-модда) бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

27-моддада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириши;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлашлари зарурий ҳолат эканлиги айtilган.

28-моддада ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши таъкидланган.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ва қандай ўзгартиришлар киритилган?
2. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадларини айтиб беринг.
3. Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш.
4. Стандартларнинг тоифалари.
5. Стандартлаштириш бўйича давлат назорати органлари ва объектлари.
6. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?
7. Техник регламентлар ва уларнинг турлари.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Латипов В.Б. Межотраслевые системы стандартизации. – Т., НИИСМС, 2008. – 284 с.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
3. К 013:2003. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимини ривожлантириш концепцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни.

### 11-майруза. Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари

**Режа:**

1. Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари.
2. Барча даражадаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
3. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар.

#### 1. Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш бўйича фаолиятнинг асосий мақсади товар ва хизматлар сифатини таъминлашдир. Стандартлаштириш объектлари бўлиб маҳсулот, процесс (жараён) ва хизматлар ҳисобланади. 1-расмда стандартлар даражалари, уларни тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари келтирилган.

Қуйида стандартлаштиришнинг барча даражадаги объектларини келтирамиз:

1. Стандартлаштиришнинг давлатлараро объектлари: ГОСТ 1.0-92. Правила проведения работ по межгосударственной стандартизации. Общие положения;


2. Давлат стандартлаштириш объектлари:

- а) ташкилий-услугий ва умумтехникавий норма (меъёр)лар ва талаблар;
- б) маҳсулотга бўлган мажбурий талаблар;
- в) тармоқлараро қўлланадиган маҳсулотлар;
- г) давлат аҳамиятидаги хўжалик объектларининг элементлари, шу жумладан, банк тизими, транспорт, алоқа, энергия ташкилоти, муҳофаа;
- д) ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг давлат объектлари;
- е) тармоқ стандартлаштириш объектлари бўлиб, тармоқдаги маҳсулотларнинг сифатини таъминлаш бўйича тармоқни ташкил қилиш ва бошқаришдаги норма ва қоидалар ҳисобланади;

4. Маъмурий-худудий стандартлаштириш объектлари: - маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича худудий норма ва талаблар;

5. Корхонанинг стандартлаштириш объектлари:

- а) ташқи истеъмолчи амалга оширадиган маҳсулот;
- б) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича норма ва талаблар;
- в) сифатни бошқариш;
- г) ушбу корхонада тайёрланган ва фақат ушбу корхонада ишлатиладиган детал ва йиғилувчи бирлашмалар;



**1-расм. Стандартлар даражалари, уларни тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари.**

Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари учун норматив ҳужжатларнинг қуйидаги белгиланишлари ўрнатилган:

*1. Давлат даражасида:*

- O'z DST - Ўзбекистон давлат стандарти;
- O'z DT - Ўзбекистон давлат таснифлагичи (классификатор);
- O'z RH - Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати;
- O'z T - Ўзбекистон тавсиялари;

*2. Тармоқ (отрасль) даражасида:*

- TSt - тармоқ стандарти;
- TT - тармоқ таснифлагичи;
- Tsh - техник шартлар;
- RH - раҳбарий ҳужжат;
- T - тавсиялар;

*3. Маъмурий-ҳудудий даражада:*

- NHSt - маъмурий-ҳудудий стандарт;
- T - тавсиялар;

*4. Корхона даражасида:*

- Tsh - техник шартлар;
- Kst - корхона стандарти;

Барча даражадаги норматив ҳужжатларни белгилаш давлат тилидаги аббревиатуралар билан амалга оширилади ва унда ҳужжат қайси тилда бўлишидан қатъий назар қуйидагича номланади:

O'z - O'zbekiston

D - Davlat (Государство)

T - Tasniflagich (Классификация)

T - Tarmoq (Отрасль)

T - Tavsiyanoma (рекомендация)

R - Rahbariy (рекомендация)

H - Hujjat (документ)

H - Hududiy (региональный)

Sh - Shart (условие)

K - Korhona(предприятие)

M - Mamuriy (административный)

St - Standard (стандарт)

Давлатлараро стандартлар рус тилида белгиланади - ГОСТ.

## **2. Барча даражадаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.**

Давлат стандартлари O'z DSt 1.1:1992 "Ўз СДТ. Ўзбекистон стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби" га мувофиқ ишлаб чиқилади. Стандартлар стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар (ТҚ), стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар (СТТ), тадбиркорликнинг бошқа субъектлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

Стандартнинг мазмунига ва техник-иқтисодий асосланганлигига ва кўрсаткичлар, меъёрлар ва талабларнинг фан ва техниканинг замонавий даражасига мувофиқлиги учун ишлаб чиқувчи ташкилот ва стандартни тасдиқлаган идора масъул бўлади.

Стандартни ишлаб чиқишда ташкилий-методик бирлиликка эришиш мақсадида, шунингдек иш босқичларининг бажарилишини текшириш учун стандарт ишлаб чиқишнинг тўрт босқичи ўрнатилган:

1-босқич - стандартни ишлаб чиқишга техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (зарур бўлганда амалга оширилади);

2-босқич - стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрир) ва фикрларни олиш учун тарқатиш;

3-босқич - фикр-мулоҳазаларни ўрганиб чиқиш, стандарт лойиҳасини (охирги таҳририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш;

4-босқич - стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш. Изоҳ: стандартни ишлаб чиқиш босқичларини бирга қўшиб бажариш руҳат этилади.

1-босқич. Техник топшириқ меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ишларини бажариш босқичларини ўрнатиш мақсадида буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан тузилади ва одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- стандартлаштириш объекти ва қўлланиш соҳаси;

- стандартнинг бўлимлари ва стандартда ўрнатиладиган асосий талаблар рўйхати;

- стандартни ишлаб чиқиш босқичлари;

- стандарт билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

- стандарт лойиҳасини келишиш лозим бўлган бошқарув идоралари ва (ёки) корхоналар рўйхати;

- буюртмачининг бошқа талаблари.

2-босқич. Стандарт лойиҳаси манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида ва (ёки) тайёрловчи-корхоналарнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилади.

Стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзуви тузилади ва зарур бўлганда, стандартни жорий этиш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасининг лойиҳаси (кейинчалик - асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси) ишлаб чиқилади. Стандарт лойиҳаси тушунтириш ёзуви билан бирга ва

асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси билан нусхаси кўпайтирилади ва фикр олиш учун қуйидаги рўйхат бўйича манфаатдор ташкилотларга тарқатилади:

- буюртмачи-ташкилот (асосий истеъмолчи) га ёки стандартнинг лойиҳасини келишиш бўйича таянч ташкилот деб тайинланган унинг ташкилотларидан бирига;
- стандарт лойиҳасида ваколатларига қарашли талаблар ўрнатилган бўлса, давлат назорати идораларига, соғлиқни сақлаш вазирлигига, атроф-муҳитни муҳофазалаш қўмитасига;
- маҳсулотнинг бириктирилган турлари бўйича стандартлаштириш таянч ташкилотларига;
- стандартни жорий этувчи ва жорий этилишини таъминловчи ташкилотлар ва корхоналарга.

Корхона ва ташкилотлар тақдим этилган стандарт лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзади ва стандартни ишлаб чиқувчига, стандарт лойиҳасини олган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай жўнатади.

3-босқич. Ишлаб чиқувчи-етақчи ташкилот олинган фикр-мулоҳазалар асосида фикр-мулоҳазалар тўғрисида маълумот тузади.

Ишлаб чиқувчи-етақчи ташкилот ва ҳамкор бажарувчи ташкилотлар фикр-мулоҳазалар асосида стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни ишлаб чиқади ва тушунтириш ёзувига ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритади.

Ишлаб чиқувчи ташкилот ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида стандарт лойиҳаси бўйича келишмовчилик бор бўлса, ишлаб чиқувчи ташкилот келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича асосий манфаатдор ташкилотлар вакилларининг, шу жумладан стандартнинг кўрилатган лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишга ваколатланган буюртмачилар (асосий истеъмолчилар)нинг вакиллари иштирокида келишув мажлисини ўтказиши.

Стандарт лойиҳасининг аниқлик киритилган таҳрирининг алоҳида моддалари бўйича келишмовчиликлар бор бўлса, мажлис баённомасида ташкилотларнинг вакиллари бу моддалар бўйича алоҳида фикрга эга, деб кўрсатилади.

Мажлисда қабул қилинган қарорлар асосида стандарт лойиҳасининг охириги таҳрири тузилади, тушунтириш ёзуви ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритилади.

Стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни тасдиқлашга тақдим этиш олдида ишлаб чиқувчи ташкилот буюртмачи-ташкилотга (асосий истеъмолчига) келишишлик учун жўнатади.

Стандарт лойиҳасини келишишлик стандарт лойиҳаси келтирилган кундан бошлаб кўпи билан 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

Янги (такомиллаштириладиган) маҳсулот яратиш бўйича ишлар таркибида олиб бориладиган, стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда стандарт лойиҳасини қабул комиссияси, бадий-техник кенгаш (БТК), дегустация (сифатини аниқлаш) комиссияси ва бошқалар, манфаатдор ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирокида келишиб олади.

Стандарт лойиҳасининг келишилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тажриба нусханинг қабул далолатномаси (БТҚ баённомаси) дан иборат бўлади.

Стандартга киритиладиган ўзгартиришлар, агар илгари келишишган ташкилотларнинг манфаатларига таъсир этмаса, фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишиб олинади.

Стандарт лойиҳасининг охирига таҳририни тасдиқлашга тақдим этишда олдин таянч ташкилот ёки ўзига бириктирилган маҳсулотга оид ёки фаолият соҳасида стандартлаштириш бўйича ТҚ стандартни илмий-техникавий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши.

4-босқич. Ишлаб чиқувчи-ташкилот стандарт лойиҳасини тасдиқлашга қуйидаги ҳужжатлар билан бирга тақдим этади:

- илова хати;
- стандарт лойиҳасининг охириги таҳририга тушунтириш ёзуви;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- стандарт лойиҳаси 4 нусхада, бундан иккитаси биринчи бўлиши лозим;
- стандарт лойиҳасининг келишишганлигини тасдиқловчи асл ҳужжатлар;
- стандарт лойиҳасига фикр-мулоҳазалар тўплами;
- келишмовчиликлар тўғрисидаги маълумотнома;
- электрон версия;

Стандартни тасдиқлаган идоранинг қарори билан стандарт тасдиқланади ва амалга киритилади.

Ўзстандарт Агентлиги стандартни давлат рўйхатидан ўтказиши.

Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотга қўшимча талаблар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Стандарт давлат рўйхатига 4 нусхада тақдим этилади: аслият, иккинчи нусха (дубликат) ва иккита нусха.

Стандартнинг иккинчи нусхаси стандарт аслиятига ўхшаш бўлиши ва ундан зарур сифатли нусха олишни таъминлаши керак.

Стандарт давлат рўйхатига икки тилда: давлат ва рус тилларица тақдим этилиши лозим.

Стандартга зарур бўлганда киритиладиган тузатишлар қўлдан қора тушь, паста, сиёх билан аниқ ёзилиши, биринчи варақнинг орқа бетида изоҳланган ва раҳбар (раҳбар муовини) имзоси ва рўйхатдан ўтказишга тақдим этган идора (ташкилот) нинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Стандарт давлат рўйхатидан кўпи билан 5 кун муддатда ўтказилади.

Стандартни белгилаш, стандартни тасдиқлаган ташкилотдан қатъи назар, Ўзстандарт Агентлиги томонидан амалга оширилади. Стандарт белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси – O'z DSt

- рўйхатга олинган тартиб рақами;

- икки нукта билан айирилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами: масалан, O'z DST 789:1997

Стандарт аслияти, иккинчи нусхаси ва иккита нусхасининг биринчи бетларида рўйхатга олувчи идора рўйхатга олган идора номи, сана ва давлат рўйхатидан ўтган номери кўрсатилган штамп босади.

Стандартнинг иккинчи нусхаси ва бир нусха Ўзстандарт Агентлигида қолади.

Стандарт аслияти ва нусханинг иккинчиси ишлаб чиқувчига қайтарилади.

Тушунтириш ёзуви. Стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзуви тузилади.

Тушунтириш ёзувининг номида стандартнинг даражаси ва тўлиқ номи, стандарт лойиҳаси таҳрирининг тартиб рақами ва (ёки) стандартни ишлаб чиқиш босқичи тўғрисида маълумот келтирилади.

Мисол:

Тушунтириш ёзуви

Ўзбекистон давлат стандартининг лойиҳаси \_\_\_\_\_ га  
(стандарт номи)

(фикр олишга тарқатиладиган биринчи таҳрири).

Стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзувининг бўлимлари қуйидаги навбатда жойлаштирилади:

- 1) стандартни ишлаб чиқишга асос;
- 2) стандартни ишлаб чиқиш мақсадлари ва вазифалари;
- 3) стандартлаштириш объектининг тафсилоти;
- 4) стандартнинг илмий-техникавий даражаси;
- 5) стандартни жорий этишдан олинадиган техник-иқтисодий самарадорлик;
- 6) жорий этиш, стандартни амалга киритиш (амал муддати) ва стандартни текшириш;
- 7) бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқлиги;
- 8) фикр-мулоҳазалар учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумот (стандартнинг биринчи таҳриридан бошқа барча таҳрирларига фикр олиш учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумот);
- 9) стандарт лойиҳасининг (тасдиқлашга тақдим этиладиган фақат охириги таҳририга оид) келишилганлик тўғрисида маълумот;
- 10) ахборот манбалари;
- 11) қўшимча маълумотлар.

Тушунтириш ёзуви стандарт лойиҳасининг ҳар бир таҳририга тузилади, тушунтириш ёзувида стандарт лойиҳасига биринчи таҳрирга нисбатан киритилган асосий кўрсаткичлар, меъёрлар, тафсилотлар, талаблардаги ўзгартиришлар акс этирилади ва ўзгартиришларни техник-иқтисодий асослаш келтирилади.

"Стандартни ишлаб чиқишга асос" бўлимида стандартнинг қандай манбага асосан ишлаб чиқилиши кўрсатилади.



"Стандартни ишлаб чиқиш мақсадлари ва вазифалари" бўлимида ишлаб чиқиладиган стандартни қўлланиш натижасида эришиладиган охириги натижалар ва стандартни ишлаб чиқишда ҳал этиладиган масалалар келтирилади.

"Стандартлаштириш объектининг тафсилоти" бўлимида стандартнинг биринчи марта ишлаб чиқиладигани тўғрисида маълумот ёки стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланишида амал қилинаётган стандартлар, техник шартлар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг мақбуллигини техник-иқтисодий асослаш келтирилади.

"Стандартнинг илмий-техникавий даражаси" бўлимида стандартнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш натижалари ва унинг жаҳон даражасидаги талабларга мувофиқлиги келтирилади; қандай хорижий ўхшаш стандартларга мосланганлиги ва улар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

"Стандартни жорий этишдан олинadиган техник-иқтисодий самарадорлик" бўлимида стандартлаштириш объектининг иқтисодий афзалликлари, тежаш (тежамни олиш) асосий манбалари ва унинг моддий ва пул ҳисобидаги қиймати ёки ижтимоий самараси келтирилади.

"Жорий этиш, стандартни амалга киритиш (амал муддати) ва стандартни текшириш" бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

1) стандартни амалга киритиш санасини асосий тадбирлар режасини бажаришга вақтни ҳисобга олган ҳолда асослаш;

2) стандартнинг амал муддатини чекламасдан тасдиқлашни асослаш ёки стандартнинг амал қилинишини чеклаш мўлжалланган муддатини асослаш, шунингдек стандартни биринчи текшириш ва навбатдаги текширишлар муддатини асослаш.

"Фикр-мулоҳазалар учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумотлар" бўлимида қуйидагилар келтирилади:

1) стандарт лойиҳаси фикр олиш учун жўнатилган ташкилотлар (корхоналар) сони;

2) фикрларини юборган ташкилотлар корхоналар сони;

3) фикрларни кўриб чиқиш натижалари (жамланган фикрларни).

Тармоқ стандартлари. Тармоқ стандартлари O'z DSt B81 1.9:1995 "Ўз СДТ. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби" талабларига мувофиқ ТК, СТТ ва бошқа ваколатли корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

Тармоқ стандартлари тармоқ аҳамиятидаги маҳсулот, ишлар ва хизматларга нисбатан ишлаб чиқилади. Зарур бўлганда ташкилий-методик ва умумтехникавий тармоқ стандартлари ишлаб чиқилади. Ушбу объектга халқаро, давлатлараро стандартлар ёки давлат стандарти ва Ўзбекистон стандартлари мавжуд бўлса, тармоқ стандартлари маҳсулот, жараёнлар, хизматларга янада юқори талабларни ўрнатиши ва тармоқнинг ўзига ҳос хусусиятларига нисбатан қўлланиладиган номенклатура, меъёрлар ва талабларга чекловлар ўрнатиши мумкин.

Ташкилий-методик бирлиликка эришиш ва ишлар босқичларининг бажарилишини текшириш мақсадларида тармоқ стандартларини ишлаб чиқишнинг тўрт босқичи ўрнатилади:

1-босқич – стандартни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

2-босқич – стандартнинг лойиҳаси (биринчи таҳрири)ни ишлаб чиқиш;

3-босқич – стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни ишлаб чиқиш, келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш;

4-босқич – стандартни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш босқичларини бирлаштириш руҳсат этилади, бу ҳол шартномада ёки стандартни ишлаб чиқишга техник топшириқ (ТТ)да акс эттирилади.

Тармоқ стандартлари ва давлат стандартларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари бир-бирига ўхшайди, фақат тўртинчи босқич бундан мустасно, чунки тармоқ стандартларини тасдиқлаш давлат ва хўжалик бошқарув идораларига юклатилган.

Тармоқни бошқариш идораси тармоқ стандартини кўриб чиқади ва тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки ушбу идора ўриятган тартибда стандартни чаласини тўлдиришга қайтаради. Тармоқ стандартини тасдиқлашда уни амалга киритиш санаси стандартни жорий этишга тайёрлаш бўйича тадбирларни бажариш муддатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Тармоқ стандартининг амал муддати тасдиқловчи идора томонидан буюртмачи билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Маҳсулотга тармоқ стандартлари Ўзстандарт Агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Тармоқ стандартининг белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси - TSt;
- тармоқни бошқариш идорасининг шартли рақамли белгиси;
- тармоқни бошқариш идораси томонидан Ўзстандарт Агентлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда бериладиган, нукта билан ажратилган рўйхат тартиб рақами;
- икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол: TSt 45.001:1999

Маъмурий-ҳудудий стандартлар. Маъмурий-ҳудудий стандартлар O'z DSt 1.20:2001 "Ўз СДТ. Маъмурий стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби" талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Маъмурий-ҳудудий стандартлаштиришнинг асосий мақсади ҳудуд корхоналарида чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ва рақобатбардошлигини оширишга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш йўли билан кўмаклашишдан иборат:

- кўрсаткичлари ва тафсилотлари ўхшаш маҳсулотга давлатлараро, давлат ва тармоқ стандартларининг талабларидан устунлик қиладиган (ёки) уларни равшанлаштирадиган стандартларни, шунингдек ҳудуд учун хос маҳсулот( хизматлар) га юқорироқ даражали меъёрий ҳужжат йўқ бўлганда қабул қилиш;

- моддий, хом ашё, энергетик, одам ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш;

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари;

- ишлаб чиқаришни бошқариш ташкилий тузилмасини ривожлантиришнинг янада мақбул усулини танлаш мақсадида таҳлил қилиш;

- корхонанинг маҳсулот навлари бўйича сиёсатини ва чиқарилаётган маҳсулотни янгилаш, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш дастурини ишлаб чиқишни ўрганиш;

- чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш, алоҳида нав гуруҳлари учун маркетинг тадқиқотларининг дастурини яратиш;

- маҳсулотнинг асосий техник ва иқтисодий кўрсаткичларини илгари ишлаб чиқилган мамлакатимиз ва хорижий аналогларнинг мос кўрсаткичлари (агар шундай аналоглар бор бўлса) билан таққослаш;

- ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишга умумий сарфлар энг кам бўлгани ҳолда чиқариладиган маҳсулотнинг талаб этилган сифат даражасини таъминлаш;

- маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда ҳақиқий рақобатбардошлик даражасини баҳолаш;

- бойликларнинг тежалишини таъминлаш.

Маъмурий-ҳудудий стандартлаштириш объектлари ушбу ҳудуд учун хос маҳсулот, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш: ва бошқариш соҳасидаги талаблар, меъёрлар ва қоидалар, маҳсулот (жараёнлар ва хизматлар) сифатини таъминлаш тизимлари ва усуллари билан иборат.

Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилиш, Давлат табиат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий идоралари ёки маҳаллий ҳукумат идораларининг топшириғи бўйича ҳудуддаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлари маъмурий-ҳудудий стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқувчилари бўлиши мумкин.

Маъмурий-ҳудудий стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари давлат стандартларини ишлаб чиқиш босқичларига ўхшайди.

Маъмурий-ҳудудий стандарт маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ёки уларнинг топшириғи бўйича ҳудудий бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Маҳсулотга маъмурий-ҳудудий стандарт Давлат рўйхатидан Ўзстандарт Агентлигининг ҳудудий идоралари томонидан ўтказилади.

Маъмурий-ҳудудий стандарт белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси - MHSt;

- МНББТ (маъмурий-ҳудудий бўлинмаларни белгилаш тизими)га мувофиқ маъмурий-ҳудудий бирликнинг коди;

- дефис билан ажратилган рўйхатнинг тартиб рақами, тасдиқловчи идора томонидан берилади;

- икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол - MHSSt 1703202830-PP1:1999, бунда

MHSSt - маҳаллий-худудий стандарт;

17 - Ўзбекистон Республикаси;

03 - Андижон вилояти;

202 - Олтинкўл тумани;

830 - "Маслаҳат" аҳоли яшайдиган худуд.

Корхоналарнинг стандартлари. Корхоналарнинг стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, нашр этиш ва бекор қилиш тартибини корхона O'z DSt 1.3:1992 Ўз СДТ, "Корхонанинг стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби" давлат стандартининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатади.

Корхона стандартлари қуйидагиларга бўлинади:

- ташкилий-методик;

- ушбу корхонада чиқариладиган маҳсулот, жараён ва хизматларга, шу жумладан:

1) маҳсулотнинг таркибий қисмлари, технологик мослама ва асбоб;

2) технологик жараёнлар, шунингдек уларга умумий технологик меъёрлар ва талаблар (атроф-муҳит, одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади);

3) корхона ичида кўрсатиладиган хизматлар;

4) ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш жараёнлари, маҳсулот, (жараёнлар, хизматлар)нинг сифатини таъминлаш, ишлаб чиқаришни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича ишларни бажаришда ташкиллаш-тиришнинг умумий вазифалари.

Корхона стандартларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган корхоналар томонидан амалга оширилади. Зарур бўлган ҳолларда корхонанинг буюртмаси бўйича корхона стандартларининг лойиҳасини ТҚ ёки СТТ ишлаб чиқади.

Чет истеъмолчиларга етказиб бериш (харидга чиқариш) учун мўлжалланган маҳсулот (жараёнлар, хизматлар)га янгитдан ишлаб чиқиладиган, қайта кўриб чиқиладиган корхона стандартлари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар келишишлиги лозим.

Корхона стандарти асосий истеъмолчилар билан келишилади ва зарур бўлганда, касаба уюшма идоралари, давлат назорати идоралари, Давархитектурақурилиш, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ёнғиндан сақлаш, транспорт ташкилотлари ва б. билан ҳам келишилади.

Корхона стандартини корхона раҳбари (раҳбар муовини) буйруқ ва (ёки) стандартнинг биринчи бетида имзо чекиб, "Тасдиқлайман" грифи билан тасдиқлайди. Корхона стандартини буйруқ билан тасдиқлашда буйруқда стандартни амалга жорий этиш санаси белгиланади ва зарур бўлганда стандартни жорий этиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар тасдиқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг қарори бўйича корхона стандартининг амал муддати чекланиши мумкин.

Чет истеъмолчиларга харидга чиқариладиган маҳсулотга корхона стандарти Ўзстандарт Агентлиги идораларида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Корхона стандартларининг белгиси қуйидагилардан иборат:

- ҳужжат индекси - KSt;

- Корхоналарни ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг саккиз даражали коди;

- дефис билан ажратилган, корхона томонидан берилган рўйхатнинг учта рақамли тартиб номери;

- икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами;

Мисол: KSt 00000359-143:2006.

Техник шартлар. Техник шартларнинг лойиҳалари техник қўмиталар ва стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар томонидан, шунингдек ТҚ билан келишилган ҳолда бошқа ваколатли ташкилотлар ва корхоналар томонидан O'z DSt 1.2:1992 "Ўз СДТ.

Техник шартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби"га асосан ишлаб чиқилади.

Техник шартлар ушбу маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган юқорироқ даражали стандартлар ва техник шартлар йўқ бўлганда ва талабларни янада жиддийлаштириш зарур бўлганда, шунингдек ушбу тармоқнинг икки ва бундан ортиқ корхоналарида чиқариладиган маҳсулотга ишлаб чиқилади. Техник шартларда ўрнатиладиган талаблар ушбу маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган амалдаги стандартларнинг талабларидан паст бўлмаслиги ва бошланғич маҳсулот (буюмлар, материаллар, моддапар) га стандартлар ва техник шартларнинг талабларига зид келмаслиги лозим.

Техник шартларнинг лойиҳалари, агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш тўғрисида қарорни қабул комиссияси қабул қиладиган бўлса, қабул комиссия билан келишиб олинади. Ишлаб чиқувчи техник шартлар лойиҳасини буюртмачи (истеъмолчи) билан келишиб олади ва қабул комиссияси билан келишилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар билан бирга вакиллари қабул комиссия таркибига кирган ташкилотлар (корхоналар)га, комиссиянинг иши бошланишида олдин бир ойдан кечиктирмай жўнатади.

Техник шартлар лойиҳасини давлат назорат идораларига келишишга ва қабул комиссиясининг аъзолари бўлмаган, манфаатдор бошқа ташкилотларга хулоса учун жўнатиш зарурлигини ишлаб чиқувчи аниқлайди.

Маҳсулотнинг тажриба нусхаси (тажриба тўпи)ни қабул қилинганлик далолатномасига қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзо қўйилиши техник шартлар лойиҳасининг келишилганлигига ифода қилади. Агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш тўғрисида қарор қабул комиссиясиз қабул қилинса, техник шартлар лойиҳаси келишиш учун буюртмачи (истеъмолчи) га юборилади.

Касаба уюшмаси идоралари, давлат назорат идоралари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлаттабиатқўмита, Давлатархитектурақурилиш, ёнилғи хавфсизлиги, транспорт ташкилотлари ва бошқаларнинг ваколатларига тегишли талабларни ўз ичига олган техник шартларнинг лойиҳалари бу ташкилотлар билан келишилиши лозим. Бошқа манфаатдор ташкилотлар ваколатига тегишли талаблар мавжуд бўлган техник шартларнинг лойиҳалари бу ташкилотлар билан келишилиши лозим. Бошқа манфаатдор ташкилотлар ваколатига тегишли талаблар мавжуд бўлган техник шартларнинг лойиҳасини келишиш учун бу ташкилотларга жўнатиш зарурлигини ишлаб чиқувчи аниқлайди.

Техник шартларнинг лойиҳасини келишиш "Келишилган" грифи остида келишувчи ташкилот раҳбари (раҳбар муовини) нинг имзоси билан ёки алоҳида ҳужжат (қабул комиссиясининг далолатномаси, хат, баённома ва ҳ.к.) билан расмийлаштирилади. Бунда "Келишилган" грифи остида сана ва ҳужжатнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Техник шартларни ишлаб чиқувчи (тайёрловчи) буюртмачи билан келишилган ҳолда ёки ишлаб чиқувчи (тайёрловчи) буюртмачи билан биргаликда тасдиқлайди.

Техник шартлар (техник шартларга ўзгартиришлар) нинг тасдиғи ҳужжатнинг сарварағида "Тасдиқлайман" грифи остида корхона раҳбари (раҳбар муовини) нинг имзоси билан расмийлаштирилади.

Техник шартлар буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилган ҳолда кўпи билан 5 йил амал муддатига тасдиқланади. Асосланган ҳолларда амал муддати чекланилмасдан тасдиқланади.

Келишилган ва тасдиқланган техник шартлар, ушбу техник шартларни тасдиқлаган корхона жойлашган жойдаги Ўзстандарт Агентлигининг идорасига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади. Техник шартлар белгиси куйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат белгиси - TSh;
- давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, хўжалик юритувчи субъектларнинг икки даражали шартли белгиси;
- хўжалик юритувчи субъектлар учун дефис билан ажратилган, корхоналар ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) бўйича саккиз даражали код;
- икки нукта билан ажратилган, тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол:

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари учун TSh 10-01:1998

Хўжалик юритувчи субъектлар учун TSh 64-15866012-03:1998.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш тартиби давлат стандарти O'z DSt 1.8:1994 "Ўз СДТ. Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби" да белгиланган.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар қуйидаги ҳолларда ишлаб чиқилади:

- ташкилий-методик ёки умумтехникавий тарздаги стандартлаштириш объектларига талаблар ушбу объектларга хос стандартларни ишлаб чиқишдан аввал амалда текширилиши лозим бўлган ҳолларда;

- методларнинг (маҳсулот сифатини текшириш ва синаш методлари бундан мустасно) хос ташкилий-методик стандартлари ва умумтехникавий стандартларининг талабларини тўлдириш лозим бўлганда;

- ташкилий-методик тарздаги талаблар O'z DSt 1.0:1998 (стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш идоралари ва хизматларининг ваколатини белгиловчи раҳбарий ҳужжатлар, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларни режалаштириш тартиби тўғрисида, давлат назорати тўғрисида раҳбарий ҳужжатлар ва х.к.) бўйича стандартлаштириш объектлари бўлмаган ҳолларда;

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амалдаги стандартларнинг талабларини такрорламаслиги ёки уларга зид келмаслиги лозим.

Раҳбарий ҳужжатлар мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- йўриқномалар (қоидалар);

- методик кўрсатмалар;

- низомлар (намунавий низомлар).

Раҳбарий ҳужжатлар белгиланган амал доирасида ва қўлланиш соҳасида мажбурий бўлади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амал қилиниш доирасига қараб тармоқлараро (давлат) ва тармоқ хилларга ажралади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, шунингдек ТҚ, СТТ ва тадбиркорлик субъектлари томонидан, давлат стандартларига ўхшаш ишлаб чиқилади.

Тармоқ даражасидаги раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни тасдиқловчи, тармоқ бошқарув идоралари томонидан ўриатилади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амал муддатини чекламасдан ёки чекланган муддатга тасдиқланади.

Одатда, талаблари амалда текширилиши лозим бўлган раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар чекланган муддатга тасдиқланади.

Тармоқлараро (давлат даражасида) қўлланишга мўлжалланган раҳбарий ҳужжат ёки тавсияномаларнинг белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси - давлат даражасидагилар учун O'z RH (O'z T) ёки тармоқ даражасидагилар учун RH (T);

- Ўзстандарт Агентлиги томонидан бериладиган, ҳужжатни тасдиқлаган идоранинг икки даражали шартли белгиси;

- дефис билан ажратилган, рўйхатга олиш уч даражали тартиб рақами;

- икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол:

O'z RH 51-067:1998

O'z T 51-052:1996

### **3. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар.**

Бугунги кунда стандартлаштириш бўйича қуйидаги халқаро ташкилотлар (1-жадвал) фаолият юритмоқда:

**1-жадвал. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар**

<b>Т/р</b>	<b>Ташкилотнинг қисқача номланиши</b>	<b>Ташкилотнинг инглиз тилида номланиши</b>	<b>Ташкилотнинг ўзбек тилида номланиши</b>
1	ISO	International Standarts Organization	Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот
2	IEC/CEI	International Electrotechnical Commission	Халқаро электротехник комиссия
3	CEN	European Committee for Standardization	Стандартлаштириш бўйича Европа комитети
4	CENELEC	European Committee for Electrotechnical Standardization	Электротехника ва электроника соҳасида стандартлаштириш бўйича Европа комитети
5	ETSI	European Telecommunications Standarts Institute	Телекоммуникациялар соҳасида стандартлаштириш бўйича Европа институти
6	ITU	International Telecommunication Union	Халқаро электралоқа иттифоқи
7	OIWIL	International Organization of Legal Metrology	Қонунлаштирувчи метрология бўйича халқаро ташкилот
8	BIPM	Le Bureau International des Poids et Mesures	Тош ва тарозиларнинг халқаро бюроси
9	WELMEC	Organization of European national legal metrology services	Ғарбий Европа қонунлаштирувчи метрология ташкилоти
10	WMO	World Meteorological Organization	Умумжаҳон метеорология ташкилоти
11	EUROMET	European Collaboration on Measurement Standards	Эталонлар бўйича Европа ҳамкорлиги
12	EOQ	European Organization for Quality	Сифат бўйича Европа ташкилоти
13	UN/ECE	United Nations Economic Commission for Europe	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси
14	EA	European Accreditation of Sertification	Аккредитлаш бўйича Европа ҳамкорлиги
15	ILAC	International Laboratory Accreditation Cooperation	Лабораторияларни аккредитлаш бўйича халқаро конференция
16	APLMF	Asia-Pacific Legal Metrology Forum	Қонунлаштирувчи метрология бўйича Осиё-Тинч Океани форуми
17	IFAN	International Federation of Standards Users	Стандартлардан фойдаланувчиларнинг халқаро федерацияси


18	COPANT	Pan American Standards Commission	Стандартлар бўйича Пан-Америка комиссияси
19	PASC	Pacific Area Standards Congress	Тинч Океани бассейни мамлакатларининг стандартлаштириш бўйича конгресси
20	ASEAN	Association of Southeast Asian Nations	Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ассоциацияси
21	APEC	Asia-Pacific Economic Cooperation	Тинч Океани иқтисодий ҳамкорлиги
22	WHO	World Health Organization	Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти
23	WTO	World Trade Organization	Умумжаҳон Савдо ташкилоти
24	EASC	EuroAsia Council on Standardization, Metrology and Certification	МДХнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСО 1947 йилда ИСО низоми тасдиқлангач, расмий равишда иш бошлади. Халқаро товар айрибошлаш ва ўзаро ёрдамни осонлаштириш ҳамда интеллектуал, илмий, техник ва иқтисодий фаолиятда ҳамкорликни кенгайтириш учун стандартлаштиришни дунё миқёсида ривожланишига таъсир кўрсатиш ташкилотнинг мақсади ҳисобланади. Стандартлаштириш бўйича миллий органлар ИСО аъзолари бўлиб ҳисобланади. ИСОнинг қонуний органи бўлиб барча миллий ташкилотлар вакилларининг умумий йиғилишлари ҳисобланади. Бу йиғилиш "Бош Ассамблея" деб номланади ва ИСО фаолиятидаги муҳим масалаларни ечади ва унинг сиёсатини аниқлайди. Ташкилот бошида президент туради. У ҳар 3 йилда қайта сайланади. Ташкилотнинг амалий ишларини шу ташкилотнинг кенгаши олиб боради. "Халқаро стандартларни яратиш бўйича" "ИСО"нинг ишчи органи бўлиб, техник комитетлар ва ишчи гуруҳлар ҳисобланади.

Аниқланган масала ва таклифларни қайта ишлаш мақсадида ташкилотда 7 та комитет (қўмита) иш олиб боради. Булар қуйидагилар:

- Техникавий бюро (ПЛАКО);
- Стандартлаштириш тамойилларини ўрганиш бўйича комитет (СТАКО);
- Мувофиқликни баҳолаш бўйича комитет (КАСКО);
- Илмий-техник ахборотларни ўрганиш комитети (ИНФКО);
- Ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш бўйича комитет (ДЕВКО);
- Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш комитети (КОПОЛКО);
- Стандарт намуналар бўйича комитет (РЕМКО);

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСО-стандартлаштириш бўйича халқаро илмий-техник ташкилотдир, унинг таркибига 80дан ортиқ давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари киради.



**10.1-расм. ИСОнинг ташкилий тузилмаси.**

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими.
2. Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари.
3. Стандартлаштиришнинг турли даражадаги объектлари учун норматив ҳужжатларнинг белгиланишлари.
4. Стандартларни ишлаб чиқиш босқичлари.
5. Техник шартлар нима?
6. Раҳбарий ҳужжатлар.
7. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот ИСОнинг фаолияти.
8. Халқаро электралоқа иттифоқи нима билан шуғулланади?

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Латипов В.Б. Межотраслевые системы стандартизации. – Т., НИИСМС, 2008. – 284 с.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
3. Сергеев А.С., Латышев М.В., Терегеря В.В. Метрология, Стандартизация и сертификация. Учебное пособие. М. Логос. 2003.-536 с.



**12-маъруза. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида  
стандартлаштириш ва маҳсулотлар тўғрисидаги  
маълумотларни кодлаш**

**Режа:**

**1. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштириш тизимини ривожлантириш концепцияси (К 014:2003).**

**2. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш.**

1. UNICON.UZ маркази томонидан ишлаб чиқилган ушбу Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштириш тизимини ривожлантириш концепциясида Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимининг мақсад ва вазифалари келтирилган. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизими мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон стандартлаштириш Давлат тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва у халқаро, давлатлараро ҳамда минтақавий тизимлари билан уйғунлашган бўлиши керак.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- фойдаланиладиган телекоммуникациянинг техник воситалари, аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкнинг хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи тақдим этиладиган хизматларнинг сифат масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоялаш;
- алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг сифатини фан ва техникани ривожлантириш даражасига мувофиқ ва аҳоли эҳтиёжларини ҳамда мамлакат иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда ошириш;
- телекоммуникациялар техник воситалари ва тақдим этиладиган хизматларнинг мослашувчанлиги ва ўзаро алмашинувини таъминлаш;
- ўлчашлар бирлигини таъминлаш;
- барча турдаги манбаларни тежашга кўмаклашиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;
- савдо - иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш;
- ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техника дастурларини меъёрий таъминлаш;
- табиат ва техноген ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келишини ҳисобга олган ҳолда хўжалик объектлари хавфсизлигини таъминлашга ёрдам кўрсатиш;
- мудофаа қобилияти ва сафарбарликка тайёргарликни таъминлаш учун кўмаклашиш.

Кўрсатилган мақсадлар саноати ривожланган мамлакатларни халқаро ва минтақавий стандартлаштириш тизимларининг асосий қоидаларига мос келади.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар энг долзарб ҳисобланади:

- истеъмолчилар ва давлат манфаатлари учун тақдим этиладиган хизматларнинг сифати ҳамда номрўйхатига оптимал талабларни қўйиш;
- истеъмолчиларга тақдим этиладиган хизматларга тегишли талабларни белгиладиган норматив ҳужжат тизимини яратиш, шунингдек, ушбу ҳужжатдан тўғри фойдаланиш юзасидан назорат қилиш;
- стандартларнинг талабларини халқаро, давлатлараро, ҳудудий ва саноати ривожланган мамлакатларнинг миллий стандартларининг талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- метрологик меъёрлар, қоидалар, низомлар ва талабларини белгилаш;
- халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро тажрибадан фойдаланиш, халқаро, давлатлараро ва ҳудудий стандартлаш-тиришда фаол иштирок этиш;
- халқаро, давлатлараро, ҳудудий ва хорижий мамлакатлар стандартларини қўллаш амалиётини кенгайтириш;
- маҳсулот сифатининг синовлари, сертификатлаштирилиши, баҳоланиши ва назоратининг меъёрий таъминоти.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- техник, ижтимоий зарурияти ва мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги;

- ўзаро боғланган объектларни ялпи стандартлаштириш, шу жумладан ушбу объектларга келишилган талабларни ишлаб чиқиш асосида ва норматив ҳужжатларни амалга киритиш муддатларига боғлиқ ҳолда метрологик таъминлаш;
- норматив ҳужжатларнинг фан, техника, илғор тажрибанинг замонавий ютуқларига, қонун ҳужжатларининг актларига мувофиқлигини таъминлаш;
- барча даражалардаги стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва келишилганлиги, бошқарувнинг турли даражаларида стандартлаштиришнинг ўхшаш объектларига норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг бир-бирини такрорлашини истисно қилиш;
- стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатлар, дастурлар ва иш режалари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги;
- аксарият манфаатдор томонларнинг келишувига эришиш асосида норматив ҳужжатларни тасдиқлаш;
- сертификатлаштириш ва метрология мақсадлари учун норматив ҳужжатларнинг яроқлилиги;
- стандартлаштириш соҳасида замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини меъёрий таъминлаш бўйича ишлари алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғланиши, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, стандартлаштириш Давлат тизими талабларига мос келиши ва қуйидаги асосий тамойилларга таяниши керак:

- **илгарилаш тамойиллари.** Алоқанинг янги ва истиқболли воситалари ҳамда хизматларини меъёрий таъминлаш бўйича ишлари илгарилаш хусусиятига эга бўлиши ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш коммуникациясининг илғор технологияларини кенг жорий этишга имкон бериши керак;
- **тизимлилик тамойиллари.** Меъёрий таъминлашнинг тизимлилик тамойили - турли стандартлаштириш объектлари (уларни тузиш ва қўллашда) ва ушбу объектларга тегишли талаблар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва ҳисобга олиш, шунингдек бунинг асосида стандартлаштириш бўйича ўзаро боғлиқ талабларни келишиб олиниши, уларнинг оқилона бир хиллаштирилиши ва турли норматив ҳужжатлардаги талабларнинг бир-бирини такрорламаслигини таъминлаш. Тизимлилик тамойилига риоя этиш шу билан бирга амалга оширишни режалаштиришнинг вақти ва кетма-кетлиги бўйича меъёрий таъминлаш ишларини ташкил этишда келишувни тақозо этади;
- **комплекслик тамойили.** Меъёрий таъминлашнинг комплекслик тамойили ишлаб чиқишдан фойдаланишгача бўлган даврнинг барча босқичларида алоқа воситаларига ўзаро боғлиқ бўлган талабларни белгилаш билан амалга оширилади;
- **самарадорлик тамойили.** Меъёрий таъминлашнинг самарадорлик тамойили бир томондан алоқа хизматларини кўрсатиш, уларнинг сифати, номрўйхати ва кишилар ҳаёти ҳамда саломатлигининг хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни, бошқа томондан эса алоқа воситалари ва хизматларининг рақобатбардошлигини, меҳнат унумдорлигини оширишга, инсоний ва моддий ресурсларнинг тежалишига алоқа корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишини осонлаштиради;
- **уйғунлаштириш тамойили.** Меъёрий таъминлашнинг уйғунлаштириш тамойили алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида янги ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳамда алоқа воситалари ҳамда хизматларини хорижий бозорларга экспорт қилиш учун шароитлар яратиш мақсадида ватанимиздаги стандартларни халқаро (худудий) стандартлари ва тавсияларига изчиллик билан яқинлашишини кўзда тутди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меъёрий таъминлашнинг устувор йўналишлари. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини меъёрий таъминлаш ҳолатининг таҳлили алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштиришнинг асосий объектлари учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилашга имкон беради:

- 1) Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш Комплекс дастурини халқаро ХЭИнинг Тадқиқот комиссиялари ва ЕТСИ техник қўмиталарининг ишлари доирасида халқаро (худудий) стандартлаштиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш.

2) Маънавий жиҳатдан эскирган давлат стандартлари ва тармоқ стандартларини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида халқаро (худудий) стандартларининг меъёрлари ҳамда тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.

3) Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартиби белгиладиган тармоқнинг энг муҳим стандартларини янгилаш.

4) Атамага оид стандартларни қуйидаги соҳаларда ишлаб чиқиш:

- оптик-толали узатиш тизимлари;
- интеллектуал алоқа тизимлари;
- хизматларнинг интеграцияси билан кенг полосали рақамли алоқа тармоқлари;
- кўчма абонент тизимлар;
- ахборотлаштириш-телекоммуникация тармоқлари;
- сигнализациялаш ҳамда синхронлаштиришнинг тармоқлари ва тизимлари;
- ахборот технологиялари;
- радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениенинг тизимлари ва қурилмалари;
- алоқа воситаларининг электромагнит мослашувчанлиги;
- алоқа тизимлари ва воситаларининг сифатини ҳамда сертификатлаштирилишини бошқариш;
- ахборот хавфсизлиги.

5) Умумий фойдаланиш алоқа тармоғи, почта алоқаси ўлчашлар бирлигини таъминлаш, сифатни сертификатлаштириш ва менеджмент тизимининг ишлаши, ривожланиши ҳамда такомиллашини таъминладиган энг муҳим ташкилий-техник норматив ҳужжатларни, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштиришнинг комплекс дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

6) Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, давлат бошқарув органлари ва юридик шахсларнинг бирлашмалари томонидан белгиладиган меъёрлар ва қоидаларга техник регламентларни товарларга ёки уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлари ва усулларига қўйилган мажбурий талаблардан иборат бўлган ҳолларда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

7) Бошқарув таркибини, процедураларини ва ўзаро муносабатини, тизимлар ва аппаратуралар учун асосий параметрлар ва қўйиладиган умумий техник талабларини белгиладиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

8) Телекоммуникация тармоқларига қўйиладиган умумий техник талаблар ва асосий қоидаларни белгиладиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

9) Телекоммуникациянинг илғор технологиялари ва аппаратларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган канал ва трактларнинг, электр параметрлари ҳамда тавсифлари учун меъёрларни ва ўлчаш усулларини белгиладиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

10) Алоқа, маълумотлар узатиш, эшиттириш, телевидение, сигнализациялаштириш, хабардор қилиш техник воситаларини асосий параметрлари, техник талаблар ва синаш усулларини белгиловчи, махсус мўлжалланган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш (СОРМ).

11) Алоқа хизматларининг асосий қоидаларни, таснифлашни, номрўйхатни, фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятини ва бошқа асосий турдаги талабларни белгиладиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

12) Телекоммуникация техник воситаларининг электромагнит мослашуви бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

13) Меҳнат хавфсизлиги, алоқа техник воситалари ва хизматлари, шу жумладан экологик ва электромагнит хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда, назорат қилиш ва таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

14) Ахборот телекоммуникация тармоқлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлиги бўйича норма тип ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

15) Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштириш бўйича ишларнинг ахборот таъминоти бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

16) ИСО халқаро стандартларнинг талабларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маҳсулот ҳамда алоқа хизматларининг сифатини таъминлаш ва бошқарув процедураларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

17) Телекоммуникация тизимлари, тармоқлари ва техник воситаларининг ишончилиги ҳамда бардошлилигига (чидамлилигига) қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

18) Алоқа объектларини лойиҳалаштириш ва қурилиш усуллари учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

## **2. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш.**

Баъзан бирор маҳсулот харид қилганимизда унинг кўринарли жойида ёки этикеткасида хар хил қалинликдаги чизиклар ва рақамлар билан белгиланган шаклларни кўришимиз мумкин, Уларга штрих-код номи берилган. Хўш, штрих-кодлар нима ва қачон пайдо бўлган?

Штрих кодларни маҳсулотларга нисбатан татбиқ этиш ғояси илк бора 30-йилларда АҚШнинг Гарвард бизнес мактабида яратилган бўлиб, ундан амалда фойдаланиш бир неча ўн йиллардан сўнггина, яъни 60-йиллардан бошланган. Штрих кодларни дастлабки қўлловчилар темирйўлчилар бўлиб, шу усул орқали темир йўл вагонларини идентификациялашган. Микропроцессор техникасининг гуркираб ривожланиши 70-йиллардан бошлаб штрих кодлардан кенг равишда фойдаланиш имконини яратди. 1973 йил АҚШда Маҳсулотнинг Универсал Коди (IPC) қабул қилиниб, 1977 йилдан бошлаб эса Европа кодлаш тизими EAN (European Article Numbering) таъсис этилди ва ҳозир ундан нафақат Европада, балки бошқа минтақаларда ҳам кенг равишда фойдаланилмоқда.

Штрих код кетма-кет алмашиб келувчи қора (штрих) ва оқ (пробел) рангли, турли қалинликдаги чизиклардан иборат бўлиб, бу чизикларнинг ўлчамлари стандартлаштирилган. Штрих-кодлар махсус оптик қурилмалар - сканерлар ёрдамида ўқишга мўлжалланган. Унинг воситасида микропроцессорлар орқали штрихлар рақамларга декодерланиб, маҳсулот ҳақидаги маълумотлар компьютерга узатилади.

Кўпгина иқтисодий ривожланган давлатларда маҳсулотнинг ўрамида (упаковкасида) штрих коднинг бўлиши мажбурий саналади. Акс ҳолда савдо ташкилотлари маҳсулотдан воз кечишлари мумкин. Бу халқаро савдога ҳам тегишлидир. Ушбу тизимнинг иқтисодий жиҳатдан самаралилиги маҳсулотнинг 85 фоиздан кўпи кодлаштирилганида намоён бўлади. Бундан ташқари маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжларни шакллантириш, жамлаш, ҳисобга олиш, маҳсулотнинг келиш-кетишини ҳисоб қилиб бориш, муҳосиблик ҳисобларида ва ҳужжатларни расмийлаштиришда, ҳамда маҳсулотларни сақлаш ва сотувидаги назоратларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутаяди.

Асосан EANнинг икки кодидан кўпроқ фойдаланилади: 13 разрядли ва 8 разрядли рақамли кодлар. Бунда энг ингичка штрих бирлик сифатида олинади. Ҳар бир рақам ёки (разряд) икки штрих ва икки пробелдан иборат. 13 разрядли коднинг таркибида қуйидаги кодлар кўрсатилади;

- давлат коди («давлат байроғи»);
- корхона (фирма)- тайёрловчи коди;
- маҳсулотнинг коди;
- назорат сони.

EAN ассоциацияси турли давлатлар учун кодлар ишлаб чиққан бўлиб, ушбу кодлардан фойдаланиш учун марказлашган тарзда лицензиялар тавсия этади. Масалан, Франция учун давлат коди сифатида 30-37, Италия учун 80-87 оралиқлари тавсия этилган. Баъзи давлатларнинг кодлари уч хонали сонлардан иборат. Масалан, Греция - 520, Россия - 460, Бразилия - 789.

Тайёрловчи корхонанинг коди ҳар бир давлатда тегишли органлар томонидан тузилади. Одатда, бу код бешта рақамдан иборат бўлиб, давлат кодидан кейин келади.

Маҳсулот коди тайёрловчи томонидан тузилади ва у ҳам бешта рақамдан иборат бўлади. Бу коднинг расшифровкаси стандарт эмас, у маҳсулотга таллуқли бўлган муайян хусусиятларни (белгиларни) ёки фақат тайёрловчининг ўзигагина маълум бўлган ва у маҳсулотнинг қайд этиш тартиб рақамини ифодалаши ҳам мумкин. Лекин буни ихтиёрий бермаслик мақсадида штрихли кодларни белгилаш марказлаштирилган тарзда олиб борилади.

Нazorat сони EAN алгоритми бўйича кодни сканер воситасида тўғри ўқилганлигини текшириш учун хизмат қилади.

EAN-8 коди узун кодларни белгилаб бўлмайдиган кичик ўрамлар (упаковкалар) учун

мўлжалланган, EAN-8 коди қуйидаги кодлар тартибидан иборат:

- давлат коди («давлат байроғи»);
- корхона (фирма)- тайёрловчи коди;
- назорат сони.

Баъзан тайёрловчи корхона кодининг ўрнига маҳсулотнинг қайд этиш тартиб рақами келтирилиши ҳам мумкин.

Рақамлар қатори сканер учун эмас, балки харидорлар учун мўлжалланган. Талабгор (харидор) учун маълумот фақат маҳсулот тайёрланган давлатни билдириш билан чегараланади, чунки давлат коди махсус нашрларда ва маълумотномаларда келтирилиб туради ёки маълумот базаларида ва банкларида сақланиши мумкин. Тўлиқ штрихли код ташқи савдо ташкилотларига ёки савдо объектларига маҳсулотнинг контракт (шартнома) талабларига мос келмайдиган параметрлари ва кўрсаткичлари борасида аниқ манзилга раддия ёки норозилик билдириш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикасида штрих кодлар тобора кенг татбиқ этилиб бормоқда. 1999 йили Ўзстандарт қошидаги метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малака ошириш институтида штрих кодлар масалалари билан шуғулланувчи марказ ташкил этилди. Ушбу марказнинг таъсис этилишидан мақсад - маҳсулотларни автоматлаштирилган тарзда идентификациялаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш ва бу фаолиятни кенг равишда тарғиб этишдир, Албатта, бунда халқаро меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда кодлашнинг стандартлаштирилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида штрихли кодлашнинг татбиқ этилиши энг аввало, 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» номли Қонунининг 4-моддасида кўрсатилган - истеъмолчининг харид қилинаётган маҳсулот ҳақида зарур ва ишончли маълумот олиш ҳуқуқини амалга оширишда янги замин яратади.


Штрихли кодлаш ишлаб чиқариш корхоналари учун қуйидаги имкониятларни яратади:

- автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг татбиқ этилишини осонлаштиради;
- ишлаб чиқариш, маҳсулотни сақлаш ва реализация қилиш каби фаолиятлардаги ҳисоб-китоб ишларининг самарадорлигини оширади;
- ресурсларни чуқур таҳлил қилиш имкониятини беради;
- ҳужжатлар айланишини қисқартиради;
- маҳсулотни реализация қилиш ва ҳаракати ҳақидаги ишончли маълумотларни мунтазам равишда йиғишни йўлга қўйиш мумкин;
- бошқарув ва назорат идораларига тезкор равишда маҳсулот хусусидаги маълумотларни тавсия этиш.


Бироқ харидор сотиб олаётган маҳсулотининг фақат тайёрланган давлати борасидаги маълумотнигина эмас, балки тегишли барча маълумотларни ҳам билишни истайди. Бу муаммо ҳам вақти келиб стандартлаштириш йўли билан тасдиқланувчи стандартларнинг мажбурий талабларининг рўйхатини кенгайтириш лозим бўлади.

**1-жадвал. Махсулотнинг штрихли кодланиши учун айрим давлатларнинг EAN коди.**

<i>Давлат Коди</i>	<i>Давлат номи</i>	<i>Давлат коди</i>	<i>Давлат номи</i>	<i>Давлат коди</i>	<i>Давлат номи</i>
93	Австралия	539	Ирландия	383	Словения
90-91	Австрия	569	Исландия	00-09	АҚШ ва Канада
779	Аргентина	84	Испания		Туркия
54	Бельгия ва Люк- сембург	80-83	Италия	869	Финляндия
380	Болгария	529	Кипр	64	Франция
789	Бразилия	690	Хитой	30-37	Чехия
50	Б. Британия	850	Куба	859	Чили
599	Венгрия	750	Мексика	780	Швеция
759	Венесуэла	87	Нидерландия	73	Швейцария
400-440	Германия	94	Я.Зеландия	76	Югославия
489	Гонконг	70	Норвегия	860	Жанубий Корея
520	Греция	590	Польша	880	Япония
57	Дания	560	Португалия		Узбекистан
		460-469	Россия	45-49	



**1-расм. 13 разрядли EAN коди.**



2-расм. 8 разрядли EAN коди.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Соҳавий стандартлаштириш тизимининг мақсад ва вазифалари.
2. Соҳавий стандартлаштириш тизимининг асосий тамойиллари.
3. Соҳавий стандартлаштириш тизимининг устувор йўналишлари.
4. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни стандартлаштириш.
5. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни кодлаш.
6. Штрих-кодлар ва улардан фойдаланиш.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. К 013:2003. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини стандартлаштириш тизимини ривожлантириш концепцияси.
3. Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни.

### **13-майруза. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунчалар ва сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари**

**Режа.**

- 1. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунча ва атамалар.**
- 2. “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонун шарҳлари.**
- 3. Сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва миллий тизим.**

#### **1. Сертификатлаштириш бўйича асосий тушунча ва атамалар.**

Сертификатлаштириш маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш шаклларида бири сифатида бутун дунёда тан олинган. Сертификатлаштириш учун сертификатлаштириш объектлари ва субъектларига ягона талабларни белгилаган меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт.

Атамалар ва таърифларнинг бирлиги қўйилган вазифаларни тушуниш ва сертификатлаштириш процедураларини муваффақиятли ўтказиш учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасида халқаро стандарт ИСО/МЕК 2:1996 "Стандартлаштириш ва ёндош фаолият турлари. Умумий луғат" асосида яратилган O'z DSt 5.5:1999 "Ўз СМТ. Асосий атамалар ва таърифлар" ва сифат менежменти тизимлари бўйича O'z DSt ISO 9000:2002 амалда қўлланилмоқда.

Ишлаб чиқариладиган турли хил маҳсулотлар муайян сифат кўрсаткичларига жавоб бериши керак. Сифат кўрсаткичлари эса маълум белгиланган талабларга мувофиқ келиши лозим. Мувофиқлик ўз навбатида, маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини талаб этади. Мувофиқликни эса сертификатлаштириш мумкин.

“Сертификат” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “тўғри тайёрланган” деган маънони билдиради.

Сертификатлаштириш – бу керакли ишонччилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқчилигини алоҳида, холис деб тан олинган идора томонидан тасдиқланадиган фаолиятдир.

Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг қўлланмасида «сертификатлаштириш» атамасининг қуйидаги изоҳи берилган:

– сертификатлаштириш дейилганда маҳсулот, технологик жараён ва хизматларни сертификатлаштиришда (мувофиқликни сертификатлаштириш) учинчи томоннинг қатнашиши тушунилади;

Сертификатлаштириш деганда, маҳсулот (буюм, товар) ёки хизмат муайян стандартга ёки техникавий шартларга мувофиқ келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолият тушунилиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулот (буюм, товар)нинг сифати ҳақида истеъмолчини ишонтирадиган тегишли ҳужжат - сертификат берилади.

Сертификатлаштиришнинг миллий тизими - давлат миқёсида амал қиладиган сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим.

Мувофиқлик сертификати - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

Мувофиқлик белгиси - муайян маҳсулот ёки хизматнинг аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёки кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизими – айти бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими.

Синов лабораториясини аккредитлаш – синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларнинг нуфузли орган томонидан расмий эътироф қилиниши.

Сертификатлаштириш органи – сертификатлаштиришни ўтказувчи орган.



Синаш – бу ўрнатилган муолажага мувофиқ ҳолда бир ёки бир нечта характеристикани аниқлаш.

Синаш лабораторияси – синашларни ўтказадиган лаборатория.

Аккредитлаш тизими – Аккредитлашни ўтказиш учун процедуралар ва бошқарувнинг ўз қоидаларига эга бўлган тизим.

Аккредитлаш – Процедура бўлиб, унинг воситасида ваколатли идора шахс ёки идоранинг муайян ишни бажариш ҳуқуқига эга эканлигини расмий тан олади.

Аккредитлаш бўйича идора – Аккредитлаш тизимини бошқарувчи ва аккредитлашни ўтказувчи идора.

Инспекция текшируви – сертификатлаштириш ва аккредитлашда ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат ёки ишлаб чиқаришни бошқариш тизимлари, сертификатлаштириш бўйича идоралар, синаш лабораториялари (марказлари) нинг фаолиятини такрорий баҳолаш процедураси.

Сифат – Ўз тафсилотлари мажмуининг талабларга мувофиқлик даражаси.

Сифат менежменти тизими – Сифатга нисбатан ташкилотга раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун менежмент тизими.

Сифат соҳасидаги сиёсат – юқори раҳбарият томонидан ифодаланган сифат соҳасида ташкилотнинг умумий мақсад ва фаолият йўналиши.

Ташкилий тузилма – Масъуллик, ваколатлик ва ўзаро муносабатларнинг ходимлар ўртасида тақсимланиши.

Манфаатдор томон – ташкилотнинг фаолиятидан ёки ютуқларидан манфаатдор шахс ёки гуруҳ.

Жараён – Кириш ва чиқишларни қайта ўзгартирувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи фаолият турларининг мажмуи.

Процедура – Фаолиятни ёки жараённи амалга оширишнинг ўрнатилган усули.

Кузатувчанлик – Кузатилаётганнинг тарихи, қўлланилиши ёки жойлашган ўрнини кузатиш имкони.

Мувофиқлик – Талабни бажариш.

Номувофиқлик – Талабни бажармаслик.

Синаш – Ўрнатилган процедурага мувофиқ маҳсулотнинг бир ёки бир нечта характеристикаларини аниқлаш.

Таҳлил – Кўрилаётган объектнинг яроқлилиги, адекватлилиги (айнан бир хиллиги), натижавийлигини аниқлаш ёки белгиланган мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

Аудит – Аудит гувоҳномасини олиш ва аудитнинг келишилган мезонларини бажариш даражасини аниқлаш мақсадида уларни бегараз баҳолаш мунтазам, мустақил ва ҳужжатлаштирилган жараёни.

Аудит дастури – Муайян вақт даврига режалаштирилган ва муайян мақсадга эришишга йўналтирилган бир ёки бир нечта аудитлар мажмуи.

Компетентлик (ваколатлилиқ) – ўз билим ва қуникмаларини қўллай олиш қобилияти.

Мувофиқлик атамаси маҳсулот жараён, хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз таркибига олади. Мувофиқликнинг учта кўриниши – мувофиқлик баёноти, мувофиқликни аттестатлаш, мувофиқликни сертификатлаштириш мавжуддир. Мувофиқлик баёноти деб таъминотчининг маҳсулот, жараён ва хизматларнинг аниқ бир стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга тўла-тўқис мувофиқлиги ҳақида масъулиятни ўз зиммасига олганлигини баён этишига айтилади. Бу атамани сўнгги вақтларда «ўз-ўзини сертификатлаштириш» тушунчаси билан алмашилаётгани қайд қилинмоқда. Ўз-ўзини сертификатлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи томон бутун масъулиятни ўзига олган ҳолда сертификатлаштиришни ўзи ўтказди ва маҳсулотнинг керакли даражада сифатлилиги ҳақидаги қафолатни ўз устига олади. Бундай сертификатлаштириш фаолиятини ўз-ўзини сертификатлаштириш деб юритилади.

Мувофиқликни аттестатлаш дейилганда учинчи томон тарафидан «синов лабораториясининг баёноти» тушунилиб, маълум намуна маҳсулотга бўлган талабларни

белгиловчи маълум стандартлар ёки бошқа ҳужжатлар билан мувофиқ эканлигини баён этилиши тушунилади.

Яна бир зарур атамаларидан бири «сертификатлаштириш тизими» бўлиб, у қуйидагича таърифланади: «Сертификатлаштириш тизими – мувофиқликнинг сертификатлаштириш фаолиятини ўтказиш учун иш тартиби қоидаларига ва бошқаришига эга бўлган тизимдир.»



«Сертификатлаштириш тизими» атамасидан ташқари, сертификатлаштириш схемаси киритилиб, у қуйидагича таърифланади: «Мувофиқликнинг сертификатлаштирилишини ўтказишдаги учинчи томон фаолиятининг таркиби ва тартиби».

Сертификатлаштириш тизимларида қатнашувчи учта тушунча тўғрисида тўхталиб ўтамиз: сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш деганда, ушбу тизимнинг қоидаларига мувофиқ гувоҳнома талабларига берилган сертификатлаштиришдан фойдаланиш имконияти тушунилади.

Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи деб, ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизимни бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификатлаштириш идораси тушунилади.


Сертификатлаштириш тизими аъзоси деганда, ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

Сертификатлаштириш икки хил бўлади, булар мажбурий ва ихтиёрий.

Маҳсулотни у ёки бу сертификатлаштиришга оидлиги, унинг ташқи муҳитга, инсон саломатлигига таъсири асосий мезон ҳисобланади. Ана шунинг учун ташқи муҳитга, инсон саломатлигига таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар албатта, мажбурий сертификатлаштиришга мансуб бўлади, қолган маҳсулотларнинг сертификатлаштирилиши эса ихтиёрийдир.

Мажбурий сертификатлаштириш деганда, сертификатлаштириш ҳуқуқига эга бўлган идора томонидан маҳсулот, жараён, хизматининг стандартлардаги мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда ишлаб чиқарувчи (бажарувчи), сотувчи (таъминловчи) ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушунилади.



Ҳозирги шароитда ташқи мамлакатлар билан савдони, мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни, фан ва техника ривожланиши учун ҳамда чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатдошлик қобилиятни ошириш учун мунтазам равишда синовлардан ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Синовларни кўпинча учинчи томон деб аталувчи шахс ёки ташкилот амалга оширади. У кўриладиган масалада қатнашаётган томонлар одатда таъминловчининг (биринчи томон) ва харидорнинг (иккинчи томон) манфаатларини ҳимоя қилиб, мутлақо мустақил равишда иш кўрадилар. Учинчи томон тарафидан қилинадиган сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг ишончига сазовор бўлмоқда.

## 2. “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонун шарҳлари.

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган бўлиб 4 та боб ва 23 та моддадан ташкил топган.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни (матнда бундан кейин «маҳсулотлар» деб юритилади) сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини; шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилган: сертификатлаштириш миллий тизими, маҳсулотларни сертификатлаштириш, мувофиқлик сертификати, мувофиқлик белгиси, бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими, синов лабораториясини аккредитация қилиш.

Қонуннинг 2-моддасида сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари санаб ўтилган. 3-моддасида эса сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, 4-моддада халқаро шартномалар ва битимлар, 5-моддада эса Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш органлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (матнда бундан кейин «Ўзстандарт» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

«Ўзстандарт» мазкур Қонунга мувофиқ:

сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;

сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни Ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек сертификатлаштириш натижалари ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди;

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини ва синов лабораторияларини (марказларини) аккредитация қилади;

сертификатланган маҳсулотларнинг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг), экспертларнинг Давлат реестрини

юритади;

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги» учун мувофиқлик сертификатларн ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

«Ўзстандарт»нинг сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи - давлат бюджети маблағи, шунингдек «Ўзстандарт» кўрсатаётган хизмат учун олинадиган ҳақдан иборат.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар:

бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;

сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Синов лабораторияларини (марказларини) ва сертификатлаштириш органларини аккредитация қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни аризачи қоплайди.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

«Ўзстандарт» ўз вазифаларининг бир қисмини бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

Қонуннинг 6-моддасида сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари шарҳланган.

Маҳсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

«Ўзстандарт» ва давлат бошқарувининг бошқа органларн, «Ўзстандарт» томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган, сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), мулк шаклидан қатъи назар, маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Сертификатлаштириш субъектлари - юридик шахслар сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификатлаштириш тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахсларнинг сертификатлаштириш тизимлари «Ўзстандарт» белгилаган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 2-боби 7-8-9-моддалардан иборат бўлиб, 7-модда мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисига бағишланган.

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчн ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари «Ўзстандарт» томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари «Ўзстандарт» томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларн ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда

сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини аризачи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

8-моддада эса сертификатлаштириш фаолиятига лицензия бериш тўғрисида, яъни бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораторияларни (марказлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда бериладиган лицензия асосида мувофиқлик сертификати берадилар ва сертификатлаштириш мақсадида синов ўтказиши, лицензия шартномалари тузиш тартибини «Ўзстандарт» белгилаши, маҳсулотларни сертификатлаштириш вақтида аризачига мувофиқлик сертификатини ёки мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи аккредитация қилинган тегишли сертификатлаштириш органи билан тузилган битим асосида берилиши таъкидланган.

Қонуннинг 9-моддасида эса сертификатлаштириш тўғрисида ахборот, шу жумладан «Ўзстандарт» тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг органлари, синов лабораториялари (марказлари), экспертлар тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ва уларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб бориши кўрсатилган.

Сертификатлаштириш органлари аризачига унинг талабига биноан маҳсулотни сертификатлаштириш учун керакли ахборотни беришлари шарт.

Аризачи сертификатлаштириш органининг талабига биноан сертификатлаштириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши шарт, тижорат сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно.

Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун талаблари 10-11-12-моддаларда баён қилинган. Хусусан, мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш «Ўзстандарт» зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайерлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шартлиги кўрсатилган.

11-моддада мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш шартлари келтирилган бўлиб, мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилган.

12-моддада мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар тафсилоти берилган бўлиб, мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

- сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;
- сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;
- агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб

қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмаслиги;

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилиши ёритилган.

13-модда тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятларига бағишланган. Бунда мажбурий сертификатлаш-тирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш мудати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технология жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт эканлиги регламентланган.

Қонунинг 14-моддасида хориждан олиб келинадиган ва хорижга олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби берилган.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши кераклиги;

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланиши;

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўзстандарт»ни хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўйилиши ҳамда

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаши кўрсатилган.

Мажбурий сертификатлаштириш ишларининг давлат томонидан молиявий таъминоти 15-моддада ўз аксини топган.

Қуйидаги ишлар:

сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболларини, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;

сертификатлаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;

халқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл

миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;

сертификатлаштириш юзасидан халқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари иа бошқа ишлар олиб бориш;

сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланиши кўрсатиб ўтилган.

16-модда мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишини давлат томонидан текширилиши ва назорат қилиниши, тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг), синов лабораторияларининг (марказларининг), сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўзстандарт»нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга оширишлари кўрсатилган.

Қонуннинг 17-18-19-моддалари ихтиёрий сертификатлаштиришга доир маълумотлар билан тўлдирилган.

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкинлиги;

Ихтиёрий сертификатлаштиришни «Ўзстандарт» белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлилиги ҳамда сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларини аккредитация қилинган органлар «Ўзстандарт» билан келишган ҳолда белгилаши таъкидланган.

4-бобдаги 20-21-моддаларда низоларни қараб чиқиш, сертификатлаштириш туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қонун шартлари белгиланган.

Мазкур Қонунни қўллаш билан боғлиқ низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда қараб чиқилиши;

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон «Ўзстандарт»нинг Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга ҳақлилиги;

Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши туғрисидаги низомни «Ўзстандарт» ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;

«Ўзстандарт»нинг Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини қараб чиқиши; шикоят аризалари икки ҳафта ичида кўриб чиқилиши; «Ўзстандарт»нинг, Шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда Олий судга ёки Олий ҳужалик судига шикоят қилиш мумкинлиги баён қилинган.

22-моддада сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) жавобгарлиги тавсифланган.

Сертификатлаштириш органи:

мувофиқлик сертификатини асосиз ва қонунга хилоф тарзда берганлик учун;

аризачига нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилганлик учун;

аризачининг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун, аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлиши;

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) мазкур моддада айтиб ўтилган хатти-ҳаракатлар натижасида аризага етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шартлиги белгиланган.

23-моддада тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги, шу жумладан,

тайёрловчилар (тадбиркорлар):

маҳсулотларни мувофиқлик сертификатисиз, шунингдек қонунга хилоф тарзда

мувофиқлик белгиси тамғаси босилган маҳсулотни реализация қилганлик учун;  
мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни тарғибот қилганлик учун;

«Ўзстандарт»нинг ёки у ваколат берган органларнинг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйилган маҳсулотларни реализация қилганлик учун жавобгар бўлиши;

Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун тайёрловчилар (тадбиркорлар) «Ўзстандарт» ёки у ваколат берган сертификатлаштириш органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан давлат бюджети ҳисобига реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима тўлаши;

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) истеъмолчи ёки буюртмачига етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларнда белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шартлиги таъкидланган.

### **3. Сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ва миллий тизими.**

Қуйидагилар сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини ташкил этади:

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 409-сонли “Сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш тартибини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хавфсиз эканини тасдиқлаш талаб қилинувчи товарларни олиб кириш ва ўз ҳудудидан олиб чиқиши тартибларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрологияси ва сертификатлаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларини олиб киришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни татбиқ этиш ҳақида”ги қарори;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тоғрисида”ги қарори;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли “Маҳсулотлар ва хизматларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш соҳа-тадбирлари тўғрисида” қарори.
- ❖ Сертификатлаштириш миллий тизимининг асосланувчи меъёрий ҳужжатлари “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш бўйича миллий органи бўлиб, амалдаги қонунчиликка биноан қуйидаги фаолиятларни бажаради:
  - сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;
  - маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сертификатланишини ўтказиш бўйича халқаро меъёрлар ва стандартлар билан уйғунлашган умумий қоидалар ҳамда тартибларни ўрнатади;
  - сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этади;
  - Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш ҳақидаги қарорларни қабул қилади ҳамда стандартлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш хусусида келишувлар тузади;
  - Ўзга давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда сертификатлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;
  - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатини белгилайди;



- Ўзбекистон Республикаси сертификациялаштириш миллий тизимига раҳбарлик қилади;
- маҳсулот, ишлар ва хизматларни мажбурий сертификациялаштириш хусусидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;
- бир хилдаги маҳсулот сертификацион тизими, сертификатланган маҳсулот, сифат тизимлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар давлат реестрини олиб боради.

Сертификатлаштириш бўйича ишлар олиб боришни Синовлар ва сертификатлаштириш Республика маркази (худудий бўлинмалари билан) ва бир хилдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича аккредитацияланган органлар амалга оширади. Сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва раҳбарликни мосликни тасдиқлаш соҳасидаги техникавий сиёсатни бошқариш бошқармаси амалга оширади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сертификатлаштириш нима?
2. Мувофиқлик сертификати нима?
3. Мувофиқлик белгиси нима?
4. Синов лабораториясини аккредитлаш нима?
5. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш нима?
6. Сертификатлаштириш турлари.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунининг мақсади.
8. Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органи ва унинг вазифалари.
9. Сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари.
10. Сертификатлаштиришнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асослари.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуни.

## 14-майруза. Сертификатлаштириш турлари ва схемалари

**Режа:**

1. Маҳсулотларни ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш
2. Сертификатлаштириш схемалари
3. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун

### 1. Маҳсулотларни ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш.

Маҳсулотларни ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш. Қонуннинг 17-18-19-моддаларида ихтиёрий сертификатлаштириш, уни амалга оширувчи субъектлар, ихтиёрий сертификатлаштириш тизимлари ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкинлиги;

ихтиёрий сертификатлаштиришни «Ўзстандарт» белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақли эканлиги;

сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларини аккредитация қилинган органлар «Ўзстандарт» билан келишган ҳолда белгилаши белгилаб қўйилган.

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш «Ўзстандарт» зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайерлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш учун уни синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;

сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш мудати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технология жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истемолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўзстандарт»ни хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Қўйидаги ишлар:

сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истикболлари-ни, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;

сертификатлаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;

ҳалқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;

сертификатлаштириш юзасидан ҳалқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари иа бошқа ишлар олиб бориш;

сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланади.

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг), синов лабораторияларининг (марказларининг), сертификатлаштириш органларининг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўзстандарт»нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартларда амалга оширадилар.

## 2. Сертификатлаштириш схемалари.

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайёрланган ҳужжатда учинчи томон тарафидан амалга ошириладиган сертификатлаштиришнинг 9 та схемаси берилган бўлиб, республикамизда ҳам айнан шу 9 та схема татбиқ этилган.

Биринчи схема. Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади. Бу хилдаги сертификатлаштиришда синовга тақдим этилган намуналарнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, холос. Бу йўл ўзининг соддалиги ва унга кўп харажат талаб қилмаслиги туфайли миллий ва халқаро савдо муносабатларида муайян даражада тарқалган.

Иккинчи схема. Бу схемада, маҳсулотнинг намуна турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шаҳобчаларидан вақти-вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади. Бу усул тақдим этилган намуналар сифатини баҳолаш билан серияли чиқаётган маҳсулотнинг ҳам сифатини баҳолаш имконини беради. Усулнинг афзаллиги - унинг соддалигидадир. Унинг камчилигига эса назорат синовлар натижасига қараб, агар маҳсулот стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланса, барибир уни савдо шаҳобчаларидан чиқариб ташлаш мумкин бўлмайди ёки уни чиқариб ташлаш учун бирмунча қийинчиликлар туғилади.

Учинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб, вақти-вақти билан намуналарни назорат қилишга асосланади. Иккинчи схемадан фарқланувчи томони шуки, маҳсулот савдо шаҳобчаларига тушмасдан туриб, синов назорати ўтказилади ва стандартга номувофиқлиги аниқланса, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилади.

Тўртинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини худди 1-3 схемалардек синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган намуналарнинг текшириш назорати вақти-вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади. Бу ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг чиқарилишига маълум харажатлар бўлгандан кейин, стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланади.

Бешинчи схема. Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти-вақти билан текширилиб, назорат қилиб борилади. Бу сертификатлаштириш усули нафақат маҳсулотнинг сифатини назорат қилибгина қолмай, балки корхонада чиқазиладиган маҳсулотнинг сифатини керакли даражада бўлишини ҳам назорат қилади.

Олтинчи схема. Фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тушуниш, баҳоланишини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона тайёрловчини аттестатлаш деб ҳам юритилади. Бу хил сертификатлаштиришда фақат корхонанинг белгиланган сифатда режадаги маҳсулотни чиқариш қобилияти баҳоланади.

Еттинчи схема. Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланган тўдасидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларининг натижаларига қараб тўдани ортиш учун қарор қабул қилиниши аниқланади. Бу хилдаги сертификатлаштириш учун танланманинг ҳажми аниқланиши лозим, бу эса тайёрланган тўданинг катта-кичиклигига мақбул бўладиган сифат даражасига боғлиқ. Қабул қилинган қоидага асосан, танлангани тўплаш ваколатланган синов ташкилотлари томондан амалга оширилади. Бу хил сертификатлаштириш қўлланиши статистик усулни қўллаш билан боғлиқдир.

Саккизинчи схема. Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу сертификатлаштириш усулида юқоридаги 7 та схемаларга қараганда, таъминловчининг масъулияти анча юқори. Табиийки, муваффақиятли синовлардан ўтган буюмларгина сертификат ёки мувофиқлик белгисини олади. 8-схема маҳсулотга нисбатан юқори ва қатъийроқ талаблар қўйилганда ишлатилишга асосланган ёки маҳсулотнинг ишлатилиши натижасида стандарт талабларга мос келмаслиги истеъмолчига катта иқтисодий зарар етказилганида қўлланилади. Бу ҳам сертификатлаштириш қимматбаҳо металллардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металлларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозалигини текширишдир.

Тўққизинчи схема. Маҳсулотни сертификатлаштиришда фойдаланилади ва баёндан ўтказишни ҳамда хавфсизлик талабларига мувофиқликни назарда тутди. Бу схемада мувофиқлик белгисини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчининг хоҳишига кўра амалга оширилади. Юқорида санаб ўтилган схемаларнинг ичида энг мукамал ва мураккаби бешинчи схемадир. Бу схема тўлиқ бўлганлиги учун уни асос қилиб олиб, ҳозирги замон халқаро сертификатлаштириш тизими яратилмоқда.

Сертификатлаштириш тизимларини бошқарувчи идора муайян турдаги маҳсулот сифатининг назоратини ташкил этиш, стандартларга риоя қилишни мажбурий талаб этишни, истеъмолчи ва савдо талабларини эътиборга олиб, мамлакатдаги амалда бўлган қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар асосида ўз ишини ташкил этади.

Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтказиш, корхонадаги ва савдо шаҳобчасидаги маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ва шунга ўхшашларни бажариб, учинчи томон вазифасини бажаради.

Ҳозирги пайтда Россия Федерациясида сертификатлаш-тиришнинг 1-10а схемалари қўлланилмоқда. Ушбу схемаларнинг қўлланишига доир қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин:

### 1-жадвал. Маҳсулотларни сертификатлаштириш схемалари.

Схема рақами	Синаш	Ишлаб чиқаришни (корхонани) текшириш	Инспектор назорати
1	Намунавий намуна синаш	–	–
2	Намунавий намуна синаш	–	Сотувчидан олинган намуналарни синаш
2a	Намунавий намуна синаш	Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш	Сотувчидан олинган намуналарни синаш
3	Намунавий намуна синаш	–	Тайёрловчидан олинган намуналарни синаш
3a	Намунавий намуна синаш	Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш	Тайёрловчидан олинган намуналарни синаш
4	Намунавий намуна синаш	–	Тайёрловчи ва сотувчидан олинган намуналарни синаш
4a	Намунавий намуна синаш	Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш	Тайёрловчи ва сотувчидан олинган намуналарни синаш
5	Намунавий намуна синаш	Ишлаб чиқаришни (корхонани) ёки тайёрловчининг сифат тизимини сертификатлаштириш	Тайёрловчи ва сотувчидан олинган намуналарни синаш. Сифат тизимининг ишлашининг назорати.
6		Тайёрловчидаги сифат тизимини сертификатлаштириш	Сифат тизими барқарорлигининг назорати
7		–	–
8	Ҳар бир намуна синаш	–	–
9	Мувофиқлик баёнтини қараб чиқиш	–	–
9a	Мувофиқлик баёнтини қараб чиқиш	Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш	–
10	Мувофиқлик баёнтини қараб чиқиш	–	Тайёрловчи ва сотувчидан олинган намуналарни синаш
10a	Мувофиқлик баёнтини қараб чиқиш	Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш	Тайёрловчи ва сотувчидан олинган намуналарни синаш

- 1-6 ва 9а-10а схемалар серияли ишлаб чиқариладиган сертификатлаштиришда қўлланилади;
- 7, 8, 9 схемалар ишлаб чиқариладиган буюмлар партиясини ёки ягона нусхасини сертификатлаштиришда қўлланилади;
- 1-схемани маҳсулотни чегараланган ҳажмда сотиш ва ишлаб чиқаришда қўллаш тавсия этилади;
- 1а, 2а, 3а, 4а, 9а ва 10а схемаларни 1, 2, 3, 4, 9 ва 10 схемаларнинг ўрнига қўллаш тавсия қилинади, агарда сертификатловчи орган (идора)да тайёрловчининг маҳсулот характеристикасининг барқарорлигини таъминлаш имконияти тўғрисида ахбороти бўлмаса;
- 5-схема қатъий схема ҳисобланади. Ушбу схема ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг характеристикаларига оширилган талаблар ўрнатилган ҳолларда қўлланилади.
- 3а, 4а ва 5 схемалардан ихтиёрий сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказишда фойдаланилади.
- 9-10а схемалар хориждаги сертификатлаштириш тажрибалари асосида яқиндагина киритилган. Агар, баёнотдаги сертификатлаштиришдан ташқарида бўлган ҳужжатлар бевосита ва билвосита равишда маҳсулотнинг ўрнатилган талабларга мувофиқликни тасдиқласа, у ҳолда, сертификатловчи орган (идора) тақдим қилинган ҳужжатлар ва мувофиқлик баёноти асосида қўшимча синовларни ўтказмасдан сертификат бериши мумкин.

### **3. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун.**

Бозор муносабатлари жорий этилган мамлакатларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари кенг доирада ҳимоя қилинади. 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси шаклланди. Қонун истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган. Тайёрловчи истеъмолчи олдида унинг ҳуқуқларини поймол қилганлиги учун қонун олдида жавобгарлиги, истеъмолчининг маҳсулот, хизматлар ва тайёрловчи тўғрисида тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга эканлиги, истеъмолчининг сотиб олаётган маҳсулотининг сифатини текширишга ҳаққи борлиги, яроқлилик муддати давомида кафолатланган хавфсизликка эга эканлигини қонун назарда тутди. Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ва атроф-муҳитга хавф келтирувчи товарлар ишлаб чиқарилганлиги учун қуйидагиларнинг жавобгарлиги: тайёрловчи, меъёрий ҳужжатни тасдиқлаган орган, мувофиқлик сертификатини берган орган, табиатни сақлаш, соғлиқни сақлаш органлари ҳамда товарни ишлаб чиқаришга рухсат берган органларнинг жавобгарлиги қонунда келтирилган.

Ушбу қонун 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-моддада қонунда қўлланилган асосий тушунчалар келтирилгандир. Жумладан:

- истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс);
- ишлаб чиқарувчи – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;
- ижрочи – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;
- сотувчи – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;
- шартнома – товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;
- товар – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжаллаган маҳсули, шу жумладан, импорт маҳсулоти;
- норматив ҳужжатлар – стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда муваққат фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар

- (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;
- товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф хатарнинг йўқлиги;
  - мувофиқлик сертификати – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;
  - товар (иш, хизмат)нинг нуқсони – товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;
  - товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони – товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;
  - кафолат муддати – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (онлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;
  - хизмат муддати – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;
  - яроқлилиқ (сақлаш) муддати – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;
  - касса чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;
  - товар чеки – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.
  - товарни (ишни, хизматни) истеъмолчидан қайтариб олиш – агар товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарни (ишни, хизматни) қайтариб олишга қаратилган ҳар қандай чора;
  - товарни (ишни, хизматни) муомаладан чиқариш – ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарга (ишга, хизматга) офертани тугатиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган ҳар қандай чора;
- 2-моддада қонун ҳужжатлари ва 3-моддада халқаро шартномалар ва битимлар қўлланиш тартиби белгиланган.
- 4-моддада истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари санаб ўтилган бўлиб, жумладан:
- товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
  - товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
  - товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
  - ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;
  - бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;
  - истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

5-моддада ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот хусусида сўз боради:

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юримдик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчиларга маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилдан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак. Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

6-моддада товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумотларни бериш шартлари келтирилган. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда куйидагилар кўрсатилиши шарт:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;
- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;
- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;
- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;
- товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати ва ушбу муддат туганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шу-нингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмирлашларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;
- товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари.
- театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Қонуннинг 7-моддасида товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари санаб ўтилган.

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда



берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айtilган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

8-модда. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи белгиланган. Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш хизмат)ни эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизматлар) ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарчаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

9-моддада таъкидланганки, олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек, айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

10-моддада товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби келтирилган. Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

11-моддада ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари аниқланган.

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилиқ муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилиқ муддати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш ман этилади.

12-моддада истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи белгиланган. Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан, радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек, унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилиқ муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) дан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиқлик сертификати берган орган;

соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш (ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озиқ-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

13-моддада истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари санаб ўтилган. Нуқсонли товар сотилганда истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

- товарни айна шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;
- товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;
- харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;
- шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатга тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчининг техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

14-моддада нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби келтирилган. Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айна шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан кўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айна шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Қонуннинг 15-моддасида товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби ёритилган. Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айна шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондиди назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек, нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

16-моддада айтиб ўтилганки, агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

17-модда. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш шартлари келтирилган. Нуқсонли товар айна шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдорида қайтариб берилади, шунингдек, кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вази беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб

чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

18-моддада белгиланганки, истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айти шундай товарга алмаштириб олишга бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли. Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

19-моддада Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳақида сўз боради. Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек, ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра (нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёнки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни: ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда; кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида; импорт ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бирмунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек, иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчи ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматини (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажарилмаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалдан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий

нуксонлар бўлса ё у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалдан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки барабар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуксонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек, ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидан ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу Қонуннинг 20, 22, 27, 29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек, шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

20-моддада товар (иш, хизмат)нинг нуксонлари туфайли етказилган зарар учун мулкый жавобгарлик белгилаб берилган. Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуксонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуксони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб (21-модда) ҳисобланади. Агар уларни қўлланиши натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

22-моддада маънавий зарар учун ҳақ тўлаш кўрсатилган. Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини сўмда белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкый зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиши ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди (23-модда).

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат кўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда «Ўзстандарт» агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз вакиллари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун (24-модда) маҳаллий ҳокимият органлари:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;
- истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадиладар;
- истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;
- ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

25-моддада санаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчидан (ижрочидан, сотувчидан) зарур ҳужжатлар, тушунтиришларни ва бошқа ахборотни сўраб оладиладар;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) кўрсатма юборадилар;
- истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидирлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

26-моддада товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

- товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;
- товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек, бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво кўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгар бўлади (27-модда).

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига):

ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланганлигига қарамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун – товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги ҳулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи миқдорида ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсизлиги тўғрисидаги ҳулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун – реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун:

юримдик шахсларга – энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

Ўзстандарт ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификати қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима солиш суд томонидан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроп бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима солиш ишлаб чиқарувчини (ижрочини, сотувчини) йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, уни судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

28-моддада молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчининг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шартлиги белгилаб қўйилган. Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.



29-моддада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақида маълумот келтирилган. Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин (30-модда). Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Маҳсулотларни ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштиришни амалга ошириш тартиби.
2. Сертификатлаштириш схемалари ва уларнинг тафсилоти.
3. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун шарҳи.
4. Қонунда қўлланилган асосий тушунчаларни келтиринг.

### АДАБИЁТЛАР

4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., и др. «Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством» - Т., НИИСМС, 2007. – 555 с.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни.

## 15-майруза.

### Техник воситаларни сертификатлаштириш

#### Режа.

1. Техник воситаларини сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш.
2. Техник воситаларини сертификатлаштириш қондаларининг таҳлили.
3. Техник воситаларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш тартибини таҳлил қилиш

Сертификатлаштириш маҳсулотнинг юқори сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш шакли сифатида халқаро миқёсда тан олинди. Сертификатлаштириш Ўзбекистонга “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги 1993 йилнинг 28-декабрида қабул қилинган қонуни орқали кириб келди. Қонунга мувофиқ, сертификатлаштириш мажбурий сертификатлаш-тирилиши керак бўлган маҳсулот ва хизматлар рўйхати орқали амалга оширилади. Дастлаб, бу рўйхат 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 409-сонли қарори билан, кейинчалик, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 6-июлидаги 318-сонли қарори билан янги рўйхат амалга киритилди. Ушбу рўйхатда мувофиқлиги тайёрловчининг баёноти билан тасдиқланадиган маҳсулот турлари мавжуд. Қарорда, ундан ташқари, ўрнатилган тартибда мувофиқликни тасдиқлаш тизимини киритиш ва баёнотлаш тартиби тўғрисида талаблар мавжуд. Мажбурий сертификатлаштириш бўйича ташкилий ишлар Ўзстандарт (Ўзбекистон метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш) Агентлиги зиммасига юкланган. Мажбурий сертификатлаштириш қатнашчилари бўлиб, Ўзстандарт агентлиги, сертификатлаштириш бўйича аккредитланган лабораториялар (марказлар), назорат органлари ҳамда буюртмачилар ва бошқа тайёрловчилар ҳисобланадилар.

Қонунда Ўзстандарт агентлиги ва бошқа сертификатловчи органларга бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини яратиш ҳуқуқи берилган. Қонун импортланган маҳсулотларни олиб кириш шартларини аниқлади. Ушбу маҳсулотлар сертификат ва мувофиқлик белгисига эга бўлиши керак. Қонун ихтиёрий сертификатлаштириш бўйича ҳам ҳуқуқий муносабатларни бошқаради.

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунда назорат ва текширув масалалари ҳам ўз ечимига эга. Эксперт-аудиторлар фаолияти аниқланган. Қонунда тортишувларни қараб чиқиш масалалари ҳам ифодаланган, апелляция кенгаши вазибалари аниқланган, жарималар ва уларнинг миқдори кўрсатилган.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳам сертификатлаштиришнинг асосларидан ҳисобланади.

Замонавий телекоммуникация хизматларини жорий этиш ва тақдим этиш соҳасида давлат бошқаруви ва тартибга солиш ричагларидан бири телекоммуникация техник воситаларини (ТТВ) сертификатлаштириш ҳисобланади.

Телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган ТТВ, шу жумладан, охири (терминал) ускуна белгиланган стандартлар, техник шартлар ва қонун ҳужжатларига мос келадиган бошқа нормаларга мувофиқ сертификатлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ) доирасида ТТВни сертификатлаштирилишини такомиллаштириш мақсадида телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш тизими тузилган («Телекоммуникациялар» сертификатлаштириш тизими). «Телекоммуникациялар» сертификатлаштириш тизими Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган (сертификатлаштириш, декларация қилиш ва б.ш.к.) ТТВ мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича ишларни ўтказиш учун мўлжалланган ва қуйидаги асосий мақсадларга эришиш учун йўналтирилган

- инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи ва уларнинг мулки учун хавфли бўлиши, шунингдек атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган ТТВни сотиш ва қўллаш, сақлаш, монтаж қилиш ва эксплуатация қилиш мумкин эмас;

- фойдаланувчилар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган техник параметрлари ва тавсифларига эга ТТВни харид

қилишдан ҳимоя қилиш.

Телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаш-тириш тизими 24.02.1999й. №12-201 тасдиқланган, қайд қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг миллий тизимида амалга ошириш учун киритилган (қайдлов рақами NSS.US.10.NS0.002).

«Телекоммуникациялар» сертификатлаштириш тизими Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариладиган ҳамда бошқа давлатлардан келтириладиган ТТВ учун мувофиқликни тасдиқлашнинг ягона қоидалари ва тартибини назарда тутди.

ТТВни сертификатлаштириш бўйича барча ишлар мажмуасини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг UNICON.UZ маркази қошида белгиланган тартибда аккредитацияланган Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаш-тириш идораси амалга оширади.

ТТВни сертификатлаштиришнинг асосий процедуралари Ўз СМТ ва белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатга олинган Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаш-тириш тизимининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган.

ТТВ СИ ташкилий-бошқарув ҳужжатларида талабгор томонидан ариза берилишидан бошлаб ва унга мувофиқлик сертификати берилишигача ТТВни сертификатлаштирилиш процедураларини бажариш қоидалари, ўтказиш тартиби ва регламенти белгиланган, шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг (МДХ) иштирокчи - давлатлар ҳудудида тайёрланган ва уларнинг Сертификатлаштириш миллий тизимларида белгиланган қоидалари бўйича сертификатлаштирилган, шунингдек, узоқ хориж давлатларидан олиб кириладиган, агар улар билан ўзаро тан олиш тўғрисида битим тузилган бўлса, ТТВ мувофиқлик сертификатларини тан олиш тартиби белгиланган. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қулай шароитлар яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 06 июлдаги «Маҳсулотни сертификатлаштириш процедурасини осонлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 318-сон қарорининг талабларига мувофиқ ТТВни сертификатлаш-тиришни ўтказиш процедуралари қайта кўриб чиқилган.

ТТВнинг хавфсизлиги, мослашувчанлиги ва сифати бўйича талабларнинг текширувини UNICON.UZ марказида аккредитацияланган Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синов маркази (ТТВ ССМ) амалга оширади. Марказда қуйидаги синаш лабораториялари мавжуд: 1. СЛ-01. Рақамли коммутация тизимлари ва абонент терминал қурилмалари; 2. СЛ-02. Телекоммуникациянинг радиотехник воситалари; 3. СЛ-03. Рақамли узатиш тизимлари ва алоқа кабеллари.

ТТВни сертификатлаштириш барча процедураларининг ижобий натижаларида талабгорга белгиланган намунадагидек мувофиқлик сертификати топширилади. Берилган мувофиқлик сертификати талабгор (тайёрловчи, сотувчи)га сертификатлаш-тирилган ТТВнинг рекламаси ва сотилишини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Қуйидагилар сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ташкил қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 409-сонли “Сертификатланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш тартибини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хавфсиз эканини тасдиқлаш талаб қилинувчи товарларни олиб кириш ва ўз ҳудудидан олиб чиқиши тартибларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрологияси ва сертификатлаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларини олиб киришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни татбиқ этиш ҳақида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-

- тадбирлар тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли “Маҳсулотлар ва хизматларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш соҳа-тадбирлари тўғрисида” қарори.
  - Сертификатлаштириш миллий тизимининг асосланувчи меъёрий ҳужжатлари

## **2. Техник воситаларини сертификатлаштириш қоидаларининг таҳлили**

Телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаштириш тизимида сертификатлаштиришни ўтказиш қоидалари қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- буюртмачи томонидан сертификатлаштиришни ўтказиш учун буюртма берилиши;
- сертификатлаштиришга берилган буюртма бўйича қарор қабул қилиш;
- телекоммуникациялар техник воситаларининг намуналарини танлаш ва идентификациялаш;
- сертификатлаш синовларининг дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- телекоммуникациялар техник воситаларининг сертификация синовларини ўтказиш (6 ва 9-сертификатлаштириш схемаларидан ташқари);
- телекоммуникациялар техник воситаларини ишлаб чиқариш ҳолатини ўрганиб чиқиш (3, 4 ва 5-сертификатлаштириш схемалари учун);
- сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш (5 ва 6-сертификатлаштириш схемалари учун);
- телекоммуникациялар техник воситаларини сертификат-лаштириш синовлари бўйича олинган натижаларнинг таҳлили;
- мувофиқлик сертификатини бериш мумкинлиги (бериш мумкин эмаслиги) тўғрисида хулоса яшаш;
- мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва тақдим этиш (агар сертификатлаштириш схемасида бу назарда тутилган бўлса), мувофиқликни тасдиқлаш белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- хорижий мувофиқлик сертификатларини тан олиш;
- телекоммуникациялар техник воситалари сертификатланган турларининг инспекция назоратини ўтказиш;
- апелляцияларни қараб чиқиш;

Сертификатлаштиришни ўтказишга буюртмачининг буюртмани бериши қуйидаги тартибда амалга оширилади. Дастлаб, телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаштириш учун буюртмачи (тайёрловчи, таъминотчи, сотувчи, фойдаланувчи) сертификатлаштириш бўйича тааллуқли органга, яъни “Телекоммуникациялар” сертификатлаштириш тизимига буюртма юборади. Буюртмачи сертификатлаштириш органига буюртма билан бирга ҳужжатлар мажмуасини тақдим этади. Телекоммуникациялар техник воситаларининг партияси ёки ягона нусхасини сертификатлаштирилишини ўтказишдаги (7-сонли сертификатлаштириш схемаси бўйича) ишлаб чиқилган муолажалар мажмуаси 1-расмда келтирилган ва бунда қуйидаги ҳужжатлар пакети тақдим қилинади:

- а) техник ҳужжатлар (техник тафсилот, фойдаланувчи учун қўлланма, монтаж ва эксплуатация ва бошқаларга доир йўриқномалар);
- б) меъёрий ҳужжатлар (Давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, техник шартлар ва б.); уларда телекоммуникациялар техник воситаларига ва уларни синаш усулларига техник талаблар ўрнатилади.
- в) товарга доир ҳужжатлар (инвойс, авиа, темирйўл ёки транспорт юкхати, юк-тижорат баёноти ва б.)

Турни тасдиқлаш бўйича сертификатлаштириш ўтказилганда (3-схема бўйича сертификатлаштириш муолажаси 2-расмда келтирилган) ҳужжатлар пакетини қуйидаги тартибда тақдим этилади:


- а) техник ҳужжатлар (техник тафсилот, фойдаланувчи қўлланмаси, монтаж ва эксплуатация бўйича кўрсатмалар ва бошқалар);
- б) меъёрий ҳужжатлар (Давлат, тармоқ стандартлари, техник шартлар ва бошқалар);
- в) сифат менежменти тизими сертификатининг нусхаси (агар тизим мавжуд бўлса).


Сертификатлаштириш идораси телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича буюртмани қабул қилади, қайдловдан ўтказиши, қараб чиқади, ҳужжатлар комплектини текширади, таҳлил қилади ва буюртма қабул қилинган кундан бошлаб икки кун ичида буюртмачига қабул қилинган қарор ҳақида маълумот беради.

Сертификатлаштириш бўйича идора телекоммуникациялар техник воситаларининг сертификатлаштирилиши тўғрисидаги буюртма бўйича қабул қилинган қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

- телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаш-тирилишини ўтказиш имкониятининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ахборот;
- телекоммуникациялар техник воситаларининг номланиши, ташкилот ва тайёрланган мамлакатлар;
- телекоммуникациялар техник воситалари партиясининг ўлчами (7-схема учун);
- сертификатлаштиришнинг ўтказиш схемаси;
- телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш бўйича талабларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатларнинг номрўйхати;
- телекоммуникациялар техник воситаларини идентификациялаш ва намуналарни танлаш жойи;
- телекоммуникациялар техник воситаларининг синовларини ўтказиш жойи;
- сертификатлаштириш синовлари ўтказиладиган синаш лабораторияси (синаш маркази)нинг номи;
- телекоммуникациялар техник воситалари қўлланиладиган ишлаб чиқариш корхонасининг ҳолатини аниқлаш бўйича ишларни ўтказиш зарурлиги;

Буюртмачи телекоммуникациялар техник воситаларини сертификатлаштириш шартларига розилик билдирган ҳолда сертификатлаштирувчи орган сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун шартнома (контракт) тузади.





2-расм. Сертификатлаштиришни 3 -схема бўйича ўтказиш бос қичлар и

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Техник воситаларини сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.
2. Техник воситаларини сертификатлаштиришнинг қоидалари.
3. Техник воситаларини сертификатлаштириш синовларини ўтказиш тартиби.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни
2. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., ва б. «Стандартлаштириш, Метрология, Сертификатлаштириш, Сифат.» – Т.: СМСИТИ, 2008. – 267 б.

**16-майруза. Ўзбекистон Республикасининг  
“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва  
товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни шарҳлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни 2001 йил 30 август куни президент томонидан тасдиқланган бўлиб, 38 та моддадан иборат.

Ушбу Қонун товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди (1-модда).

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан (2-модда) иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (3-модда) (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади (4-модда).

Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда жўғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки



бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади (5-модда).

Товар келиб чиққан жой номи (6-модда) ҳукукий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий объектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳукуқини олади.

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқи худди шу жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи (7-модда) ҳисобланади.

Патент идораси:

товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашади;

товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатга олишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказди;

товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳукуқини, товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

Товар белгилари давлат реестрини ва Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади), шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини (бундан буён матнда Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхати деб юритилади) юритади;

товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

товар белгилари рўйхатга олинганлиги ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқи берилганлиги, шунингдек товар белгиси Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этилганлиги тўғрисида расмий маълумотларни эълон қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Патент идорасига берилади (8-модда).

Жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмаси номидан бирлашма қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувига мувофиқ берилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган сана мазкур талабнома Патент идорасига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

Илгари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра муҳофаза қилинган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома Патент идораси томонидан белгиланган тартибда берилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома (9-модда) бир товар белгисига ёки товар келиб чиққан бир жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

талабнома берганлик учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий объектда жойлашганлигини ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи ҳужжатлар;

чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиққан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиққан мамлакатда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларга тааллуқли талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди (10-модда):

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги

товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қахрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1–4-бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, ушбу модда биринчи қисмининг 5–8-бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисига устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5–8-бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди (11-модда):

товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англлатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар белгисининг устуворлиги (12-модда) товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар

белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги), белгиланиши мумкин.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатлардан бирининг худудиди ташкил этилган расмий халқаро кўрғазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўрғазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўрғазмада очиқ намоёиш этила бошланган санага қараб (кўрғазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

Конвенция ёки кўрғазма устуворлиги ҳуқуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани бераётганида ёки Патент идорасига талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Патент идорасига тақдим этиши лозим.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома икки ёки бир неча талабномага ажратилган тақдирда талабномаларнинг ҳар бири бўйича устуворлик дастлабки талабноманинг устуворлиги санасига қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги илгари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра муҳофаза қилинган товар белгисининг устуворлиги санасига қараб белгиланиши мумкин.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш (13-модда) Патент идораси томонидан амалга оширилади ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатиш, аниқлаштириш ёки талабнома моҳиятини ўзгартирмайдиган маълумотлар билан тўлдиришга ҳақли.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида талабнома берувчи бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар дастлабки талабномада санаб ўтилган товарларни талабномалар ўртасида тақсимлаш орқали дастлабки талабномани икки ёки бир неча талабномага ажратишга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Патент идораси талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли.

Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин. Агар талабнома берувчи сўралаётган қўшимча материалларни ёки уларни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлар талабнома берувчининг мазкур муддат тугаганидан кейин кечи билан икки ой ичида берган илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш (14-модда) талабнома Патент идорасига берилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади.

Расмий экспертизадан ўтказиш жараёнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига

биноан Патент идорасининг талабноmani кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори маълум қилинади.

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш (15-модда) товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан эътиборан етти ой ичида Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Экспертизадан ўтказиш чоғида талабномада ифодаланган белгининг товар белгисини экспертиза қилишда ушбу Қонун 3-моддасининг биринчи қисми ҳамда 10-моддаси (10-моддаси биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) қоидаларига, товар келиб чиққан жой номини экспертиза қилиш ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда эса ушбу Қонуннинг 6 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижаларига биноан Патент идораси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёхуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади.

Патент идорасининг товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ санасига кўра устуворликка эга бўлган талабнома тушганлиги муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Талабнома берувчи давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан (16-модда) Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой мобайнида судга шикоят беришга ҳақли.

17-моддада белгилаб қўйилганидек, талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан уни кўриб чиқишнинг исталган босқичида бошқа шахс фойдасига воз кечиши ёки талабноmani чақириб олиши мумкин, лекин бу тегишинча товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиладиган санадан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Патент идораси давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч кун ичида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади (18-модда).

Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади (19-модда). Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома (20-модда) товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли реестрда рўйхатга олинганидан кейин ўн кун ичида Патент идораси томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

21-моддада ёритилганки, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

22-моддада товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкинлиги аниқланган.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

патент вакили орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ёзув тегишли реестрга киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин.

23-моддага биноан, товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Патент идорасини ўз номи, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга тааллуқли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса товар белгиси олинган товарларнинг рўйхати қискартирилганлиги, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади. Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Патент идораси томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

Товар белгисига доир гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, ҳуқуқий муҳофаза бериш низолашилмаётган битта товар ёки товарларнинг бир қисми учун товар белгиси алоҳида рўйхатдан ўтказилганлиги бир неча товарга нисбатан амал қилаётган товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлигидан товар белгиси эгасининг аризасига биноан ажратиб кўрсатилади.

Товар белгисига доир гувоҳнома (24-модда) унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1–12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у ушбу Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома унинг амал қилишининг бутун муддати давомида, башарти у ушбу Қонунда белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома Апелляция кенгашининг ёки суд қарори асосида тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлиги қуйидаги ҳолларда бекор қилинади (25-модда):

мазкур жўғрофий объект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаганда;

чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳуқуқларини йўқотганда.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши унинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан исталган беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши:

Апелляция кенгашининг қарори асосида;

товар белгиси эгасининг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида;

суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади.

26-моддада белгиланганки, Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида амалга оширилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Товар белгиси (27-модда) уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини (28-модда) товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида: товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишига, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи лотин алифбосидаги «R» ёки айлана ичига олинган «R» ҳарфи тарзида огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин (29-модда).

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (30-модда).

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар) томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

Товар белгиларининг эгалари бўлмиш юридик шахслар (31-модда) қўшиб юборилганда товар белгилари қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади.

Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлинганда товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси зиммасига ўтадиган, қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади. Товар белгисининг эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган товарларни ишлаб чиқаришнинг бир қисмини ўзида сақлаб қолган тақдирда ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувга (шартномага) кўра товар белгисининг биргаликдаги эгаси деб эътироф этилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товар белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда товар белгисига доир ҳуқуқ қўшиб олган юридик шахсга ўтади.

Гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган товар белгиси товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши тугаган санадан эътиборан уч йил мобайнида бошқа шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас (32-модда). Мазкур қоида товар белгисининг эгаси ундан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар воз кечган ҳолларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

32<sup>1</sup>-модда ҳаммага маълум товар белгиси деб номланиб, унда қуйидагилар келтирилган:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳаммага маълум товар белгисига ушбу Қонунда товар белгиси учун назарда тутилган ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ҳаммага маълум товар белгисига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Апелляция кенгашининг қарори асосида ҳуқуқий муҳофаза берилади (32<sup>2</sup>-модда).

Ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгиси Патент идораси томонидан Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилади.

Ҳаммага маълум товар белгисига тааллуқли бўлган маълумотлар улар Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилганидан кейин Патент идорасининг расмий



ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисига гувоҳнома бериш товар белгиси Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилган санадан эътиборан ўн кун ичида Патент идораси томонидан амалга оширилади. Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси муддатсиз амал қилади.

33-моддада патент божлари ҳақида сўз юритилади. Хусусан, товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент вакили (34-модда) Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўз мамлакати ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакиллариға қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилени кўрсатган ҳолда патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар белгисини ёки товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли (35-модда).

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар (36-модда) ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

Товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади (37-модда).

38-моддада товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари таъкидланган.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг мақсади.
2. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси тўғрисида тушунча.
3. Патент идоралари ва уларнинг вазифаси.
4. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни.